

Шоҳистаҳон ЎЛЖАЕВА

АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ



Шоҳистаҳон ЎЛЖАЕВА

АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ



**Тошкент
“IJOD-PRESS”
2018**

УЎК: 94(575.1)

КБК: 63.3(5Ў)

Ў 70

Тақризчилар:

Ашраф АҲМЕДОВ

Тарих фанлар доктори, профессор

Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ

Тарих фанлари доктори

Масъул муҳаррир: Ҳалимбой БОБОЕВ

Юридик фанлар доктори, профессор

Ўлжаева, Шоҳистахон.

Амир Темур дипломатияси: илмий-оммабоп қўлланма, / Ш. Ўлжаева – Т.: “IJOD-PRESS” нашриёти, 2018 йил. – 156 б.

ISBN: 978-9943-5233-2-6

**Тошкент кимё-технология институти илмий кенгашининг
29.03.2018 йил №7-сонли мажлисида нашрга тавсия этилган.**

Ушбу китоб Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясининг маъно-мазмуни, мақсад ва вазифаларини тушуниб етишишимизда катта аҳамият касб этади. Соҳибқироннинг Шарқ ва Farb давлатлари билан олиб борган дипломатик алоқалари ва ташқи сиёсати ҳақида тўхтабиб ўтади. У Амир Темурнинг Хоразм, Олтин Ўрда, Мўгулистон, Миср, Усмонийлар, гарб давлатлари ва бошқа сиёсат йўналишиларини имкони борича очиб беришга ҳаракат қилган ва ўйлаймизки, турли даврларда ёзилган мақолалардаги баъзи қайтарилишлар ўқувчиларда малоллик тутдирмайди. Бу тадқиқотида муаллиф ўз олдига қўйған мақсад ва вазифаларни амалга ошира олган. Китобда Амир Темур дипломатиясининг услублари, гоялари, ташаббускорлиги ва бошқа жиҳатлари чуқур таҳлил қилиб берилган.

УЎК: 94(575.1)

КБК: 63.3(5Ў)

ISBN: 978-9943-5233-2-6

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2018

232701

АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Амир Темур даври дипломатиясини ўрганиш миљлий давлатчилигимиз тарихи ва моҳиятини янада кенгроқ тушунишимизда катта аҳамият касб этади.

Бу мавзу олимлар томонидан ўрганилаётганига қарамай, ҳали унинг барча муаммолари тўлалигича очиб берилмаган. Жумладан, унинг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқарувини кучайтиришга кўрсатган таъсири, назарий асослари тўлалигича таҳлил этилмаган.

Бизнинг туркий давлатчилигимизга мувофиқ аждодларимиз азалдан халқаро муносабатлар ва дипломатия қонун-қоидаларига амал қилиб, бу соҳани ривожлантириб келганлар. Меҳмондўст халқимиз азалдан ўзга халқларни ҳурмат қилиш, улар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилиб келган.

Манбалар ва тарихий далиллар Амир Темур дипломатиясида тинчлик, ўзаро ҳурмат, рақибиға шафқат қилиш ва унга катта имкон яратиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам элчини қадрлаш, дипломатия қоидаларига қатъий амал қилиш, инсон ҳаётининг дахлсизлиги, гуманизм ғоялари устувор бўлганлигини кўрсатади.

Тарихий манбалар Амир Темурнинг барча чигал жумбоқларнинг ўндан тўққиз фоизини тўғри қўлланилган тадбирлар, яъни аввало, дипломатиянинг усулларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилганлигига гувоҳлик беради.

“Амир Темур даври дипломатиясининг ғоялари, мақсадлари, хусусиятлари ўша даврда бошқа давлатларнинг олиб борган дипломатиясининг ғоя ва ху-

сусиятларидан нимаси билан фарқ қиласди? Бошқа давлатларнинг салоҳиятли ва кучли раҳбарлари билан олиб борган мураккаб муносабатларда ҳам нима учун унинг қўли баланд келган? У чигал вазиятларда қандай тадбир ва усувлар қўллаган? Амир Темур дипломатиясини кучайтиришга хизмат қилган омиллар нималар эди? Унинг дипломатияси бошқа давлатлар раҳбарларининг дипломатик салоҳиятидан нимаси билан устунлик қилган?” – каби саволларни қўйиш бизнингча, масалани тўлиқроқ тушуниб етишимизга ёрдам беради.

Мисрлик тадқиқотчи олим Фатхи ал-Гувейли ҳам ҳақли равищда «Амир Темур томонидан бошқа давлатлар арбоблари билан бўлган муносабатларда қўлланган дипломатик усувлар ва уларнинг айрим нозик жиҳатлари назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишга арзигулиқдир», – деб таъкидлаган¹.

Фатхи ал-Гувейли «Амир Темурга теран ақл-фаросат ва зийраклик хос бўлиб, бу сифатлар дипломат шахснинг энг муҳим жиҳатини ва асосини ташкил этади. Амир Темур у ёки бу мамлакатга ўз элчиларини юбориб, бошқа давлатлар элчиларини қабул қилиб, қирол ва амирлар билан дипломатик ёзишмалар ўрнатиб, бу соҳанинг шакл мазмунларини янада бойитди»², – деб ёзади.

Бизнингча, унинг фаолиятидаги биринчи хусусият ва омил Амир Темурнинг нозик дипломатик тактикаси ва унинг инсонпарварлигидир. Соҳибқирон Амир

¹Фатхи ал-Гувейли. Амир Темур дипломатияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.– Б.108

²Ўша жойда.

Темур ҳар қандай шароитда ҳам дипломатия мезонлариға қатый амал қилди ва бу қоидаларга хилоф иш қилмади.

Б.С.Маннонов ҳам «Темур дипломатиясининг ўзиға хос томонларидан бири, у ўзининг барча мурожатларида, ҳатто қатый талаб шаклида ёзилган номаларида ҳам, Шарқ дипломатияси этикетларига риоя қиласи. Узоқ юртлар ҳукмдорларининг қўпол шаклда, айрим ҳолларда ниҳоятда жаҳл ва таҳқир билан ёзилган номалариға ҳам Соҳибқирон ҳамма вақт ўз фикрларини аниқ баён қилган ҳолда сокин ва одоб билан жавоб қиласиди. Амир Темурнинг шахсан ўзи «элчиларга ўлим йўқ» деган қадим-қадимдан қолган дипломатик қоидага доимо амал қилган ва ўз қўл остидагилардан бу қоидани ҳеч қачон, асло бузмасликларини талаб қиласиди», – деб ёзган.

Унинг бу фазилати Хоразм ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқаларида ҳам яққол кўринади. Амир Темур Хоразм билан ўртада бўлган низони бартараф қилиш учун у ерга ўз элчиларини жўнатган эди. Низомиддин Шомий бу ҳақда «...ўртада элчилар боришиш-келиш қилишиб турдилар ва бир-бирлари билан боғланиб, қариндош бўлишиб, орадаги ваҳшатни унсуулфат билан алмаштирилар. Воқеа бундай бўлган эди, амир Нангқудайнинг ўғли Оқ Сўфий (Юсуф Сўфийнинг иниси – Ш.У.) (Олтин Ўрда хони) нинг қизини никоҳига олган, Хонзода (Хонзоданинг асл исми Севинбека, Оқ Сўфийнинг қизи-Ш.У.) подшоҳ Ўзбекнинг набираси эди. Амир Соҳибқирон уни улуғ амирзода

¹Маннонов Б. С. Амир Темур дипломатияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.– Б. 105.

Жаҳонгир учун сўраттириди. Жанг ва хусумат хешлик ва дўстликка алмашинди¹, – деб ёзади.

Бироқ Юсуф Сўфий ўз ваъдасига хилоф равишда иш тутиб Амир Темурга бир неча марта мухолифлик йўлини тутди. Бу ҳақда Низомиддин Шомий шундай ҳикоя келтирган: «Юсуф Сўфий мунофиқларча фурсатдан фойдаланиб, калтабинлик билан ишнинг оқибатини ўйламади ва Бухоро томонга лашкар юборди. Улар босқин ясад, баъзи вилоятларни талон-тарож қилдилар. Амир Соҳибқирон Жалолиддин баҳодирни элчи қилиб юбориб, Юсуф Сўфийга деди: «Орамиздаги иттифоқлик ва қариндошликтан кейинги бу мухолифатга сабаб нима?» Юсуф Сўфий элчига жавоб бермай, уни ушлаб бандга солди. Амир Соҳибқирон лутф хайриҳоҳлик юзасидан яна бир мактуб йўллади, унда: «Элчига ўлим ва бўлимилик йўқдир, элчининг гарданидаги вазифа буйруқни аниқ етказишдан бошқа нарса эмасдир. Менинг элчимни қайтариб юбор» деб ёзди ҳамда бу муҳим иш билан яна бир чопарини йўллади. Юсуф Сўфий бу чопарни ҳам тутиб банди қилди ва Тўй Бўғони лашкар билан Бухоро атрофини босқин қилиш учун юборди».

Юсуф Сўфий билан низолар кескинлашаётганда «Термиз тарафдан Амир Соҳибқирон ҳузурига янги пишган қовун келтирдилар. У «Юсуф Сўфий гарчи ўринсиз мен билан мухолифат қилган бўлса ҳамики, аммо орамизда қариндошлиқ бор бўлгани учун биринчи қовунни усиз ейишга лойик эмасдур» деб

¹Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 527 б.- Б.95.



қовунни бир олтин табоққа қўйиб, Юсуф Сўфийга юборди. Юсуф Сўфий бунинг эвазига таъзим ва хурмат мақомида туриб узр сўраши ва неча ҳисса қилиб тухфа ва совғалар юбориши лозим эди. У эса ўша қовунларни сувга ташлашни буюрди ва олтин табоқни дарвозабонларга баҳшийда қилди»¹.

Манбалардаги маълумотлардан Амир Темурнинг мураккаб шароитларда ҳам сабр-тоқат билан масаланинг тўғри ечимини топишга ҳаракат қилгани такаббур, ўзига қаттиқ ишонган ва бино қўйган душманлари билан юзага келган низо-келишмовчиликларни тўғри ҳал этиш учун йўл излаганинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Тўхтамиш ҳам Амир Темур ёрдамида Олтин Ўрда хони бўлиб олса-да, яхшиликни унтиб унга мухолифлик қилгани кўпчиликка маълум. Бироқ Соҳибқирон бу рақибини ҳам кечирди ва Хитой юриши олдидан унинг элчиларига юришдан қайтгац, ёрдам қилажагини айтди.

Амир Темурнинг Миср ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқалари ҳам ибратлидир. Миср ҳукмдори Барқуқ, унинг вафотида кейин тахтга ўтирган Фараж Амир Темурнинг яқин кишиси бўлган Отламишни аси尔да ушлаб, қайтариш талабига жавоб бермай вақтни чўзар эди. Бироқ Амир Темурнинг Шом ва Ҳалабдаги ғалабаларидан кейин ундан ҷўчиган Фараж қилмишидан пушаймон бўлиб, Отламишни озод қиласи ҳамда уни васила қилиб беҳисоб совға-саломлар билан Амир Темур ҳузурига жўнатади.

Шундан кейин ҳам Амир Темур унинг отасиз ўс-

¹Ўша китоб.– Б.110.

ганлигини инобатга олиб, уни ўз ўғли сифатида қабул қиласи ва «унинг қўлига қувват бераман»¹, – дейди.

Унинг Боязид Йилдиримга бўлган муносабатини олайлик. Манманлик ва кибр билан ўзига ҳаддан ташқари ишонган Боязид Амир Темурниг душманларини қўллаб-қувватлайди, илтимос ва талабларига ҳақорат ва қўрслик билан жавоб қиласи.

Охир-оқибат жанг билан якун топган зиддиятли муносабатлардан кейин енгилган Боязидни Амир Темур ҳузурига олиб келадилар.

“Чангга беланган ва ҳолдан тойган омадсиз сultonни музafferнинг чодирига келтирганларида тун чўккан эди. Амир Темур ўйнаётган шатранжини тўхтатиб, одат юзасидан унга бир неча савол берди. У Султон ва унинг ўғиллари ҳаётига заар етказмасликка сўз берди.

– Агар ишимиз чаппасидан кетиб, бугун Худо сенинг тарафингни олганда, – дея таъкидлади улуф амир, – сен менга ва лашкаримга қандай муносабатда бўлишингни ҳамма биларди.

Улуф амир умри бўйи эришган зафарларининг буюгидан сўнг хотамтойлигини кўрсатди”², – деб ёзади Люсен Керен.

Соҳибқирон Амир Темур дипломатик муносабатларда ташаббус кўрсатиб, халқаро алоқаларни ривожлантиришга интилган.

Тенглик, рақибига ён босиш, жўмардлик каби фазилатлар унинг дипломатиясига хос хусусият эди. У

¹Ўша китоб.– Б.354.

²Керен Л.Амир Темур салтанати / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б.Эрматов.– Тошкент: Маънавият, 1999.– Б. 132-133.

“ҳар бир банда ирқи, миллати, диний эътиқодларидан қатъи назар Аллоҳ олдида тенг” деган тушунчага таяниб, ташқи сиёсатда ҳам унга амал қилиб келган.

Демак, инсон омили, фаровонлиги ва ободлиги унинг қарашларида ва дипломатиясида аввалги ўринда туради.

Ричард Нелсон ҳаққоний равишда Амир Темур салтанатга фақат бир маданиятни мажбуран киритмасдан, аксинча, турли маданиятларни қўшиб бугунгача яшаб келаётган ОвроПСИЁ гоясини дастлаб ишлаб чиққан шахс эканлигини, маданиятлараро яхшигина кўприк ўрнатганлигини, (кўчманчилар ва ўтроқ халқлар, мӯғуллар, турклар, форсийлар) фарб ва шарқ ўртасида ҳам таҳсинга сазовор муносабатлар ўрнатганини айтиб ўтган эди¹.

Соҳибқирон Амир Темур бугунги кунда глобаллашувда муҳим ҳисобланган интеграциянинг дастлабки даракчилари ва назариётчиларидан бўлган. У Тўхтамиш, Барқуқ, Боязид ва бошқа йирик дипломатлардан фарқли ўлароқ бир динни бошқа динга, мафкурани ўзга мафкурага қарши қўймай ҳар икки зиддиятли тарафнинг ижобий ечими ва йўлини топишга интилган.

Ҳозирги даврдаги ОвроПСИЁ, ягона Туркистон ва бошқа интеграцияни кучайтириш, фаровонликка кафолат бўлувчи foялар ҳам тарихий foяларни тиклаш ва ундан амалий фойдаланишга интилиш натижасида пайдо бўлган.

Қозогистонлик олим К.Л.Бурҳонов ва ҳамюргимиз И.Искандаровлар ҳам тадқиқотларида «Ягона Туркис-

¹Нельсон Р. Амир Темур улкан стратег ва сиёсатдон сифатида // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 33-34.

тон» концепцияси Амир Темурнинг ягона макон фояларига ҳамоҳанглигини таъкидлаб ўтадилар¹.

Покистонлик олим Ф.А. Дурроний ҳам «Амир Темур Ўрта Осиёдан чиққан буюк саркардалардан бўлган. Унинг қатъиятлилиги, бир мақсадга интилувчанилиги ҳамда тиришқоқлиги кучли рақиблари устидан ғалаба қозонишга ёрдам берган. У турли вазиятларда рақибларидан устун келишининг биронта ҳам имкониятини қўлдан бермаган, керак бўлганда ҳеч иккимай музокара олиб борган, ўзи кучли дипломат бўлган, унинг стратегияси зудлик билан ҳаракат қилиш, рақибига зарба бериш», – деб унинг дипломатиясидаги хос хусусиятларга катта баҳо берган.

Тарихий далиллардан Амир Темур ташқи сиёсати ва дипломатиясида байналмилаллик, толерантлик фоялари мавжуд бўлганлигини англаш мумкин.

Жумладан, Грузия ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқалар тарихи фикримизга далиллар.

Низомиддин Шомийнинг ёзишича, гуржилар ерлари, шаҳарлари ва аҳлу авлодларини Амир Соҳибқироннинг ғазаб ўтидан сақлаш учун заруратдан қайта-қайта элчи юбордилар, нодир тухфалар, отлар ва ҳар хил жониворлардан иборат тортиқлар тортиб, илтинос қилдилар: «Ҳазрати Амир Соҳибқирон раҳмли тангри ва ҳазрати раббилоламининг соясидирлар. Тангрининг раҳмати мўъминларга қаратилган бўлганидек, унинг карами кофирлар ва мушриклар учун

¹Бурҳонов К.Л. Амир Темур давлати ва ягона Туркистон концепцияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: ҳалқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.– Б. 38-39; Искандаров И. Амир Темур ва даврлар ҳамоҳанглиги // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: ҳалқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.– Б.41-43.

ҳам насиба етказувчи ва нигоҳбондир, барча унинг раҳмати дастурхонидан насибадор, карам ва эҳсонидан ҳиссадордир.

Бизнинг илтимосимиз шулдурки, журмимиз устига афв этагини ёпиб, гуноҳимиздан ўтсалар ва бу навбат яна бизга навбат берсалар, токи бундан кейин илгариги подшоҳлар ва оталаримиз бу мамлакатлар сultonлари билан қандай яшаган бўлсалар, биз ҳам шу тариқа ҳаёт кечирайлик, божу хирож молларини хизонаи маъмурага етказайлик, ҳарбий юришларда муқаррар қилинган миқдорда аскарлар жўнатайлик. Агар жизия тўлаб турсак ва амонда эканлигимизни билсак, сизнинг динингиз ўзингиз учун, менинг диним ўзим учун...»¹, — қабилида илтимос қиласидилар ва ўз динларини сақлаган ҳолда Амир Темурга бўйсуниш истагини билдирадилар.

Грузинларнинг ушбу илтимосидан кейин Амир Темур уларнинг гуноҳидан ўтди, ҳадяларини қабул этиб шундай ихтиёр қилди: «Бундан кейин қуллик мақомига дохил бўлиб, яхши бандалик вазифаси ва мақбул хизматларини адо этишга киришсинлар, ёзишмалар ва борди-келди эшигини очсинлар, мусулмонларни ўз жойларида эмин ва азиз тутсинглар, бединлар қоидаларини мўминлар вилоятида ошкор этмасинглар»², — деб элчиларга сарполар кийгизиб жўнатади.

Демак, у дипломатия йўлида мағқуралар, динлар, ҳалқларнинг ўз талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб, уларнинг ўзаро хурматда бўлиши, миллий ҳамда диний жиҳатдан беобрў қилмаслигининг тарафдори бўлган.

¹Низомийддин Шомий. Зафарнома ... – Б. 316.

²Маннонов Б. С. Амир Темур дипломатияси ... – Б. 106.

Қатъият, мақсадга интилиш, тиришқоқлик, имкониятдан максимал ва түғри фойдалана билиш, юксак ахлоқий қадриятлар, музокара олиб бориш орқали масалани тинчлик йўли билан ҳал қилиш, тезкор ҳаракат қилиш, рақибиغا пайт пойлаб зарба бериш каби усуллар унинг дипломатиясидаги хос хусусиятлардан-дир.

Амир Темур дипломатиянинг таҳдид, огоҳлантириш билан бирга ташвиқот¹ усулларидан кенг фойдаланишга интилган. Бу эса ўша даврнинг ўзига хос информацион курашларидан эди. Соҳибқирон Амир Темур дипломатияси маслаҳат, кенгашга асосланган бўлиб, сўнгги хулоса чиқарилган қатъий қарорлар қабул қилган.

Ўзининг дипломатик алоқалари, хатти-ҳаракатлари билан Амир Темур ўз давригача мавжуд бўлган дипломатия илмини умуминсоний foялар, юксак ахлоқий фазилатлар билан бойитди. Унинг шакли, этикаси, мазмунини гўзаллаштириб, ўз даври даражасидан юқорига олиб чиқди.

Соҳибқирон Амир Темур дипломатиясида мардлик ва жасорат бир-бирини тўлдирувчи асосий арконлардан эди.

Б.С.Маннонов ҳам «Қўлимиздаги кўплаб далилларга амал қилиб Амир Темур дипломатияси чукур ва изчил гуманизм руҳи билан сугорилган дейишимиз мумкин. У сотқинларни беаёв жазолаган, кўрқоқлик ва иккюзламачиликдан жирканган, бироқ душманларига ўз қилмишларини обдан ўйлаб кўриш ва хулосалар чиқаришга имкон берган, агар улар ўз хатоларини тушуниб етиб, уларга Соҳибқиронга бўлган садоқатини

¹Жан-Поль Ру. Тамерлан / Пер с. фр. Е.А.Соколова; Послесл. В.Л.Егорова.— М.: Молодая гвардия, 2004. — С.244.

ҳаётда исботлаш учун яна бир марта имкон беринини сўраб ялиниб-ёлборганда, уларни кечирган¹, – деб унинг дипломатиясидаги афзал қоидаларни алоҳида ва тўғри таъкидлаб ўтган.

Тарихдан яна бир мисол. Миср ҳукмдорлари Соҳибқирон элчиларини ўлдирса-да, «Элчига ўлим йўқ» қоидасига биноан у томондан келган Байсақ исмли элчига шафқат қиласди, уни ўлдириш учун қулай имкон туғилса ҳам бундай пасткашликка бормайди. Миср ҳукмдорининг хатти-ҳаракатларидан фазабланган Амир Темур элчига жавоб мактуби ёзиб бермайди ва шундай таъкидлайди: «Сени юборган кимса у билан яхши муомала қилишимга арзимайди, менинг унга мактуб юборишимга лойиқ эмасдир. Аммо унга айтгинки, мана мен сенинг изингдан унга томон етиб бораман ва мана менинг ўшларим чанглари сенинг этагингга ёпишган(дай) у қочиш учун ёки (жойида) қарор топиши учун этагини шимарсин. Булар (қочиш ёки туриш)дан қай бирини ихтиёр этса, шунга лойиқ имкони борича «куч-куввату отлиқ аскарлар тайёрласин»².

Миср элчиси Амир Темурнинг бу жўмардлигидан ҳайратланиб «тирик қайтариб юборилганлигимга ишонмасдим» деб айтган³.

Соҳибқирон қўшинида хизмат кўрсатган европалик саркарда Шилтбергер томонидан келтирилган бир ҳикоя унинг дипломатиясидаги гуманизм гоясини янада яққолроқ акс эттиради. Шилтбергернинг ҳикоя қили-

¹Маннонов Б.С.Амир Темур дипломатияси ... – Б.106.

²Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент: Мехнат, 1992.I китоб ... – Б.239-240.

³Ўша жойда.

шича, Амир Темур Сивосни йигирма бир кун давомида қамал қиласди. Боязид шаҳарда беш минг кишидан иборат қўшин қолдирганди. Йигирма бир кунлик қамал давомида бу аскарларга қайта-қайта мурожаат қилиб, қаршилик кўрсатишлари бефойда эканлигини, таслим бўлишса молу жонларини омон қолдириб, хоҳласалар ўз қўшинларидан жой берилиши, ҳар кимнинг рутбасига яраша, мансаб, лавозим ва маош билан тъминлашини, хоҳласалар истаган томонларига қўйиб юборишини таъкидлаган бўлса-да, аскарлар таслим бўлишни ор билиб жанг қилдилар ва Амир Темурнинг уч мингдан ортиқ энг сара, норгул йигитларининг бошига етадилар, бунинг устига қамал пайтида улар Амир Темур лашкарларининг кўнглига ваҳима солиш учун шаҳардаги кўплаб қари-қартанг ва хотин-халажларни қиличдан ўтказиб, бошларини найзага илиб, девор тепасидан аскарларга намойиш қиладилар ва «Агар кетмасалар шаҳарнинг бутун аҳолисини ўлдирамиз» деб пўписа қиладилар. Бундан ғазаби жунбушга келган Амир Темур қандай қилиб бўлса-да, шаҳарни ишғол қилишга ва бу қонхўрларни жазолашга қатъий азму қарор қиласди. Тун пайтида шаҳарни ўраб турган деворнинг тагидан хандақлар қазишиб, деворни ағдарган лашкарлар шаҳарга бостириб кириб Боязиднинг лашкарларини қўлга туширишади. Амир Темур: «Уларга қандай жазо берсам экан» – деб ўйлаб турганда, уларнинг лашкарбошиси келиб, аскарларнинг қонини тўкмасликни илтижо қиласди. «Тўғри сўйлайдурсен, пок қилич ва найзаларимни сен мурдорларнинг ифлос қонингга булғамайдурмиз», – дейди Амир Темур ва уларни қилмишларига яраша жазолайди. Сўнгра биз кет-

гач, Боязид келиб, тинч аҳолини қийнамасун, деган ўйда омон қолган барча аҳолини ва айниқса, ўзини ҳимоя қилишга қурби етмайдиган тўқиз минг на-вжувон қизни кўчириб, ўз юртига олиб кетади¹.

А.Х.Сайдов ҳам унинг дипломатиясидаги хос хусусиятларидан баъзиларини келтириб ўтган: «У шаҳарларни вайрон қилмасдан иложи борича кам талофот бериб олишни афзал кўрган. Амир Темур ҳарбий ҳийла турларидан қуюқ ваъдадан тортиб, самимий насиҳатгача бўлган шакллардан моҳирона фойдаланган. Масалан, 1401 йилнинг июнида узоқ давом этган Боязид қамали палласида Амир Темур қамалдагиларга, агар бефойда қаршилик кўрсатишни ўжарлик билан давом эттираверсангиз, навкарларим қаҳр-ғазабини жиловлаб тура олишга кафолат бермайман, деб таҳдид солган.

1381 йилнинг апрелида эса Ҳиротга ҳужум қилиш олдидан у икки минг бўлимини озод қилган ва шаҳарда кимки уйидан ташқарига чиқмаса, унинг ўзи ҳам, бола-чақаси ҳам омон қолади, деб гап тарқатган. Пухта ўйланган бу ҳийла кутилган натижани беради. Бозор, маҳаллаларга сафарбарликка қанчалик ундамасинлар, аҳоли қўлига қурол олишдан ва қалья деворлари устига чиқиб, шаҳарни ҳимоя қилишдан бош тортади»².

Соҳибқирон Амир Темур дипломатик ҳийлалари стратегияси билан қоришиб кетган эди. Унинг душман қўнглига қайси вазиятда таҳдид ваҳима солгани

¹Олмон асилзодаси Соҳибқирон хизматида // Соҳибқирон юлдизи. – 1998 йил, 13 январ.

²Керен Л., Сайдов А.Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адодлат, 1996. – Б.48-49.


ва юмшокроқ муносабат билдирганини, душманни құрқитишиң услубини ўрганиш ҳам муҳимдир.

Жумладан, Миср султонига ёзған хатида «Мен бегона лашкарларни Шом ерларига киритишни хоҳла-майман, сизлар бундан ортиқ жаҳл мақомига қадам босманглар, амир Отламишни тезлик билан юбо-ринглар, токи мен әлчини ўлдириганингиз гуноҳидан ўтаман ва диёрингизни саломат қолдираマン»¹ дея огоҳлантирган ва бу усулни қайта-қайта такрорлаган.

Соҳибқиран Амир Темур душманларига насиҳатлари, огоҳлантиришлари, таклифлари ёрдам берма-гач, охирги йўл – таҳдид солиш, қўрқитишиң ва психологияк ҳужумлар уюштириш чораларини кўрган. Бу ҳам унинг дипломатиясининг хос хусусиятидир.

Тарихчи Ибн Арабшоҳ келтирган бир хатда, гарчанд воқеа бирмунча бўрттирилган бўлса ҳам, бундай усулни мисол тариқасида келтириш мумкин: «Билинглар, биз Аллоҳ қўшинлари бўлиб, унинг қаҳридан яратилганмиз ва унинг ғазаби тушган ҳар бир киши устидан бизга ҳокимият берилган: биз шикоят қилгувчини аямаймиз, йигловчининг кўз ёшига раҳм қилмаймиз – бизнинг қалбларимиздан тангри раҳмдилликни юлиб олган; бизнинг амримизга амал қилмаган ҳар бир киши устига қайфу алам, чексиз қайфу алам келади. Биз мамлакатларни ҳароб қилдик, бандаларни ҳалок этдик ва ер юзига фасодни зоҳир қилдик; бизнинг қалбимиз гўё тоғлар, ададимиз қўмлар сингари, отларимиз ўзғир, найзалиаримиз тилка-пора қилувчи; бизнинг мулкимизга тажовуз қилинмайди, қўшинимиз ранжитилмайди. Агар сиз шартимизни қабул этиб, амримизга муво-

¹Низомийддин Шомий. Зафарнома ... – Б. 289.



фиқ иш қилсангиз, унда нимаики ўзимиз учун бўлса сиз учун ҳам, бизга қаршилик қилсангиз ва ситамни давом эттирсангиз унда фақатгина ўзингиздан ўпкаланг; бизга қўрғонлар моне бўла олмайди; бизни даф қилиш учун тилаб қилган дуоларингиз муста-жоб бўлмайди ва тингланмайди»¹.

Соҳибқирон Амир Темур энг шошилинч ва мураккаб вазиятларда ҳам ўзини йўқотмас, босиқ ва вазмин ҳолатда масаланинг ечимини топишга интиларди.

Унинг дипломатиясига ўзига хосликлардан бири шундаки, у ўз душманларининг барча заиф томонларини синчковлик билан ўрганган ва шунга яраша тадбирлар қўллаган.

Шунингдек, у душманларининг хатти-ҳаракатлари, халқаро майдонда рўй бераётган воқеаларнинг тафсилотлари ҳақида маҳсус одамлари орқали доимий равишда тўлиқ маълумотлар олиб турган.

Хильда Хукхэм Амир Темурнинг жосуслари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар бериб ўтган. Амир Темур ўзи юриш қилмоқчи бўлган ерларга шайх, савдогар, сайёҳ ниқоби остида ўз жосусларини йўллаган ва улар орқали ўша ерда рўй бераётган барча воқеаҳодисалар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлган. У ҳатто хавфли жанговар жиноятчилар, хунармандлар, мунахжимлар, табиблар, дайдилар, денгизчилар, қўшиқчилар, донишмандлар, устомон қария кампирларни ҳам ўзга диёрларга йўллаб улар орқали энг керакли маълумотларни қўлга киритар ва шуларга монанд чора-тадбирларни аввалдан белгилар эди.

Хильда Хукхэм Амир Темур Сурияни забт этишда гувоҳ бўлган Мигнанеллининг маълумотларига тая-

¹Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб ... – Б.167-168.

ниб, Алеппо синагогида Амир Темур одамларининг ўзларини жуҳуд деб танитганлари ва ҳатто талмутлардан парчаларни устамонлик билан қироат қилиб берганлари ҳақида айтиб ўтган¹. Амир Темур томонидан тайёрланган махсус кишилар араб, форс, юнон ва бошқа тилларни яхши билганлар.

Амир Темурнинг қўлга киритган ғалабалари кучлар ва қўшинининг сифати ва таркибига эмас, аввало тўғри қўлланган тадбирга боғлиқ эканлигини яна бир бор исбот этади.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, түфма дипломатик ноёб қобилият Амир Темурнинг йирик салтанат тузишига катта омил бўлиб хизмат қилган.

Р.Нельсон ютқизиқсиз мақсад Темур даҳосининг асосини ташкил этишини, у ҳатто доналари икки баробар қўпайтирилган махсус шахмат тахтасини ўйлаб чиқаргани, бундан мақсад ўйин муддатини чўзиш бўлганлигини айтиб ўтган².

Бу шахмат доналари нафақат ўйинда, балки сиёsat майдонида ҳам ғолибона юришлар қилишга имкон яратган ва унинг дипломатик даҳосидаги муҳим хусусиятни ташкил этади.

Дипломатиясидаги яна бир хос хусусият унинг фоялари Соҳибқирон давлат мафкураси билан уйғунлашганидадир.

Демак, унинг давлати мафкураси умуминсоний қадриятларга таянган, ҳалқаро талабларга бугунги

¹Хукхэм Хильда. Властитель семи созвездий. Перевод с английского Г.Хидоятова. – Ташкент: Адолат, 1995. Б.71.

²Нельсон Р. Амир Темур улкан стратег ва улкан сиёsatдон сифатида // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: ҳалқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.– Б. 33.

кунда ҳам мосдир. Ислом фоялари асос ҳисобланган Амир Темур салтанати мафқураси ўзининг соғлиги, мукаммаллиги ва афзаллиги билан бошқа мафқуралардан фарқланиб турган. Амир Темур мафқураси эса ўзида ақидапарастликдан холи бўлиб, барча динлар олдинга сурган инсонпарварлик фояларини илгари сурган ва бундай фоя билан сугорилган ҳаракатлар дунё ҳалқини ҳаяжонга солган, унга нисбатан чуқур ҳурмат билдирилиб, ўз ҳалоскорлари сифатида тан олишган, ҳатто фарбда унга олтиндан ҳайкал қўйилган. Фарб ва шарқ мафқуралари ўртасида чуқур жарлик бўлишига қарамай, у дипломатик салоҳияти орқали динлар, маданиятлар, иқтисод, сиёсатлараро кўприк қўя олган буюк шахсdir.

Соҳибқирон дипломатиясининг хос хусусиятларидан яна бири унинг элчиларни танлаш масаласига катта эътибор берганлигидир. У энг қийин ҳалқаро вазиятларда ўзга давлатларга машҳур авлиё ва шайхларни элчи қилиб юборди. Бундан унинг муҳим элчиликлар уюштиришда ўз даврининг мафқуравий руҳиятини ҳисобга олганлиги кўринади. Шунингдек, элчиликка тайинланадиган кишилар аввал зийрак, билимли, ҳалқаро муносабатлар илмини пухта эгаллаган, ҳар қандай оғир вазиятларда тўғри тадбирлар қўллай оладиган ва доно кишилар орасидан танлаб олиниб маҳсус тайёргарликдан ўtkазилган. Уларга ўзини тутиш, кийим ва айтадиган гапларига-ча пухта ўргатилган.

Демак, Амир Темур ҳалқаро дипломатия этикасига қатъий риоя этган. Манбаларда Алқа тавачи, Жилорти, Амир Довуд, Ёдгор Барлос ва Узун Улжайту (Хоразмга), Шамсиддин Алмолиғий (Тўхтамишга), Шайх

Соважий, Подшоҳ Баврон (Мисрга), Муҳаммад Кеший (Европага) халқаро алоқаларни мувофиқлаштиришга катта хизмат қилувчи, иқтидорли, илмли ва тадбиркор элчилар ҳақида маълумотлар қолган. Айниқса, Муҳаммад ал-Кеший Амир Темур салтанатидаги эътиборли элчилардан бири бўлган. У буюк жаҳонгирнинг фармонига биноан Кастилия қироли Ҳенрих III ҳузурида Амир Темур империясининг мухтор вакили сифатида иш олиб борган. Ўша даврдаги шарқ ва гарб ўртасидаги муносабатлар эътиборга олинса, Муҳаммад ал-Кешийга нақадар катта вазифалар ишониб топширилганлигига имон келтириш мумкин¹.

Шамсиддин Алмолифийга Шарафиддин Али Яздий шундай таъриф берган: «Шамсиддин доно ва иш билгучи ва оқил ва зийрак киши эрди. Ва тўра (қонун)ни яхши билур эрди, оғзи юмшоқ ва сўзи чучук киши эрди. Соҳибқирон биткон мактубни олиб, Дарбанд йўлидан ўтуб, Даشت Қипчоқقا бориб, Тўхтамишхонға борди. Бас, анда етконда Тўхтамишни кўриб, ҳазрат Соҳибқирон мактубини бериб, ҳазрат деган сўзларни чучук тили билан анга деди»².

Жан-Пол Ру ҳам Амир Темурнинг элчиларни муқаддас, дахлсиз ва фахрий кишилар деб ҳисоблаганлиги, Миср ҳукмдори Амир Темурнинг ишонган кишиларини зинданбанд этиб, халқаро қоидаларни қўпол равишда бузгани, аммо Миср ҳукмдори томонидан келган элчиларга шафқатли муносабатда бўлиб, ҳатто олтин совфа инъом этиб, уларни қўйиб юборганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди³.

¹Маннонов Б. Ўзбек дипломатияси тарихи муаммолари // Шарқшунослик. – Тошкент: 1993. № 4. – Б. 128.

²Ўша жойда.

³Жан-Поль Ру. Тамерлан ... – С. 245.

Амир Темур асос солған бу анъана унинг фарзандлари даврида ҳам давом этган. Абдурраззоқ Самарқандий Шоҳруҳ ҳукмдорлиги ва ундан кейин ҳам кўп вақтини Темурийлар сулоласи ҳукмдорларининг ташқи давлатлар билан олиб борган дипломатик ёзишма ва элчилик алоқаларига оид ишлари билан шуғулланган. 1442 йилда уни Шоҳруҳ жанубий Ҳиндистондаги порт шаҳар Каликутга ва Вижаянагар давлатига элчи қилиб юборган. Шунингдек, у Миср султони ҳузурига ҳам элчи қилиб юборилган эди. Шоҳруҳ Мирзо вафот этгач, у Хуросон тахтида бирин-кетин алмашиниб турган темурийлардан Абулқосим Бобур (1451–1457), Абу Сайд (1458–1469) каби ҳукмдорларнинг бир қатор дипломатик топшириқларини бажаради, давлатлараро мураккаб сиёсий воқеаларни ҳал этишда ўта эҳтиёткорлик, чуқур билимдонлик ва донолик билан иш кўрди¹.

Шунингдек, Фиёсиддин Наққош ва бошқа элчилар ҳам халқаро алоқаларда муҳим роль ўйнаган. Шарқшунос олимлардан А. Ўринбоев, О. Бўриевлар ҳамкорликда “Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси” асарини ўзбек тилига ўтирганлар². Бу эса тарихчиларнинг ташқи сиёsat масалаларини атрофлича ўрганишига имконият яратади.

Амир Темур томонидан тайинланган элчилар бошқа мамлакатлардан келган элчиларга нисбатан ҳар томонлама устунлик қилган. Масалан, Миср қўшинлари қочиб кетаётib Соҳибқирон Амир Темурга ҳақоратловчи мактуб битиб, уни Байсақ деган элчи орқали Амир

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома... – Б. 174.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 55.

Темурга етказадилар. Амир Темур элчини қабул қиласиди ва ундан «Байсақ» исмининг маъносини сўрайди. Байсақ эса ўз исмининг маъносини билмаслигини айтади. Щунда Амир Темур «Сен ҳали ўз исминг маъносини билмайсанму, э ярамас! Қандай қилиб мактуб келтиришга ярайсан?»¹ – деб танбеҳ беради.

Амир Темур, ҳатто ўз исмининг маъносини билишга қизиқмаган қалтабин элчининг тайинланишини катта айб деб билади ва Миср ҳукмдорининг фаҳм-фаросатсизлиги, илмсизлигининг чегараси шу билан белгиланишини айтиб ўтади.

Соҳибқирон Амир Темур давлатида элчиларга катта эътибор, ҳурмат кўрсатилиб, улар ҳаётининг дахлсизлиги таъминланган, тўхтаган манзилларида озиқ-овқат, кийим-кечак, меҳмонхона, янги чопон, тұхфа-инъомлар, отлар берилиб, уларга кейинги манзилга тезроқ етишлари эслатиб турилган².

Б. С. Манноновнинг ёзишича, «Амир Темур салтанати девонида маҳсус дипломатия корпуси тузилган бўлиб, унга ҳар тарафлама маълумотли ва бир неча тилларни яхши билган кишилар кирган. Уларга Соҳибқиронга турли мамлакатлардан келган вакиллар билан музокара олиб бориш ишлари юклатилган эди»³.

Маълумки, Амир Темур савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун кўп саъии ҳаракат қилган. «Соҳибқироннинг ҳиммати ул эрдиким, йўллар анинг айюми давлатида эмин бўлғай ва худой

¹Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб. – Б.239-240.

²Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Темура. Москва: Наука, 1990. – С.74.

³Маннонов Б.С.Амир Темур дипломатияси ... – Б. 105.

бандалари ҳар сориким борсалар, аларға ташвиш ва тараддуд бўлмағай, фароғат била бориб келгайлар. Мунга кўп саъий қилур эрди¹, — деб ёзади Шарафиддин Али Яздий.

Унинг дипломатик алоқалари шахсан Амир Темур номидан олиб борилган ва расмий жиҳатдан мукаммал мактублар ёзиш услублари ишлаб чиқилган. Темур номалари «Амир Темур Гурагон, сўзимиз» деб бошланган.

Амир Темур салтанатида элчиларни қабул қилиш пайтидаги расмий маросимларнинг сценарийлари юксак меъморий-бадиий ечим, сиёсий-бадиий композиция, этика ва эстетика қоидалари асосида ҳар тарафлама пухта ишлаб чиқилган.

Саройда фаолият юритган дипломатик корпус Амир Темур юришдалик чоғида ҳам мунтазам ишлаб турар, барча муомала Амир Темур номидан олиб борилар эди.

Де Клавихо бу даврда ҳар бир соҳага катта эътибор берилгани, расмий маросимлардаги мукаммаллик ва гўзаллик ҳақида ўз “Кундалик”ларида ҳайратланиб ёзган эди².

Тарихий далиллар Соҳибқирон Амир Темур салтанатида дастурхон безаш ва овқатланиш қоидалари ҳам дипломатик одоб доирасида бажарилгани ҳақида шоҳидлик беради. Расмий анъаналарга кўра, зиёфатдан сўнг турли давлатларнинг элчилари келтирган совфалар намойиш этилган.

Дипломатик муносабатларда аёллар ҳам қатнашишган, маросимларда улар юзларига юпқа ҳарир мато

¹Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома – Б. 159.

²Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги // Санъат. – Тошкент: 1990.- № 6. – Б.22 .

тутиб юришган ва мато ортидан уларнинг юз-кӯзлари bemalol кўриниб турган. Маросимларда аёлларнинг учрашув майдонига кириб келиши ва қаердан жой олиши каби кичик ҳаракатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Элчиларга худди бугунги давлатчилигимиздаги каби зардўзи тўн, сарполар ва бошқа миллий кийим ҳамда ҳадялар инъом этилган. Бир сўз билан айтганда оддий овқатланиш, давраларда ўзини тутишдан тортиб барча йирик маросимларгача пухта ишлаб чиқилган. Бу омиллар расмий учрашувлар учун маҳсус дастурлар яратилганлигини билдиради. Темурийлар даври дипломатия тарихи халқаро муносабатлар тарихида муҳим ўрин тутади. Мирзо Шоҳруҳ, Мирзо Улуғбек ва Ҳусайн Бойқаро каби йирик темурий ҳукмдорлар ўзга давлатлар билан анча илиқ дипломатик муносабатларни олиб боришган.

Айниқса, Шоҳруҳ Мирзо анча лаёқатли дипломат бўлиб, у Ҳиндистон, Хитой, Миср каби давлатлар билан дипломатик муносабатларда ташаббускорлик кўрсатган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Амир Темур дипломатияси умуминсоний ғояларга садоқат руҳида шаклланган, ташқи алоқалар орқали турли халқлар ўртасида маданиятлараро кўпик ўрнатган.

Амир Темур дипломатиясида ўз даврида устувор бўлган халқаро дипломатия қонун-қоидаларига қатъий амал қилинган. Ўзининг рақибларидан фарқли равишда Амир Темур «элчига ўлим йўқ» шиорига амал қилиб, ҳар қандай қалтис вазиятларда ҳам элчинининг ҳурмат-иззатини ўз жойига қўйишига ҳара-

кат қилган. Шунингдек, Амир Темурнинг мардлик, жасурлик, ташаббускорлик каби хислатлари унинг дипломатик муваффақиятларига катта замин бўлиб хизмат қилган. У ўз рақибларига катта ҳурмат кўрсатиб, қилаётган ишлари юзасидан тегишли хуносалар чиқаришга имкон яратган. Унинг қатъияти, тиришқоқлиги, мақсадга интилувчанлиги ва ймкониятдан максимал фойдаланганлиги, тезкорлиги, дипломатик ютуғининг омилларидан ҳисобланади. Амир Темур низоларни иложи борича музокаралар йўли билан ҳал қилишга интилган, мураккаб вазиятларни ижобий ҳал бўлиши учун кўпроқ вақтни чўзиш йўлидан борган. Унинг кечирувчанлиги ҳам душманлари ва дўстларининг ҳурматига сазовор этган.

У пасткашликка қарши саҳиyllик, сабр-тоқат, кечириувчанлик ва бағрикенглик йўлини тутган. Унинг дипломатиясида ютқизиқсиз ва талофотсиз мақсадга эришиш бош фоя бўлган.

Амир Темур вазиятларга қараб дипломатиянинг насиҳат, огоҳлантириш, қўрқитиш ва овоза тарқатиш каби усуулларидан фойдаланган. Шунингдек, у рақибларининг заифликларидан усталик билан фойдалана билган. Амир Темурнинг элчилик фаолияти ва элчи танлашга алоҳида эътибор бергани ҳам унинг ташқи сиёсатда катта ютуқларга эришишига олиб келган. Шу мақсадда амир девонида элчилик фаолияти билан шуғулланувчи маҳсус дипломатик корпус мавжуд бўлиб, у корпус давлатлараро муносабатларнинг расмий, эстетик ва бошқа масалаларини такомиллаштириш ишлари билан шуғулланган. Бу даврда элчилар билан учрашишдаги расмий маросимлар, дастурхон безаш ва овқатланишнинг маҳ-

сус меъморий бадиий ечимлари ишлаб чиқилган ва ушбу соҳа ўз такомилига етган.

Амир Темур ўзининг дипломатик фаолияти билан динлар, мафкуралар, маданиятлар, иқтисодиётлар, сиёsatлараро кўприк қўйган йирик давлат арбобидир.

Бугунги глобаллашув жараёнида унинг бу меросини чуқур ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мустақиллик даврида Амир Темур даври дипломатик ёзишмалари ва уларнинг мазмун моҳияти тадқиқотчилар томонидан холисона ўрганила бошланди¹.

Соҳибқирон Амир Темур ташқи сиёсатининг йўналишлари мавзуси баъзи тадқиқотларда қисман очиб берилган², аммо ушбу мавзуни алоҳида ўрганиш ўша даврда халқаро майдонда юз берган сиёсий вазият ва жараёнларни кенгроқ билишимизда, вазиятга холис баҳо беришимизда катта аҳамият касб этади.

¹Амир Темур жаҳон тарихида. – Тошкент: Шарқ, 1996, 2001; Маннонов Б. С. Амир Темур дипломатияси // Шарқшунослик. – Тошкент: 1996. -№ 7 – Б. 10-37; Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция. - Тошкент: Адолат, 1996; Каримова Н. Темурийлар ва Хитой алоқалари // Шарқшунослик. – Тошкент: 1996. - №7. – Б. 44-60; Уватов У. Амир Темур ва мамлуклар // Шарқшунослик. – Тошкент: 1996. № 7. – Б.60-74; Гуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари // Шарқшунослик. – Тошкент: 1996. №7. – Б. 74-83; Ўша муаллиф.

Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир муносабатларига доир // Шарқшунослик. – Тошкент: 1997. № 8. – Б. 196-201 ва бошқалар.

²Асқаров А. Амир Темур ва Хоразм // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.39-40;

Амир Темур яшаган давр мураккаб ва зиддиятларга тўла бўлиб, ўз олдидағи тўсиқларини енгиб ўтиш учун у халқаро майдонда фаол ва аниқ режаларга асосланган ташқи сиёсат олиб бориши лозим эди. Бир томондан, ҳали чингизий мўфулларнинг хавфи кучли эканлигини унутмаслик ва уларни даф этиш чорасини кўриш, иккинчи тарафдан, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, учинчидан Чигатой улусини тўлигича ўз қўлига киритиш, ва ниҳоят, тўртинчидан, Буюк ипак йўлининг муҳим тармоқлари устидан назорат ўрнатиш каби вазифаларни давлат манфаатлари жиҳатидан тўғри ҳал этиш масалалари Амир Темурдан алоҳида ташқи сиёсат йўналишларини белгилашни тақозо этди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг мўгул зулмига зарба бериши унга янгича муаммоларни туғдирди. Хоразм, Олтин Ўрда, Мўгулистон, Эрон, Миср, Сурия ва Ироқ каби ўз даврининг кучли давлатлари хукмдорлари Амир Темур давлатига рақиб сифатида қараб, уни ҳар қандай йўл билан сиёсат саҳнасидан четлашибашга тайёр эдилар.

Бундай шароитда Амир Темур учун ўз мақсадларини амалга оширишга эришиш мушкул масала бўлиб, бу давлатларнинг ҳар қайсиси билан алоҳида сиёсат йўналишларини белгилаш талаб этиларди.

Ана шундай давлатлардан бири Хоразм эди. Бу давлат Амир Темур давлатининг ён қўшниси бўлиб, келажакда у билан сиёсий ва иқтисодий манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли мавжуд бўлган.

Амир Темур 1370 йилда ўтказилган қурултойдан кейин Чигатой улуси худудларини тиклашни мақсад қилиб қўяди ва бу йўлда ўз эътиборини Хоразмга қаратади¹.

¹Ака Исмоил. Буюк Темур давлати. — Тошкент: Чўлпон, 1996;



Унинг энг муҳим мақсадларидан бири ўз давлатининг шимолий чегараларининг хавфсизлигини таъмин этмоқчи ва бу масалани Хоразм Сўфийлари билан ҳал қилмоқчи эди. Сўфийлар эса Амир Темурга душманлик муносабатида бўлиб, у билан ҳатто музокаралар олиб боришни истамас, қулай фурсат келганида Темур давлатига тез-тез босқинлар уюштириб турар эди¹.

Юсуф Сўфийнинг 1372–1373 йиллардаги талончилик ҳужумлари туфайли Амир Темур Хоразмга иккинчи марта юриш қиласи. Сўфийларнинг қўп илтижо ва совға-саломларидан сўнг Соҳибқирон уларни кечиради².

Бу ҳам етмагандай Юсуф Сўфий Соҳибқиронга қарши Оқ Ўрда билан махфий алоқалар олиб борар, Амир Темур эса бундан боҳабар эди³. Шунингдек, Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрусхон билан Мўғулистан ҳокими Қамариддинларнинг ҳамфирликлари ҳам Амир Темурнинг эътиборида эди.

Халқаро майдонда Амир Темурга қарши кучларнинг бирлашувида Хоразм ташкилотчилик ролини ўйнаётган бўлиб, бу ҳолат Амир Темур давлатига катта хавф туғдирар эди. Шу туфайли Амир Темур 1375 йилда Хоразмга учинчи марта юриш бошлайди ва ички мураккаб жараёнлар туфайли бу юриш вақтли тўхтатилади.

Амир Темурнинг Тўхтамишга ёрдам бериш мақсадида Оқ Ўрдага юриши вақтида сўфийлар яна Бухо-

¹Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.109.

²Фасих Аҳмад ибн Джалилiddин Мухаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод) / Пер. с перс., комментарии и указатели Д. Ю. Юсуповой. – Ташкент: Фан, 1980. – С. 97 ; Асқаров А. Амир Темур ва Хоразм ... – Б. 39.

³Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С. 96-97.

рода юриш бошлайдилар. Бундан хабар топган Амир Темур 1379 йилда Хоразмга навбатдаги юришни бошлайди.

Юсуф Сүфий орага кўп нуфузли одамларни солиб, яна минг бор кечирим сўраб, Темур ҳузурига элчи юборади. Амир Темур бу сафар ҳам Юсуф Сўфийни афв этди. Шу билан бутун Хоразм устидан Темур ҳукмронлиги тан олинди. Битимга мувофиқ, Юсуф Сўфий Фарбий Хоразм устидаги ҳуқуқларидан маҳрум бўлди.

Агарда Юсуф Сўфий Соҳибқирон Амир Темур давлати ҳудудларига бостириб кирмаганида ва унга қарши кучларни бирлаштиришга интилматанида, балки унинг сиёсий мавқеи анчагина сакланиб қолиши мумкин эди. Ҳеч бўлмаса сўфийлар Амир Гемурнинг тўртинчи юришидан кейин жиддийроқ ва эҳтиёткорроқ муносабатда бўлиши лозим эди.

Сўфийлар 1386–1388 йилларда Соҳибқироннинг Эронга қарши олиб борган уч йиллик уруши пайтида ва унинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб яна Амир Темур давлати ерларига босқинчилик юришларини уюштиради. Бу даврда халқаро майдонда вазият мураккаб тус олади. 1387 йили Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб Тўхтамиш ҳам Темур давлати ҳудудига бостириб қиради. Бир томондан Мўғулистон амири Анқа Тўра Фарғонага ҳужум қиласи, Хутталонда эса Султон Маҳмуд Темурга қарши исён қўтаради.

Узоқ йиллар давомида рақибига катта имкониятлар яратган Амир Темур 1388 йилда фазабланиб Хоразмга бешинчи марта юриш қиласи ва уни мағлуб этади¹.

¹Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С. 112.

Амир Темурнинг Чифатой улуси ерларига эгалик қилишга талабгор эканлигини инобатга олсақ, унинг Хоразм билан юзма-юз келиши аниқ масала бўлиб, сўфийлар эҳтиёткорлик билан муносабатлар олиб борганда, балки уларга сиёсий имкониятлар берилиши ҳам мумкин эди. Аммо уларнинг сиёсий воқеаларни салбий томонга ривожлантириши, Амир Темурнинг куч ва имкониятларини тўғри баҳолай олмаганилиги сиёсий саҳнадан барвақт тушиб кетишларига сабаб бўлган. Хоразмда содир этилган форат сўфийлар сулоласи вакилларининг калтабин сиёсати натижаси эди.

Биз ташқи сиёсат йўналишида Хоразм билан муносабатларни мушоҳада этар эканмиз, Амир Темур бу давлат билан тўғри дипломатик сиёсат олиб борганилиги, юришлар учун эса катта сабаблар мавжуд бўлсада, янада сўфийларга узоқроқ вақт ва катта имкониятлар яратганлигининг гувоҳи бўламиз.

Амир Темур куч-қудрати ва шон-шавкатидан чўчиган Шоҳ Шужоъ унга қарши бош қўтармасликни маъқул кўради ва катта совға-саломлар билан элчи юбориб ўз дўстлигини изҳор қиласди.

Шарафиддин Али Яздий «Соҳибқирон Шоҳ Шужоъ элчисини тухфалар била йибарди ва қизини Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Пир Муҳаммад учун тиладиким, «Чун аромизда дўстлуқ бўлғон турур, эмди керакким, қариндошлиқ воқиъ бўлғайким, бир-биримизга меҳру муҳаббат артуқ бўлғай» деб элчини ижозат бериб, ўз кишисини қўшиб Шерозға йибарида¹, — деб ёзади.

Соҳибқирон Амир Темур Озарбайжон ҳокими

¹Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... — Б.96.

Таҳуртан билан ҳам дўстона дипломатик алоқалар олиб борган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, “Таҳуртандинким, Озарбайжонда эрди, элчи келиб, кўп пешкашлар ва тұхфалар келтурдилар ва мазмунни ул эрдиким, «Банда ва хизматкор ва давлатхоҳи ҳазрат Соҳибқирондурмен... Ҳазрат Соҳибқирон кўп мақтаб, раҳматлар деди ва ул вилоятнинг ҳокимлигиги ни бурунғи дастури била анга мусаллам тутти ва келгон элчи била анга хосса хильъат ва ҳукумат нишонини йибарди”¹.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Мўғулистон ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик муносабатлари ҳам алоҳида бир йўналишни ташкил этади. О.Бўриевнинг таъкидлашича, Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, биринчи галдаги вазифа Мовароуннаҳрнинг хавфсизлигини таъминлаш эди. Чунки шарқда Мўғулистон, шимолда Олтин Ўрда ҳамда уларга хайриҳоҳ бўлган Хоразм ҳукмдорлари Мовароуннаҳрда мустақил давлат пайдо бўлганлигига бефарқ қараб тура олмасдилар. Олдинги тарихий воқеалар, яъни Туғлуқ Темурхон ва Илёсхўжахоннинг юришлари бунинг тасдиги эрур. Амир Темур, айниқса, Мўғулистон томондан янги чопқинлар, юришлар бўлиши мумкинлигидан доимо хавфсиради².

Соҳибқирон Амир Темур дастлаб чингизийлардан бўлмаган, тарқоқ сиёсий вазиятдан фойдаланиб Мўғулистон таҳтига ўтирган ва Мовароуннаҳрга таҳдид солган Қамариддинга қарши курашди ва чингизийзода Хизрхўжа Ўғлоннинг таҳт тепасига келиши-

¹Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С. 110.

²Бўриев О.Б. Амир Темур даврида Мовароуннаҳр ва Мўғулистон муносабатлари // Шарқшунослик.–Тошкент.1996.– Б.37-38.

га катта имкон яратди. 1389 йилги юришдан кейин Мӯгулистон батамом тобе этилди. Соҳибқирон Амир Хизрхўжанинг қизи Тўкал хонимни ўзига сўратади (1397) ва шу орқали қариндошлиқ ришталарини боғлайди¹. Ўша даврнинг гўзал боғларидан бири Боғи Дилкушони Самарқанднинг Конигил деган жойида Тўкал хонимга атаб қурдиради² ва бу муҳим ишлар Мӯгулистон муаммосини анча осон ҳал бўлишига олиб келади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Олтин Ўрда билан олиб борган ташқи алоқалари унинг ташқи сиёсатидаги муҳим йўналишни ташкил этади.

Амир Темур бу давлат билан фаол ташқи алоқа олиб борганининг бир қанча сабаблари бор. Жумладан, Шимолий Хоразм ва Оқ Ўрда Мовароуннаҳрга чегарадош эди. Темур тузайтган янги мамлакатига Олтин Ўрда хавф солишини сезарди³.

Шунинг учун ҳам у Хоразм ва Олтин Ўрда ҳудудида юз берайтган сиёсий воқеаларни сергаклик билан кузатди.

М. Абдураимовнинг ёзишича, Ўрусхон Сирдарёдан Волга бўйларига келиши билан Олтин Ўрдада Ботуҳоннинг акаси Ўрда Ичен авлодидан саналган янги хонлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди.

Тўйхўжа ўғлон Ўрусхон томонидан қатл этилгач, унинг ўғли Тўхтамиш ҳам ўз ҳаётидан хавфсираб, қудрати оламга тараалаётган Амир Темур давлатидан паноҳ топди⁴. Бу вазият эса Амир Темурга жуда ўнг

¹ Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – Б.6.

² Бўриев О. Амир Темур даврида ... – Б.44.

³ Ўша муаллиф ... – Б.37-38.

⁴ Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш... – Б.6

келди, чунки у Олтин Ўрда хони ўзига тарафкаш, тобе бўлишини анчадан буён орзу қиласди¹.

Бизнингча, у ана шу истакларни амалга оширишни Тўхтамишон сиймосида кўрди.

Соҳибқирон унга мадад сўраб келаётган Тўхтамишни ҳар хил қимматбаҳо совгалар билан қарши олди. Низомиддин Шомий бу ҳақда шундай ёзади: «Тўхтамиш ўғлон келганда, амирлар уни Темур қабулига олиб киришди. Ҳазрати олийлари уни етарли-ча ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди.

Уни Самарқандга бошлаб бориб, шоҳона зиёфат берди. Тўхтамиш ва унинг йўлдошларига муносиб совфа-саломлар улашди, тилла ва (қимматбаҳо) безаклар, мол ва газмол, от ва хачир, чодир, нофора ва байроқ ҳамда жанговор кўшин берди. Ўтрор ва Саврон вилоятига ҳоким этиб тайинлади².

У муттасил равишда Тўхтамишга ҳарбий мадад бериб туради. Бироқ Тўхтамиш Ўрусхон билан жангда енгилади ва ёлғиз ўзи чакалакзорга кириб бекинади³.

Шунда ҳам Амир Темур Тўхтамишни оёққа турғизиш ва Олтин Ўрдани унга олиб беришга интилади ва амир Идигуй Барлосни унинг олдига юбориб, «подшоҳлик ишида мардона ва жасур бўлсин, душманни дафъ қилишни вожиб билсин»⁴, — дейди ва уни курашга ундейди.

Бу орада Темурнинг Бухородаги қароргоҳига Ўрусхоннинг элчилари келиб, Тўхтамишни топширишни

¹Ўша жойда.

²Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.103.

³Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.103.

⁴Ўша китоб. – Б. 104.

талааб қилади. Темур бу таклифни қатъий рад этади ва тез орада ўзи жангга киришини айтади.

Соҳибқирон Ўрусхонга қарши курашмоқ учун Сифноқ яқинига келиб жойлашди ва об-ҳавонинг ёмонлиги, яъни қаҳратон қиши, ёғингарчилик туфайли ортга қайтиб бир неча ой Кешда қолади. Ўрусхонга қарши юришда Тўхтамишни йўлбошли қилиб олади, лекин вазият ўзгариб, аввал Ўрусхон кейинроқ эса унинг ўғли Тўқтақиё вафот этади¹. Оқ Ўрда билан тахт учун курашлар натижасида Тўхтамишхон қўшинлари учинчи марта енгилади. Амир Темур Тўхтамишнинг ҳарбий лаёқатига шубҳаланиб қолган бўлса-да, унда тахтга ўз одамини қўйиш, мағлубият учун ўч олиш истаги кучли эди².

Тўхтамиш Амир Темур ёрдамида хонлик тахтига ўтирган бўлса ҳам, ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Темурга номигагина бўйсунарди, қулай пайт келиши билан мустақил бўлиб, унинг ҳокимиятидан юз ўгириб кетиш ниятида юарди³.

М. Абдураимов Тўхтамиш бошқараётган Олтин Ўрда давлати Рус князликлари ёки Амир Темур давлатига ўхшаб мустаҳкам заминда, ўз халқининг табиий ўсишига боғлиқ равишда эмас, қурама ва хўжаликлараро тарқоқ заминда бунёд этилганлигини алоҳида таъкидлайди. Бизнингча ҳам бу ҳол Тўхтамишга анча мураккабликлар туғдириши мумкин эди.

Амир Темурнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан Олтин Ўрда тахтига ўтирган Тўхтамиш рус

¹Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С.99; Абдураимов А. Темур ва Тухтамиш ... – Б. 7 .

²Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш ... – Б.8.

³Абдураимов М. Темур ва Тухтамиш ... – Б.8.

князликлари устидан номигагина эмас, тўла-тўқис ҳукмронлик ўрнатиш учун Жўчи улуси кучларини оширишга аҳамият берди ва рус феодал князликларининг Москва атрофида бирлаштиришга тўсқинлик қилди. Олтин Ўрда ва рус тарихидан аёнки, мўғул хонлари, хусусан, Тўхтамиш ҳам рус ерларидан ва туб феодал ажralишига бўлган ҳаракатларини қўллаб-қувватларди. Жўчи улусининг нуфузи, таъсири тушиб боришига йўл қўймаслик учун у бутун куч-ғайратини аямай сарфлади. Ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун у Озарбайжон ва Эронга ҳам кўз тикди¹.

Олтин Ўрда ва Амир Темур ўргасидаги низо Соҳибқироннинг Олтин Ўрдадан бўладиган хавфни бартараф қилишга ва мўғуллар даврида шимолий тармоғи кучайтирилган Буюк Ипак йўлини эгаллашга бўлган саъии ҳаракати туфайли чиққан.

Ҳар икки томон ҳам ана шу масала юзасидан муҳолифатчилик қиларди.

Бу даврда Буюк Ипак йўлининг муҳим тармоқларидан биттаси бу икки давлат ҳудудидан бевосита ўтган. Бу йўлларнинг бири Рус, жанубидан Қора ва Қизилқум, Каспий денгизи соҳиллари бўйлаб, иккинчиси Каспийдан жануброқдаги Шом, Кичик Осиё, Кавказорти, Эрон, Самарқанд орқали ўтган. Беркахон давридан бери Олтин Ўрда хонлари дастлабки савдо йўлини эгаллаган бўлса-да, иккинчисини ҳам қўлга олишга, жилла қурса кесиб ташлашни, биринчи навбатда бой Табриз шаҳрини эгаллашни орзу қилардилар².

¹Ўша муаллиф.— Б. 17.

²Ўша жойда.

Табризни босиб олишга эронликлар, аввал жалойирлар ва Амир Темур қарши чиқди. Темур собық жалойирийлар ҳукмронлигидаги Озарбайжонга ўзига қарам улус тариқасида кўз тиккан. Шундай қилиб, 1385–1386 йилларда Олтин Ўрдаликларнинг Озарбайжон ва Табризга бостириб кириши Олтин Ўрда хони ва Самарқанд амири ўртасида ихтилоф туғилишига сабаб бўлган. Улар ўртасида жанг чиқшига иккинчи сабаб Даشتி Қипчоқнинг шимолий қисмини эгаллашга бўлган интилиш билан боғланади¹.

Темур ва Тўхтамиш ўртасида алоқа бузилишга яна бир сабаб Хоразм масаласи борасида келиб чиққан. Чунки Хоразм XIV асрнинг 60-йилларигача Олтин Ўрданинг таркибий қисми ҳисобланиб келган, Тўхтамишнинг Озарбайжонга юриши Амир Темурнинг Хоразмнинг ўз тасарруфига киритгани учун бир қасос эди.

Амир Ҳусайн ва Сароймулхоним мўғул уруғиданлигини ҳисобга олган ҳолда ва Ибн Арабшоҳ фикрига таяниб, М. Абдураимов яна бир иккинчи даражали сабабни амир Ҳусайннинг ўлдирилишидан келиб чиққан деб тахмин қиласди².

Демак, бизнингча, Амир Темурнинг Олтин Ўрда га нисбатан тутган ташқи сиёsat йўналиши қуйидаги мақсадларни ўзида мужассамлаштирган:

биринчидан, шимолдаги – Олтин Ўрданан бўладиган хавфни бартараф этиш;

иккинчидан, давлат тараққиётида муҳим ўрин тутган Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи устидан ҳукмронликни қўлга киритиш;

¹Ўша жойда.

²Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш ... – Б. 19.

учинчидан, Олтин Ўрданинг кучли давлатга айланышга йўл қўймаслик ва уни иккинчи даражали мамлакатга айлантириш;

тўртинчидан, унинг Эрон ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслик;

бешинчидан, Даشتி Қипчоқнинг шимолий қисмига ўз таъсирини ўтказиш;

олтинчидан, Хоразмни ўз тасарруфида сақлаб қолишига интилиш.

Биз Соҳибқирон Амир Темурнинг Олтин Ўрда муносабатлари муҳим сиёсий йўналишларидан бири эканлигини, у бу билан давлатни ҳар томонлама юксалтиришга, муҳофазалашга ва халқаро майдонда назоратни амалга оширишга интилганини кузатамиз.

Тўхтамишхон Амир Темурнинг ташқи юришлари билан банд бўлганидан фойдаланиб Каспийнинг ғарбий соҳили бўйлаб ўтган қадимги йўл – Дарбанд орқали Амир Темур давлатига юриш қиласди¹.

Бу воқеалардан кейин Амир Темурнинг сабр коаси тўлади. У хавфли душманга айланган Тўхтамишга қарши 1388-1389, 1390-1391 ва 1395 йилларда уч марта юриш қиласди ва уни енгиб, ўз мақсадига эришади. Амир Темур Олтин Ўрдани енгиб, уни ҳолдан тойдиради, Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғини бутунлай издан чиқаради, Эрон ва Озарбайжоннинг дахлсизлиги ва бошқа мақсадларини амалга оширади.

Соҳибқирон Амир Темур дунё сиёсий харитасида муҳим ва катта ўзгаришлар ясаб, рус князликларининг кейинги тараққиёти ва бирлашув жараёнларининг бошланиши учун замин яратади. А.Ю. Якубовский ғалабанинг аҳамиятини кўрсатиб, шундай ёзган эди: “1395 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан

¹Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б. 109.

қозонган ғалабаси, Астрахан ва айниқса, Олтин Үрда пойтахти Сарой Берканинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги жануби-Шарқий Европа учунгина эмас, балки Рус учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди... Оқсоқ Темур... Тўхтамишни енгиши билан Рус ерига объектив ра-вишда катта хизмат кўрсатган, лекин шундай бўлишини унинг ўзи мутлақо пайқамаган”¹.


Соҳибқирон Амир Темур ўша даврдаги анча майда давлатлар билан ҳам ташқи сиёsat йўналишини белгилаб олган. У ўзига қарши бош кўтарган Мозандарондаги Амир Вали ва бошқаларнинг ҳаракатини тўхтатиш учун олиб борилган жангда ерли тинч аҳолига зулм ўтказмасликка, зарар етказмасликка ҳаракат қилган. Биринчидан, у ҳеч қачон тунда ухлаб ётган шаҳар аҳолиси устига ҳужум қилмаган. Иккинчидан, ҳужумдан аввал уларни огоҳлантирган, яъни иложи борича, муаммони музокара-тинчлик йўли билан ҳал этишга интилган. Энг охирги паллада жанг қилишга мажбур бўлган².

Амир Темурнинг Миср ва Усмонлилар давлати билан олиб борган ташқи сиёsatини ўрганаётган олимлар У. Уватов ва С. Фуломовларнинг олиб борган тадқиқотлари бу даврдаги халқаро алоқалар мазмунини чуқурроқ тушунишимизга ёрдам беради³.

¹ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. — М.— Л.: 1950.— С.373.

²The Cambridge history of Iran. The timurid and safarid period. — №6... — Р. 55-56.

³ Уватов У. Амир Темур ва мамлукийлар... — Б. 60-72; Фуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари... — Б. 74-82; Ўша муаллиф. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир муносабатларига доир // Шарқшунослик. — Тошкент: 1997. — № 8. — Б. 196-200 ва бошқалар.



С. Фуломов Боязид Йилдирим ва Амир Темур ўртасидаги низоларини кескинлашишига ва Анқара жангининг келиб чиқишига Қора Юсуф Туркман билан бирга Аҳмад ибн Увайс Жалойир ҳам сабабчи бўлганлигини кўрсатиб ўтади¹.

Манбалар Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойирнинг тубан, золим, халқ нафратини қўзғатадиган салбий шахс бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Ибн Арабшоҳ бу ҳақда “Бағдод аҳли ундан нафратланиб, унинг дастидан Темурдан мадад сўраб арз қилганлар»², – деган маълумотларни келтириб ўтган.

Соҳибқирон Амир Темур Султон Аҳмадга қарши кураша бошлайди, аммо бу ишга Боязид Йилдирим халақит бериб, Султон Аҳмадни ўз паноҳига олади.

Абулҳусайн Навоийнинг «Аснод ва макотиби тарихий» асарида келтиришича, Эрон ҳукмдори Шоҳ Мансур устидан ғалабага эришган Амир Темур Ироқ томон уруш бошлаган пайтида Султон Аҳмад ўз мамлакатини ташлаб Сурия томонга йўл олади ва у ердан Йилдирим Боязидга мактуб йўллаб, Темурнинг Бағдодни эгаллагани, ўзи (Султон Аҳмад) нинг Қора Юсуф билан биргаликда ортидан қувиб келаётгани, Темур лашкарларидан бир гуруҳи билан жанг қилиб, ғолиб келганликларини ва шу билан бирга воқеа хабари Темурга етиб борганидан сўнг катта жанг бўлиши муқаррарлигини ва бу борада унинг (Боязиднинг) ёрдамига муҳтож эканликларини билдиради³.

¹Фуломов С. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир ... – Б.197.

²Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб. ... – Б.137.

³Фуломов С.Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир ... – Б. 198

У бундай мактубни Миср султони аз-Зохир Сайфуддин Барқуқقا (1382–1399) ҳам йўллаган¹. Миср ҳукмдори Барқуқ ва Усмонлилар султони Йилдирим Боязид (1389–1402), Олтин Ўрда хони Тўхтамиш (1376–1395), Сивос ҳокими Қози Бурҳонуддинлар ораларида Темурга қарши иттифоқ тузилиб², унинг кўлами янада кенгаяди. Бу иттифоққа қора қўюнлилар ҳукмдори Қора Юсуф Туркман (1389–1420), Музаффарий ҳукмдор Шоҳ Мансур (1389–1395) Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойир ҳам қўшилади³.

Ана шундай йирик иттифоқ юзага келаётганлигини, албатта Амир Темур билган ҳолда улар билан курашиш чора-тадбирларини кўради. У бу масалада, аввало, вақтдан ютишга интилади ва рақибларини енгиш учун қулай вазият кутиб туради.

У Султон Аҳмад Жалойирнинг ҳақоратли мактубларига ҳам ҳурмат ва огоҳлантириш билан жавоб қиласиди⁴.

1395 йилда Тўхтамишнинг енгилиши, 1398 йилда Қози Бурҳониддиннинг оқ қўюнлилар билан жангда ҳалок бўлиши, 1399 йилда Барқуқнинг вафот этиши муносабати билан Йилдирим Боязид мамлукларнинг баъзи қисмларини ўз тасарруфига олиши билан бу иттифоқ барҳам топди ва Қора Юсуф Туркман ҳамда Султон Аҳмад Жалойир Амир Темурга қарши курашишдан ожиз бўлиб, иккиси ҳам Усмонлилар ҳимоясига қочди⁵.

¹У. Уватов У. Амир Темур ва мамлукйлар // Шарқшунослик. – Тошкент: 1996. – Б.64.

²Ғуломов С.Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс ... – Б.198.

³Ўша жойда.

⁴Ўша жойда.– Б.199

⁵Ғуломов С.Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс ... – Б.199.

Воқеалар ривожини кузатар эканмиз, Амир Темурнинг зиддиятли вазиятларда тўғри тактика ва стратегия қўллай билгани ва бу тадбирлар ижобий натижа берганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Унинг кураш усулида рақибнинг ва ўзининг ҳимояланганлик даражасига эътибор берилар, душман ҳимоядан чиққач, қулай вазият топиб зудлик билан уни барта-раф этар эди.

Халқаро зиддиятли муносабатларда вақтдан ютишга, ҳар қандай шароитда ҳам сабр-қаноатли бўлишга, қулай вазият қидиришга интилишлари унинг ғалабаларига сабаб бўлган омиллардандир.

1382 йилда Мисрда ҳокимият тепасига келган Султон аз-Зоҳир Барқуқ бошлиқ черкас мамлуклари давлати ўз тарикибига кирган Сурия, уларга тобе бўлган ва муқаддас саждагоҳлар макони Ҳижоз билан биргаликда қудратли кучга айланган бўлиб, Шарқдаги қўшни мамлакатлар учун ҳимоя вазифасини ўтарди¹.

Миср ҳам XIV асрнинг охирида дунёning энг кучли давлатлари бўлмиш Усмонлилар империяси, Амир Темур салтанати, Олтин Ўрда ва Мин Хитойи билан бир қаторда турарди².

Шарқдан Амир Темур давлатининг хавфи ортаётганлиги сабабли Синжар, Қайсария ва Такрит ҳокимлари 1383 йилда Миср султонига мактуб йўллаб унга тобелигини билдирадилар³.

Халқаро майдонда вазият кун сайин мураккаблашиб боради. Бир томонда Усмонлилар, иккинчи

¹Уватов У.Амир Темур ва мамлукйлар ... – Б.60.

²Ўша жойда.

³Ўша жойда.

томондан Миср, учинчидан араб мамлакатларига юриш, бунинг устига Барқуқ ва Боязиднинг ҳамда бошқа оппозиция кучларининг бирлашишига интилишлари ва бир қанча хавфлар Соҳибқирон Амир Темурдан ўта нозик тадбирлар қўллашни талаб этган.

Миср ҳукмдори Барқуқ Амир Темурни гўёки писанд қилмагандай унинг душманларига ўз давлатидан паноҳ бериб Амир Темурнинг элчиси Отламишни асирда тутар эди.

Боязид Йилдирим Амир Темур қарши курашаётган Бағдоднинг собиқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс Жалойирга ҳам паноҳ беради. Ҳолбуки, Бағдод халқи Султон Аҳмад Жалойир устидан шикоят қилиб Амир Темурга мурожаат қилган эди¹.

Бу ҳам етмагандай Барқуқ Амир Темур томонидан юборилган элчиларни қатл этади. Унинг ушбу қўрс муомаласининг боиси айни шу пайтда Султон Барқуқ Усмонли турклар султони Боязид сиймосида салобатли бир иттифоқдош топган эди².

Амир Темур Отламишни талаб этиб Барқуққа таҳдидли мактуб юборади³. Амир Темур Беҳишти, Айнитоб қалъалари, Ҳалаб, Баалбек шаҳрини забт этиб, Дамашқни ишғол этади ва Миср волийсини Дамашққа келишга чорлайди. Миср волийси уч нафар фидойиларга заҳарланган ханжар бериб, Амир Темурни заҳарлаб ўлдиришга юборади⁴. Бироқ бу машъум режа барбод бўлади.

¹Уша асар... – Б.61.

²Уша асар... – Б.62-63.

³Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.289.

⁴Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб ... – Б.216.

Бу воқеадан кейин Амир Темур Миср устига юриш қилиши мумкин эди, бироқ бу сафар ҳам рақибиға ён босади ва уни ўйлаб кўришга унданб, психологик таъсир кўрсатувчи таҳдидли мактуб йўллади.

Мисрда юз берган мураккаб ички вазият ва мактублар мазмуни, элчиларнинг сўзлари отасининг вафоти туфайли Миср таҳтига ўтирган қайсар Фаражга таъсир этмай қолмади.

Халқаро алоқалар ривожини кузатар эканмиз, Амир Темурнинг минтақаларда адолатли сиёsat олиб борганигини англаб етамиз. Бу ҳақда тарихий далиллар ҳам бор: Ибн Арабшоҳ Ҳамога етганда Нурий жомесининг қибла томон деворида бир парча мармартошга форсча ўйиб ёзилган бир нақшин хатни кўрган. Унда шундай лавҳалар бор эди: «Бу шуки, тангри таоло бизга мамлакатларни фатҳ этишни муяссар кўрдики, ҳатто биз Ироқ ва Бағдодгача (ҳамма) ерларни батамом эгалладик. (Шу билан) Биз Миср султонига қўшни бўлдик ва унга мактуб ёздик, ҳамда турли-туман туҳфаю ҳадялар билан унга чопарларимизни юбордик. У бўлса ҳеч бир заруратсиз чопарларимизни ўлдирди. Бундан мақсадимиз дўстлик ва ҳамсоялик (ипи)ни боғлаш, икки тараф ўртасида садоқат (борлиги)ни таъкидлаш эди. Сўнгра, бундан бир оз (муддат) кейин баъзи туркманлар бизнинг томонимиздаги кишилардан айримларини тутиб олиб, уларни Миср султони Барқуққа юбордилар. Султон уларни зинданга солиб жабрлади. Мана шунга биноан мухолифларимиз чангалидан ўз фуқароларимизни халос қилиш мақсадида йўлга чиқдик»¹.

Амир Темурнинг қатор зафарларидан кейинги Миср волийси унинг элчисини иззат-икром билан кутиб олади.

¹Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I китоб ... – Б.216.

Воқеалар ривожи жараёнида Фараж амир Отламишни Амир Темурга қайтаришни яна пайсалга солади, аммо унинг Шом, Ҳалабдаги зафарлари Фаражни чўчитган эди. У Боязиднинг енгилиши туфайли ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, ўртага Отламишни васила қиласди, узроҳлик ва беҳисоб совға-саломлар билан уни Амир Темур ҳузурига жўнатади.

Шунда ҳам Амир Темур уни кечиради ва «у (Фараж-Ш.У.) ёшлик чофида отаси марҳаматининг соясидан маҳрум бўлиб қолгани учун Аллоҳ таоло ризолиги йўлида мен уни фарзандликка қабул қилдим. Агар у яхши хизмат йўлида аҳдида событ турса, бедариф марҳаматимизни ундан аямасдан ёрдам қиламан, мамлакат ишларини бошқаришда унинг қўлига қувват бераман!»¹

Ҳар икки давлат муносабатлари анча мураккаб кечганлиги, Амир Темур томонидан тобелик белгиси бўлган икки байроқнинг қабул қилинмаганлигига қарамай барибир Миср Амир Темур давлатига тобе бўлган. 1404 йилнинг кузида Конигилга совға-саломлар билан ташриф буюрган Фараж элчилари орқали «Амир Темур зарҳал ҳарфлар билан узунасига етмиш газ, энига 3 газдан, яъни эни тахминан 1,5 метрча узунлиги 35 метр ўлчамдан иборат мактубини ҳам султон Фаражга юборади. Айни вақтда Абдулла Кешийни ҳам элчи сифатида Мисрга жўнатиб, Амир Темур билан султон Фараж ўртасида сулҳ шартномаси имзолашни таклиф этади. XIV асрнинг охири XV асрнинг бошида яшаб, ушбу воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлган таниқли Миср тарихчиси Ибн Дўқмоқнинг гувоҳлик беришича, шу тарздаги сулҳ

¹Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.354.

ҳақиқатан ҳам имзоланган ва Миср султони ўзини Амир Темурнинг тобеи (вассали) деб эътироф этган»¹.

Биз Амир Темур ва Миср мамлукларининг ўзаро муносабатларига батафсил тўхтамоқчи эмасмиз, балки унинг ташқи сиёsat йўналишидаги қўлланган чора-тадбирлар ва уларнинг давлатчиликка таъсирини таҳлил этмоқчимиз. Агарда Амир Темур сабр-тоқат билан шошма-шошарлик қилмай чоралар қўлламаганда, балки унинг сиёсий фаолиятига нуқта қўйилиши ҳам мумкин эди. Ўз даврининг энг қудратли давлатлари остонасига кириб бориб уларни енга олиш муҳим масаладир. Унинг бу ютуғи, шубҳасиз, Турон давлати куч-қудратининг ошишига сабаблардан бири бўлди. Бу омиллар унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборининг ошишига ҳам хизмат қилган.

Баъзи тадқиқотчилар Амир Темурнинг бошқа давлатларга бесабаб юриш қилганлигини таъкидлаши мумкин, лекин рақиб ҳукмдорларнинг Амир Темур билан боғлиқ масалаларга аралашиши, унинг душманларига паноҳ бериб, писанд қилмасликлари, атайлаб топташга, буткул синдиришга интилишлари юришлар сарҳадларининг кенгайишига сабаб бўлган. У Миср султонига «Ҳар бир ишда одамларнинг этагидан тутадиган нарса файрат ва ор-номусдир»², – деб бежиз айтмаган.

Амир Темурнинг Туркия султони Йилдирим Боязид билан олиб борган ташқи сиёsat йўналиши бу давр сиёсий жараёнларини чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Тарихдан маълумки, Амир Темур ва Боязид

¹Уватов У.Амир Темур ва мамлукйлар ... – Б.72.

²Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.300.

Йилдирим ўртасида мураккаб низоли муносабатлар ҳукм сурган. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Темур Табризда ҳукмронликни қўлга киритган Қора Кўюнлу ҳукмдори Қора Юсуф Туркман (791/1389–823/1420) дан бир неча бор итоат этишини талаб этган. Унинг отаси Қора Муҳаммадни эса Темур илгаридан ҳаж ва савдо карвонларига босқинчиликда айблаб келган ва ўзининг ашаддий душмани деб билган. Қора Юсуф Туркман Темурнинг итоат борасидаги талабини рад этган. Бунинг устига тўқнашувлардан бирида Авник қалъасига Темур томонидан ҳукмдор этиб тайинланган Отламиш Кучин исмли шахсни 1388 йилда асир олиб Қоҳирага, мамлуклар султони ҳузурига юборган ва у шахс ҳибсга олинган эди¹.

Қора Юсуф ва Султон Аҳмад Жалойирлар ўзларининг хавфли душманлари бўлмиш Амир Темурга қарши курашиб чораларини кўрадилар ва ниҳоят улар Боязид ёнида кўним топишади².

Ҳар икки ҳукмдор ўртасида зиддиятли кескинлашиш жараёнлари Шарафиддин Али Яздийнинг «Заварнома» асарида анча батафсил ёритилган.

Унда келтирилишича, Соҳибқирон Амир Темур Боязидга қайта-қайта элчилар жўнатиб ундан рақибларини мамлакатдан чиқариб юбориш ёки қатл этишини талаб этади. Навбатдаги элчилик орқали Амир Темур Боязидга «Қора Юсуф Туркмонким, мусулмонлар ичida кириб туур, ё улдурким ани ўлдурууб мусулмонлар-

¹Фуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари ... – Б. 75-76 ёки қаранг: Хасанов А. Из истории дипломатических отношений ... – С. 130.

²Фарзалиев Ш. Темурнинг Усмон султони Боязид билан ёзишмалари ... – Б. 91.

нинг хотирини андин жам этсун ё улким уни банд қилиб бизга йибарсун. Бу ишдин бирини қилса аромизда дўстлуқ бўлгуси турур»¹, – дейди.

Бироқ Боязид унинг истагини бажаришни истамас, ўзига рақиб сифатида пайдо бўлган Амир Темурни тан олишни хоҳламас, мактубларига ҳақоратлар билан жавоб қилас, бунинг оқибатида низолашишга катта сабаблар бўлмаса ҳам ўзаро муносабатлар чукурлашиб борарди.

Манбаларда келтирилишича, Боязид Амир Темур томонидан Арзинжон ва унга қарашли вилоятларнинг ҳокими этиб тайинланган Тахуртан² ва унинг кишиларини ҳам асирда сақлар эди. Амир Темур элчилар орқали Боязидга яна бир имкон берди ва Тахуртанинг кишилари билан бирга Боязиднинг ўғилларидан бирини гаров сифатида юборишни сўради. Шу тақдирда у омон-эсон ўз мамлакатида ҳукмронлик қилишини уқтирди³. Бу талаблар Боязид Йилдирим томонидан қондирилмади.

Аслида ҳар икки томон ҳам халқаро майдонда ўз манфаатлари ва обрўси учун курашаётган, юқорида келтирилган сабаблар эса ҳар икки томоннинг ўзаро муносабатларининг ифодаси эди.

Табиийки, Осиё минтақасида таъсир кучини сақлаб турган Усмонлилар халқаро майдондаги янги ракобатдош кучнинг пайдо бўлишини истамас ва уни ҳар қандай йўл билан янчиб ташлашга интилар эди. Бундан ташқари Буюк географик кашфиётларга қадар Буюк Ипак йўлининг йирик ҳудуди турклар қў-

¹Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б. 253.

²Фасих Хавафи. Муджмали Фасихи ... – С. 116.

³Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... – Б. 257.

лида бўлиб, Усмонлилар бундай имкониятни қўлдан беришни истамас эди.

Куч ва иқтисодий қудрат тимсоли бўлган Буюк Ипак йўлини назорат қилиш мақсадлари ҳам Амир Темур ва Боязид ўртасида келиб чиқсан низоларнинг сабабларидан бири бўлган.

Бир оз муддатдан кейин Боязид элчилари Темурга хат келтиради. Бу мактубда Боязид уларнинг ўртасида низо чиқадиган асосий сабаб йўқлигини, бунинг ўрнига кофирлар билан уришиб, янги ҳудудларни қўлга киритишни таклиф қиласди. Боязид Йилдирим Миср султони билан Темурнинг ўртасини яхшилаш учун воситачилик қилишни таклиф этади. Амир Темур эса элчиларни жуда яхши кутиб олади ва Рум халқига душманлиги йўқлигини, ўзи ҳам дўстлик муносабатлари ўрнатишини айтади. Бунинг учун эса Усмонлилар Қора Юсуфни тутиб беришини ёки уни Усмонлилар давлатидан чиқариб юборишни талаб қиласди. Лекин Боязид билан Мисрга қочган Аббосийларни хоҳламаганлигини, ўзига сифинганларни қуволмаслигини, бугунги кунда улар Румда эмаслигини, улар келса чиқариб юбормаслигини, яна қабул қилишини билдиради.

Амир Темур Султон Боязид билан олиб борган ташқи муносабатларида дипломатия қонун-қоидалари, этикасига қатъий амал қилди.

Биринчидан, у ўз рақибининг таъна-дашномлари, ҳақоратларига сабр-тоқат билан жавоб қайтариб, у билан ҳар қандай вазиятда ҳам келишишга интилди;

Иккинчидан, рақибининг кучлилигини яхши билган ҳолда вақтдан ютишга, узоқ масофали азобли йўлдан кейин кучларини қайта жонлантиришга ва тўғри стратегик тактикалар ишлаб чиқишга интилди;

Шоҳистаҳон ЎЛЖАЕВА

Учинчидан, Боязидга қарам кичик ҳукмдорлардан иттифоқчи қидириб, улар ўртасида мавжуд бўлган адоватдан тўғри фойдалана билди;

Тўртингчидан, психологияк тактика қўллаб, Боязидга қарши ғоявий кураш усулларини қўллади, унинг айбларини халқقا тўғри етказиб, ундан омманинг ихлосини қайтарди ва ўзининг ҳақиқий раҳнамо эканлигини кўрсата билди. Бундан кўринадики, Амир Темур ўз давридаёқ информацион кураш усулларидан фойдаланган.

Биз Амир Темур ва Боязид муносабатларини мушоҳада этар эканмиз, ҳар икки буюк давлат арбобларининг муносабатлари кескинлашишига нафақат объектив, балки субъектив омиллар ҳам сабабчи бўлганлигини англаб етишимиз мумкин. Дўстлик, ҳеч бўлмагандага бетарафлик мақомида туриши мумкин бўлган ҳар икки шахсни Миср подшоси Барқуқ, Олтин Ўрда подшоси Тўхтамиш, Султон Аҳмад Жалойир, Қора Юсуф Туркман каби шахслар ҳам уруш гирдобига тортганлар.

Амир Темурнинг мардлиги шундаки, у Боязидни енгач, бутунлай Усмонлиларни ҳокимият тепасидан супуриб ташлаши, у ерда янги бир сулолага имкон яратиши мумкин эди. У геосиёsatда кучайтириш ўрнига тенглаштириш, йўқотиш ўрнига ичдан қулатиш йўлидан борди.

Жанг ва Боязид Йилдиirimning енгилиши билан якун топган муносабатлардан кейин ҳам Амир Темур Усмонлиларга яна катта имкониятлар яратди. У Боязид Йилдиirimга катта ҳурмат кўрсатиб, ундан ўч олмади, Амир Темурнинг марҳамати туфайли Усмон-лилар сулоласи XX аср I чорагигача тарих саҳнасида турди.

Амир Темур нафақат санаб ўтилган давлатлар би-

лан, балки етти иқлим давлатлари билан ҳам дипломатик муносабатларни олиб борган.

Шарафиддин Али Яздий ва Ҳофизи Абронинг ёзишларича, «икки ой давом этган Конигил тантаналарида Миср, Афранж, Ҳинд, Дашиби Қипчоқ, Жата, Олтой ва бошқа ўлкалардан элчилар ҳам ҳозир бўлганлар»¹.

Тадқиқотчи Н. Каримова темурийлар ва Хитой алоқаларини Хитой манбалари асосида ёритишга интилган. Муаллифнинг келтиришича, 1395 (айрим манбаларда 1387) йилда Мин ҳукмдори томонидан Темур саройига Фу Аи бошчилигидаги биринчи элчилар юборилган. Мин императори Чэн Цзу (1403–1425) Туркистондан элчиларнинг келишини фаоллаштирувчи сиёsat юритди ва «Фарбий мамлакатлар ҳақида қисса» («Сиюй-чжуан») номли (1403) олий фармон чиқариши натижасида Хитой ва Туркистон ўртасидаги савдо алоқалари ўз ривожининг юқори чўққисига етган².

Айниқса, Шоҳруҳ Мирзо даврида халқаро дипломатик алоқалар ривожланган. Шоҳруҳ даврида темурийлар давлатининг Хитой билан элчилик алоқалари 1409 йилдан, Ҳиротга Хитой элчилари келган пайтдан бошланади. Ҳофизи Абронинг «Зубдат ат-таворих» асарида ва у орқали Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ус-саъдайн» китобида Хитайдан келган ва Темурийлар давлатидан юборилган элчи-

¹Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё ... – Б.5.

²Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари (Хитой манбалари бўйича) // Шарқшунослик.– Тошкент: 1996.– №7.– Б.48 49.

лар ҳақида хабар берилади¹. Шунингдек, Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафари эсдаликлари ҳам фикри-мизга далиллар². Ташқи муносабатларда Темурий ҳукмдорлар Амир Темур каби ўзаро тинчлик-тотувлик, яхши қўшничилик, савдо-сотиқни ривожлантириш, карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашга, демакки, тадбиркорлик ва мулк ҳуқуқини кучайтиришга, халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий амал қилишга интилганлар.

Л.Керен Амир Темурнинг нияти Самарқанд теварагида равнақ топган ва яхши идора қилинадиган, ташқи ҳужумлардан ҳимояланган бир подшолик барпо қилиш бўлганлиги, у манфаати уйғун (маданияти, дини умумий) қўшни давлатларни қўшиб олганлигини, хорижий подшоликлар билан оралиқ давлатларни куч ёки дипломатия йўли билан олганлигини айтиб яна шундай таъкидлайди: “Итоаткорлик, тўланган солиқ ва бож эвазига Темур уларга ёрдам ва ҳарбий муҳофаза ваъда қилиб, ўз ҳолларига қўйиб берган. Усмонли Турк қўшниси Таҳуртан, Туркман амирлиги, Гуржистон, Қашғар, Ҳинд ва Боязидга қарши уруш давридаги Трабзунлар бунга мисол бўла олади. Бу қарам ёки иттифоқдош мамлакатлар атрофида Рус ерлари, Олтин Ўрда, Туркия, Сурия, Бағдод сultonлиги, Дехли сultonлиги ва Хитой каби қудратли ташқи подшоликлар турган. Шу подшоликлар унга ғанимлик қилганларида ва хавф солганларида, Темур улар устига аёвсиз ҳарбий юришлар қилган, шаҳар қўргонларини босиб олган,

¹Ўша муаллиф.— Б.119.

²Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси.— Тошкент: Фан, 1991.— Б.55.

хазиналаридаги қўплаб бойликлар билан қайтган. Шундай қилиб, ўз юрти атрофида бепоён мудофаа Қўргонини сақлаб турган”¹.

Демак, Соҳибқирон Амир Темур нафақат ўз мамлакати сарҳадларида, балки бошқа қўшни мамлакатлар сарҳадларида ҳам мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашга интилган.

Амир Темурнинг Европа хукмдорлари билан олиб борган муносабатлари ҳам халқаро муносабатларда муҳим йўналиш ҳисобланади.

Ушбу алоқалар Боязид Йилдирим билан Амир Темур ўртасида зиддиятли муносабатлар кескинлашаётган даврда ўрнатилган.

Бу пайтда Европа давлатлари Боязид Йилдирим қутқусидан хавотирда бўлиб, бу хавфни бартараф этишнинг чорасини тополмаётган эди. Боязиднинг қутқуси эса шимол ва шимоли фарбга кундан кунга кучайиб борар эди. Худди шу мураккаб сиёсий жараёнлар даврида Боязидга рақобатчи янги кучнинг пайдо бўлиши европаликлар учун катта имкон эди. Шунинг учун ҳам улар Амир Темурни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, унинг кучи билан Боязид хавфи бартараф этилишини истар эдилар.

Л.Керен «Амир Темур ва Европа қироллари ўртасидаги муносабатлар кўп жиҳатлари билан кишини ҳайратга солади. Аслини олганда уларни кўп нарса ажратиб туради: эътиқодлари, тиллари, бир-бирига душман халқлари, ораларидаги масофа ва айниқса, манфаатларнинг турли-туманлиги»², – деб ёзади.

Дини бир, урф-одатлари ўхшаш икки саркарда-

¹Керен Л., Сайдов А.Амир Темур ва Франция ... – Б.54 .

²Керен Л.Амир Темур салтанати ... – Б.205.

нинг мухолифатчилигини дунё халқлари ҳаяжон билан кузатди. Улар ўз ғаними Боязидни Амир Темур қўли билан янчидан ташланишини ва шу билан хавф бартараф бўлишини орзиқиб кутдилар.

Л. Керен Амир Темур ташқи муносабатларига оид янги маълумотларни топиб илмий доирага киритди. Улардан бири шуки, «томонлар мактублар ва илтифотлар билан алмашдилар, Амир Темур Испанияга элчи йўллаб, Боязид ҳарамидан озод қилинган уч насроний гўзални қўшиб юборди (Бу улуғ амирнинг Кастилия қиролига тухфаси эди)»¹.

Амир Темур «Насроний Испания (хукмдори Ҳенри III) билан бошқа Европа давлатларига қараганда анча муҳим дипломатик муносабатлар ўрнатди»².

Бунинг сабаби шуки, Усмонлилар насронийларга Никопол ёнида катта зарба бериб, бутун Европага катта хавф туғдираётган бир пайтда насроний хукмдорлар учун икки йўл қолган эди: биринчидан, дипломатик алоқалар ўрнатиш, иккинчиси, бевосита тўқнашув. Кастилия қироли эса дипломатик муносабатларни танлади, Боязидга, Амир Темурга, Бобил, Фес ва Тунис хукмдорларига элчилар жунатди³.

Батамом бошқа вазифа билан келган элчилар вазиятдан унумли фойдаланиб қолиб, Соҳибқиронни атайлаб қутлаш учун келганликларини билдиришади.

«Амир Темур уларни илтифот билан тинглади ва шундан кейинги кунлар давомида уларни бир неча маротаба қабул қилди. Қадимий испан солнномаларида элчиларнинг Соҳибқирон хузурида бўлган даври

¹Ўша муаллиф.– Б.206.

²Ўша жойда.

³Ўша жойда.

ҳақида афсонасифат ҳикоятлар битилган. Бу ёзувларда Амир Темур Кастилия элчиларига бағоят катта илтифот кўрсатган, уларнинг ҳар бир истагини рӯёбга чиқаришга ҳаракат қилган мард ҳукмдор сифатида тавсифланади¹, — деб ёзади Л.Керен.

Фурсатдан фойдаланиб Гомес ва Ҳернан шахсан Амир Темур уларга шамшир совфа қилишини илтимос қилишади. Уларнинг бу нияти бажо келтирилди. Гомес туркларнинг бирортаси билан яккама-якка жанг қилишга рухсат сўрайди ва бунга ижозат олади, жангда у ғолиб чиқади ва Амир Темурнинг таҳсинига сазовор бўлади.

Амир Темур «ўғли» Ҳернан ушбу учрашувдан хотира сифатида ўз исми-шарифиға унинг ҳам исмини кўшиб олишини таклиф қиласди; шундай ҳам бўлади, зоро, юқорида тилга олинган солномада таъкидланишича, кейинчалик Ҳернанинг Аревало яқинидаги Рапарнегос черкови ҳовлисидаги қабртошига қўйидағи сўзлар битилади: «Бу ерда қирол Ҳенри III саройининг аъёни ва унинг Амир Темур ҳузуридаги элчиси марҳаматли рицар Ҳернан Санчес до Паласуэлос Тамерлан дафн этилган».

Мазкур учрашувдан кейин «Ҳенри III нинг дипломатик ташаббусидан улуғ амир ҳам унга ўз элчисини йўллашга қарор қиласди ва ал-Муҳаммад Кешийни совфа-саломлар ва насроний гўзал билан Кастилияга юборади»².

Л.Керен Севилья шаҳрининг қадимий архивларида ҳам Амир Темур элчилиги хусусида ёзувлар сақланиб қолганлигини таъкидлаб ўтган.

¹Ўша жойда.

²Ўша муаллиф.— Б.209.

Бу элчиликка жавобан Соҳибқирон Амир Темур саройига (1404–1406 йилларда) Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо келган ва у таассуротларини «Кундалиги» асосида ёзиб қолдирган эди.

У даврда ҳам ҳукмдорларга Халқаро ва дипломатия ҳукуқини таъминловчи ишонч ёрлиқлари топширилган.

Масалан, Амир Темур томонидан йўлланган доминикан ордени (мазҳаби) руҳонийси Султониянинг Жан исмли епископи Шарл VI га ишонч ёрлиқларини топширди, зарҳал ҳарфлар билан битилган ёрлиқнинг бирида «Улуғ амирнинг «rosti-rusti» шиори битилган кичик шахсий муҳри босилган эди»¹.

Соҳибқирон Амир Темур европаликларга биринчилар қатори шарқ ва ғарб ўртасида манфаатли савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатишни ва буни қонун ва шартномалар йўли билан мустаҳкамлашни таклиф қилган.


У шу даражада мустаҳкам ва кенг кўламли дипломатик алоқалар ўрнатдики, Яздий маълумотларига кўра, ўзининг санъаткорона безатилган чодир шаҳарчаси Конигилда етти иқлимдан келган элчилар ўн икки поя кўланкасида ўтирадилар².

Соҳибқирон Амир Темурнинг ташқи сиёsat йўналишида мудофаа, тинчлик, барқарорлик, яхши қўшичилик ва савдо-иқтисод алоқаларини ривожлантириш мақсадлари ётарди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Амир Темур ташқи сиёsatнинг йўналишларини, аввало, ўз давлатининг, қолаверса, бошқа давлатлар ва

¹Ўша муаллиф.– Б.216.

²Шарафиддин Али Яздиј. Зафарнома ... – Б.291.



халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган. Бу сиёсатнинг асосида минтақа бирлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш, давлатнинг иқтисодий қурдатини юксалтириш, адолатни таъминлаш ва бошқа мақсадлар ётган.

Шунингдек, ушбу жараёнларни таҳлил этиб унинг юришларининг кенгайиши сабабларини ҳам англаб олишимиз мумкин.

Кўриб чиққанимиздек, агар Амир Темурга бошқа давлатларнинг раҳбарлари атайлаб тўсқинлик қилмаганларида унинг юришларининг қўлами бу даражада кенгаймаган бўлиши ҳам мумкин эди.

Унинг томонидан берилган имкониятлар рақиблари томонидан суиистеъмол қилинди. У ҳеч қачон тинч аҳоли устига бесабаб юришлар уюштиргаган. Амир Темур ўз даврида минтақадаги халқларнинг осуда яшашини, иқтисодий айирбошлишини таъминлаш ва уларнинг хавфсизлигини кафолатлашга интилган.

Амир Темур рақибларини ичдан қулатса-да, бутунлай йўқ қилиш йўлидан бормаган, унинг яна қайта тикланишига имкон берган.

У ташқи сиёсатида қони, ирқи, дини, мағкураси турли бўлган шарқ ва гарб давлатлари билан тинчлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, бугунги кунда долзарб аҳамият қасб этган Овросиё, интеграция ғоясининг тамал тошларини қўйган. У ташқи сиёсат йўналишида адолат, ҳуқуқий мезонларга амал қилган ва бу фаолияти билан ўз даврининг расмий анъаналиридан ўзиб, бу соҳани бемисл даражада ривожлантиришга эришган.

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ ДИПЛОМАТИК ЁЗИШ-МАЛАРИНИНГ ДАВЛАТЧИЛИКДАГИ ЎРНИ

Амир Темурнинг ўзга мамлакатларнинг ҳукмдорлари билан олиб борган ўзаро ёзишмаларини ўрганиш асносида ўша даврдаги халқаро вазият, давлатлараро муносабатларнинг ривожи, низолар ва урушларнинг келиб чиқишига туртки берган сабаблар, уларнинг бузилиши ёки яхшиланишида кимлар қандай таъсир кучига эга бўлганлиги, ким ҳақ ёки ноҳақ эканлиги, оқибатлари ҳамда Амир Темур давлатининг мақсад ва вазифалари, давлатчилик тараққиётига қўрсатган таъсирини кенгроқ билишимиз мумкин.

Амир Темурнинг Хоразм сўфийлари билан олиб борган дипломатик ёзишмалари ҳам ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни атрофлича тушунишимизда бизга ёрдам беради.

Хоразм сўфийлари бир неча бор Амир Темурга муҳолифатчилик билдирган ва унинг ўғлига ўз қизини бериш йўли билан ўртадаги қариндошлиқ алоқаларини ўрнатган бўлса-да, Соҳибқироннинг Ўрусхонга қарши юришга кетганидан ва Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, унинг ерларига босқин ясади. Низомиддин Шомийнинг келтиришича, Со-ҳибқирон Жилортийни элчиликка Юсуф Сўфий қошига юборди ва «Қариндош бўлғондин муҳолифат қилмоқ яна не жиҳаттин турур?» деб сўради. Аммо бунга жавобан Юсуф Сўфий элчини тутуб беркитти. Соҳибқирон унинг бу беандиша ҳаракатидан жаҳли чиқиб яхшиликча хат ёзади. Хатда «Подшолардин право эрмаским, элчини банд қилғай, аниг учун-

ким, аларда гуноҳ бўлмас. Агар сенинг сўзунг бўлса сенинг била туур, элчи била не ишинг? Борғон элчини йибаргил ва мундоқ қилмағилким, пушаймон бўлғунг туур»¹, — дея алоҳида таъкидланган.

Аммо бу сафар ҳам Юсуф Сўфий элчини бандга солди. Бу албатта унинг томонидан қўлланилган нотўғри тадбир эди. Шу тариқа ўртадаги низолар чукурлашиб боради. Низомиддин Шомий бу ҳақда қўйидаги сатрларни ёзиб қолдирган: «Соҳибқиран лутф ва хайриҳоҳлик юзасидан яна бир мактуб йўллади, унда: «Элчига ўлим ва бандалик йўқдур. Элчининг гарданидаги вазифа буйруқни аниқ етказишдан бошқа нарса эмасдир. Менинг элчимни қайтариб юбор», — деб ёзди².

Мактублар мазмуни Амир Темурнинг Хоразмга юриш қилишига асосли сабаблар пайдо бўлганини кўрсатади.

Амир Темур ўз чақириқ ва талабларига тўғри жавоб берган рақибларига ҳурматсизлик қилмаган. Унинг Шоҳ Шужоъ билан муносабатлари фикримизга далилдир. Шарафиддин Али Яздий келтирган маълумотга кўра, «Шероз вилоятининг шоҳигаким, Зайналобидин эрдиким, Шоҳ Шужоънинг ўғли эрди ва анга киши йибариб эрди, «Эмди бизнинг ҳимматимиз, ул туурким, асари андин зоҳир бўлгайким, барча олам йироқ ва йақиндин эшиткай. Ва билгайларким, дўстлуқни нечук қилмоқ керак ва сенга яқин келиб, тушуб туруббиз. Таваққуф қилмай бот келгил, то ниҳоят ва шафқатларимизни кўруб қайтқайсенким, дўстлар шод бўлуб, душманлар ғаним бўлгайлар»³.

¹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... — Б.85 - 86.

² Ўша муаллиф ... — Б.113-114.

³ Ўша муаллиф ... — Б.113.

Шероз вилояти ҳукмдори Шоҳ Шужъо Амир Темурнинг талабини тӯғри қабул қилган ва унга хат йўллаган. Жумладан, унда шундай дейилган эди:

«Ҳазрат Соҳибқироннинг умрига бақо бўлсин. Эмди ул ҳазрат била сидқу муҳаббат бор жиҳатидин воҷиб қўруб дилбандни – Зайналобидинни... Сенга тобшурдим... чин ҳақиқат била ул ҳазратнинг лутф ва қарамини сийлабмен. Ул ҳазратнинг лутфидин нечук лойиқ туур, қилғучи туур ва аҳволларидан хабардор бўлғайлар... буларни барчани ўзига маҳсус қилиб, шафқат ва марҳамат кўланкаларини булар устида солиб андоқ қилсунларким... ва бу дўсти маҳсуским, дўстлуқ ва аҳд тавфиқин топиб туур, фотиҳа ва дуо била ёд қилсунлар»¹.

Урушлар хавфи кучли бўлган ўрта асрларда майдароқ давлатлар кучли давлатларнинг қурбонига айланмаслиги учун ҳам уларга кучли бир раҳнамо давлат керак эди. Шоҳ Шужъо ҳам Амир Темур паноҳида хотиржам юришни афзал билган ва унга тобеликни бажону дил қабул қилган.

Ҳатто эронликларнинг ўзи ҳам Темурни Хурсонни эгаллашига даъват қилганини Соҳибқиронга йўллаган хатидан ҳам кўришимиз мумкин. Жом шаҳрига яқинлашиб бораётганда, мамлакатнинг сиёсий ҳайётга кучли таъсир кўрсата оладиган шайхлар Соҳибқиронни кутиб оладилар ва ҳеч қандай норозиликсиз мамлакатни унинг қўлига топширадилар. Баъзи ҳукмдорлар Амир Темурнинг ўз қарорида қатъий туришини ва ўз мақсадларини албатта амалга оширишини яхши билганлар.

Бироқ баъзи майдада давлатларнинг ҳукмдорлари

¹Ўша муаллиф ... – Б.114.

кучли давлат раҳбарларига ишониб, Амир Темурга қарши чиққанлар.

Демак, улар халқаро сиёсий алоқаларда бажарувчилик ролини ўйнаганлар.

Фикримизга тарихдан бир мисол келтирмоқчимиз: 1393 йили Амир Темур Қайсария, Тұқат ва Сивас ҳокими бўлган Абу-л-Аббосга мактуб йўллаб, ундан ўзига итоат қилишни талаб қилди. Лекин 1383 йилдан буён Барқуқ билан иттифоқда бўлган Абу-л-Аббос Темур элчилари бошлиқларининг (кибор русул) бошларини кесиб, кесилган бошларни тирик қолган элчилар бўйинларига осиб, элчиларнинг ярмини султон Барқуқга ва қолган ярмини эса турк султони Боязидга жўнатди¹.

Биз халқаро алоқаларни чуқурроқ тушуниш учун Соҳибқироннинг Миср ва Туркия султонлари билан олиб борган дипломатик ёзишмаларига алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Темуршунос олим У.Уватов Қоҳирада ва бошқа кутубхоналарда сақланётган мактублар ва уларга оид тадқиқотларни ўрганиб, Соҳибқироннинг Миср сultonлари билан олиб борган дипломатик ёзишмаларини ёритди.

Олим Амир Темур ва Миср султони Барқуқ расмий мунособатлари 1385 йилдан бошланганини, нисбатан қисқа муҳлатда 1386 йилдан то 1405 йилгача Барқуқ ва Фараж, шунингдек, уларнинг Суриядаги ноиблари ўртасида тахминан 25 марта мактублар ва элчилар алмашуви бўлганлигини қайд этади².

¹Уватов У. Амир Темур ва мамлукйлар ... – Б.65.

²Уватов У. Амир Темур ва мамлукйлар ... – Б. 63. Ёки қаранг: Хасанов А.А. Из истории дипломатических отношений... – С. 126.

Бу мактублар матнларидан айрим парчалар Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий «Заварнома»ларида ҳам келтирилган, аммо бу маълумотлар бизга барча ёзишмалар ҳақида тўла маълумот бермайди ва олим У.Уватов тадқиқотида кенг кўламли ёзишмаларни таҳлил этганлиги билан аҳамиятлидир.

Убайдулла Уватов тўплаган маълумотларга кўра, 1393 йил Амир Темур Бағдодга Миср волийсига Сова шаҳри машойихлари ва улуғларидан бир кишини элчи қилиб жўнатган эди. Соҳибқирон ҳар доимги одатига кўра элчи билан подшоҳона ҳадя ва туҳфалар жўнатди.

Элчилик мазмунига кўра, волийга давлатларнинг азалий дўстлиги, низолари ҳақида сўзлаб, ўз даврида Чингизхон наслидан номдор подшоҳ қолмаганлигини эслатади. Шундан кейин давлатларда тарқоқлик юзага келганлигини айтади ва ўзаро муносабатларда яхши бир таклиф киритади: «Сўнгра (Тарқоқликдан сўнг-Ш.Ў) ҳар турли тоифалар маликлари пайдо бўлди, жаҳон аҳволига шўришу нотинчлик йўл топди. Ва у илгариги қоидалар барқарор қолмади. Эндиликда вазифа шулки, ҳамсоялик (дўстлик) ҳаққига риоя қилиб, дўстлик этагини очайлик, токи бундан буён ҳар икки томондан элчилар бориб-келиб турсинлар, ҳар икки мамлакат савдогарлари учун йўл очиб қўйилсин ва бу маъни халқ осойишталигига ва йўлларнинг эминлигига сабаб бўлсин».

Бундан ташқари Миср мамлуклари Соҳибқирон Амир Темурнинг ашаддий душмани Султон Аҳмад ибн Увайсга мамлакатдан паноҳ берган эдилар. Шунга кўра, Соҳибқирон мактубларидан бирида Мисрга қочиб келган Бағдод ҳокими Султон Аҳмад ибн

Увайсни юборишни, яъни Мисрдан чиқариб юбориши талаб қилган эди¹. Бироқ Миср мамлуклари халқаро удумларни оёқости қилиб, Соҳибқирон элчиларини бандга солар ёки ўлдирар эдилар.

Л.Керен тадқиқотига таяниб бир ёзишмани мисол тариқасида келтирамиз. Соҳибқирон Миср ҳукмдорига шундай хат йўллади: «Билгинким, биз худонинг лашкарларимиз, у бизни ғазабга келган пайтида яратган ва қаҳрга учраганларни жазолашни топширган... Биз билан бирга бўлмаганларнинг бошларига кулфат ва яна кулфат ёғилгай! Агар сиз қарши исён кўрсангиз ўзингиздан ўпкаланг... Муҳораба ўти ёқилмасдан олдин бизга жавоб ёзишга шошилинг... Биз сизга элчилар юбориб, адолат бўйича иш тутдик, уларни ҳам биринчи элчилар каби қатл эттирсангиз, ўзингиздан хафа бўлинг!»²

Бу хатга жавобан Баркуқ ҳақоратомуз жавоб йўллайди ва мактуб сўнгида «Услубини безаб, ўз маҳоратини намоён этмоқчи бўлган котибингга айтиб қўй, сенинг мактубинг созланмаган рубобнинг тинғиллашига ёхуд пащшанинг визиллашига ўхшаб қолибди»³, – деб жавоб беради.

Шундан сўнг Соҳибқирон яна элчи юбориб, хужжатни таъкидловчи хабар юборади: «Мен бегона лашкарни Шом ерларига киритишни хоҳламайман, сизлар бундан ортиқ жаҳл мақомига қадам босманглар, амир Отламишни тезлик билан юборинглар, токи мен элчини ўлдирганингиз гуноҳидан ўтаман ва диёрингизни саломат қолдираман»⁴.

¹ Уватов У.Амир Темур ва мамлукийлар ... – Б.65.

² Керен Л.Амир Темур салтанати ... – Б.101.

³ Ўша жойда.

⁴ Низомиддин Шомий. Зафарнома ... – Б.289.

Бироқ Амир Темур элчиларининг иззат-нафси бу сафар ҳам топталди. Улар элчини жазолаб, Амир Темурни худосиз деб ҳақоратлаб, Отламишни қайтиб бермайди.

Қарийб йигирма йил вақт ичида ўртадаги кучли низоларга қарамай Миср ва Амир Темур қўшинлари ўртасида айтарли йирик жанглар содир бўлмаганлиги ҳам Амир Темурнинг дипломатик маҳорати, сабртоқати, кечирувчанликдек олий фазилатларидан даррак беради.

Мактублар мазмуни халқаро майдонда нозик сиёсий ўйинлар кетганини, Амир Темурни яккалаб янчиб ташлашга интилишлар бўлгани, Боязид ҳам бошқа ҳукмдорларнинг гиж-гижлаши билан шу ўйинга тортилганлигини кўрсатади. Ўзларини адолатпеша ҳисоблаган Миср, Туркия султонлари, бузғунчи Аҳмад ибн Увайс ва Қора Юсуф Туркманни Амир Темурга тутиб беришлари, жазолашлари ёки бетарафлик мақомида туришлари керак эди. Аммо улар бундай йўл тутмадилар. Халқаро воқеалар чигаллашувида Миср султони Барқуқнинг роли ҳам катта эди.

Хатлардаги маълумотларга кўра, Султон Боязиднинг элчилари ҳам Темур билан жангда султон Барқуқقا иттифоқдош бўлишликка интилиши, шунингдек, Миср султони тасарруфига ўзининг қўшинидан икки юз минг кишини беришга тайёр эканлигини билдирилар. Ушбу таклифлари учун Султон Барқуқ уларга ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, бу фикрларга тегишли жавобини берди.

Улар бир-бирлари билан тез-тез элчилар алмасиб турдилар. Шунингдек, мамлуклар давлати ерлари билан чегарадош бўлган туркман амирликларининг бо-

шлиқлари ҳам Султон Барқуқقا итоат этишларини билдириб хабар юбордилар¹.

1399 йилда Миср султони Барқуқ вафот этиши муносабати билан «мудофаа иттифоқи» якун топди. Боязид Мисрдаги беқарор вазиятдан фойдаланиб Миср мулкига қарашли ерларни босиб олади (Малатия, Сивас ва б.) ва бу хатти-ҳаракатлардан Мисрнинг ўн бир ёшли янги ҳукмдори Фараж норози бўлади. Амир Темур 1399 йилнинг июль ойида Ҳиндистонни тарк этди ва Озарбайжон ҳудудига келиб, Табризни қароргоҳ тутди. Табризда турганида, султон Боязидга мактуб йўллаб, одоб билан унга ўзининг Қора Юсуф Туркман ва Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайс билан бўладиган урушда холис (бетараф) мавқеда бўлишилигига ишорат қилди. Лекин султон Боязид Амир Темурнинг ушбу маслаҳатини қулоққа олмади ва унинг хатига қўрслик билан жавоб қайтариб, «ёрдам сўраган одамни ўз ҳолига ташлаб қўйиш туркларнинг одатидан эмас», – деб таъкидлади. Кейин эса у унга қарши кучли қўшин билан боришини ва қаерга бормасин уни таъқиб қилишини билдириди².

1400 йил Малатияни ишғол этгач, Амир Темур ўзининг биринчи мактубини Фаражга йўллаб, хатида унинг отаси йўл қўйган «хатолар»ни – унинг элчиларини ўлдиргани, Отламишни зиндонга согани кабиларни кўрсатди. У Фараждан дарҳол Отламишни озод қилишини талаб қилди ва ўз талаби бажарилмаса «Сурия ва Миср халқидан ўч олишлигини» мактубида таъкидлади³.

¹Уватов У.Амир Темур ва мамлукийлар. – Б.67.

²Уватов У.Ўша асар ... – Б.67-68.

³Ўша жойда.

Султон Фараж эса отаси қылгани каби Ҳалабдаги ноибига элчиларни тутиб олиб, зиндонга ташлашни буюрди. Бундай қалтис вазиятда Фараж шармандали ва қалтабин сиёсат юритди. Амир Темур эса улардан ўч олишга интилди ва энди Боязид томон эмас, Миср томон юришни ирода этди¹.

Амир Темур ал-Биҳиштни, Айнитбони эгаллаб, Дамашқ ноиби Судунга мактуб йўллаб, уни вазиятдан огоҳ этиб, Боязиднинг адабини бериш учун Сивасни эгаллагани, Мисрга томон юриш бошлаганининг сабаби эса Қоҳирада зиндонда ётган ўз қариндоши Отламишни озод этиш ва бу мамлакат билан тўғри муносабат ўрнатиш ва ҳоказолар деб изоҳлади². Лекин Дамашқ ноиби Темурнинг бу тарздаги мактубига эътибор бермади ва унинг элчисини чормихга (салбга) тортишни буюрди³.

Дамашқ ноибининг ушбу қўрс хатти-ҳаракатидан кейин Темур қўшинлари Ҳалаб устига ёпирилиб ташландилар. Ҳалаб ишғол қилингач, Амир Темур ўзининг илгариги талабларини такрорлаб, яна султон Фаражга мактуб йўллади. Ўз қариндоши Отламишни озод қилиш, агар у шундай қилса ўз ҳузурида аси尔да турган унинг ноибларини ва бошқа асилярини озод қилишлигини билдириди⁴. Лекин Султон Фараж бу талабларни ҳам рад этди ва Соҳибқирон Амир Темур яна хат йўллаб «сустлик кўрсатишни шу даражага етказдингизким, ирода жилови бизни бу жонибга келтирди. Шунга қарамай, агар ишнинг

¹Уватов У.Амир Темур ва мамлукийлар.— Б.70.

²Уватов У.Амир Темур ва мамлукийлар.— Б.70.

³Ўша жойда.

⁴Ўша жойда.

оқибатини ўйлаб кўрсангиз ва уни юбориш билан ўтган кечмишнинг тадорикини қилсангиз, ўзингиз учун яхшилик қилган ва аҳлу аёлингизни ўзингиздан миннатдор этган бўласиз ҳамда биз билан дўстлик эшигини очиб, ору номусингиз, молу манол ва мулкингиз бизнинг жаррор лашкаримиз заруридан сақлаб қолгай»¹, – деб унинг номи билан пул зарб этишни таклиф этади².

Амир Темурнинг шаҳидан чўчиган Фараж элчиларни шоҳона кутиб олади ва ўзининг жавоб хатида Отламишни беш кун мобайнида зиндандан озод этишни ваъда қилиб, бундан кейин Темур билан дустона муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини изҳор этади³, аммо келишувга қарамай ҳар икки томон ҳам жангга тайёргарликни кучайтиради.

Бироқ вазият янада жиддийлашади ва кутилган жанг юз бермайди. Чунки Фараж амирларининг бир қисми кечаси махфий равишда Қоҳира томон жўнаб кетади, шунингдек, Қоҳирада Ложин бошчилигига сultonга қарши фитна тайёрланаётганини эшитган Фараж ҳам Дамашқни ўз ҳолига ташлаб, яширинча Қоҳира томон йўлга чиқди. Дамашқ аҳлининг қаттиқ қаршилигига қарамай Амир Темур шаҳарни эгаллайди.

Амир Темур яна Фаражга хат йўллаб, аввалги табларини изҳор этди ва агар шарт бажарилса Дамашқда асир олинган ва унинг ҳузурида бўлган мамлук сultonининг амирлари ва ноибларини озод қилишни ваъда беради⁴.

¹Низомиддин Шомий. Зафарнома... – Б.300-301.

²Уватов У.Амир Темур ва мамлукйлар. – Б.71.

³Ўша жойда.

⁴Ўша жойда.

Соҳибқирон Амир Темур ҳукмдорнинг ҳар бир ҳаракати халқининг тақдиди билан боғлиқ, деб тушунган ва дипломатик муносабатларда ҳам имкон қадар низоларни келишиш йўли билан ҳал этган. У шундай деган, «Подшоҳлар хулқи бамисоли шамол, авомники майсадир. Шамол қай тарафга эсса, майса ҳам ўша томонга эгилади. Аммо подшоҳ ҳеч қачон ўз қудратининг асоси мана шу авом эканлигини унумаслиги керак»¹.

Амир Темур дипломатияда ҳам ана шу мақсадга – яъни халқ тинчлиги, яшаш ҳуқуқи, эркинлигини таъминлашга ва кафолатлашга интилган.

Унинг инсонийликка асосланган дипломатияси орқали Миср мамлуклари жазодан омон қолдилар, кейинчалик ҳам қайсарлик билан муносабат юритсалар-да, улар Амир Темур ҳукмронлигини тан олдилар².

Амир Темурнинг Боязид Йилдирим билан олиб борган дипломатик ёзишмалари ҳам бугунги кунгача етиб келган.

Аввал таъкидлаганимиздек, Йилдирим Боязид ва Амир Темур ўрталаридағи муносабатларнинг кескинлашишига Султон Аҳмад Увайс ва Қора Юсуф Туркман сабабчи бўлган.

Амир ўзининг Боязидга йўллаган илк мактубида, асосан мазкур икки шахсни мамлакатдан чиқариб юбориш талабини қўйган. Усмонлилар султонидан келган жавоб мактуби жуда қўпол иборалар билан битилган бўлиб, Темурни жанг майдонига очиқ даъват этиш билан якунланган.

Амир Темир очиқ ва қўпол мактубга нисбатан на-

¹Ўша жойда.

²Ўша муаллиф ... – Б.72.

сиҳатомуз бир нома йўллаган ва унда Боязиднинг фарангларга қарши жиҳодга отлангани туфайли унинг мамлакатига хужум қилмаганини ёзган ва султоннинг номаъқул сўзлар айтиши фақат ўзига зарар келтира-жагини айтиб, уни огоҳлантирган¹.

Бу хат мазмуни Низомиддин Шомийда шундай келтирилган «Ўзининг куч-қудрати, шон-шавкатидан мағурланиб кетган Йилдирим Боязидга Соҳибқирон шундай хат йўллаган ва у шундай битилган:

“Аллоҳ таоло ўз қадри ва даражасини билган ва ўз ҳадди ва мақомидан ташқари босмаган бандасини раҳмат қилгусидир. Бугун худога шукрки, рубъи маскун мамлакатлари бизнинг тасарруфимиз ва фармонимиз остидадир, атрофу жавониб маликлари бизга мутиъ ва фармонбардордирлар; мамлакат ишлари тўғри йўлга қўйилган, жаҳоннинг гардан-кашлари бизга итоат ҳалқасидан бўйин товламайдилар, мамлакатлар сардорлари бизнинг ҳукмимизга саркашлиқ қилолмайдилар, жаррор лашкарлар бизнинг ҳаммамизга қарши туролмайди, айланиб турган фалак бизга мутобаатдан бош тортмайди. Агар ўз ҳаддингни сақлаб, ўз қадринг палоси ўлчамидан ташқарига қадам босмасанг – бу сенинг учун яхшидур. Яна бил-гинки, сен Фаранг лашкари билан ғазот ва жанг қилаёттанингни эшитиб, то ҳозиргача сенинг диёрингга дахл қилмадик ва у мамлакатга бизнинг нусратли аскарларимиздан бирор зарар етишини хоҳламадик, чунки бу мусулмонларнинг тинчлик-фаровонлиги ва бединларнинг шикасту баҳтсизлигига сабаб бўлғай. Ҳозир сен мағурулик мақомига қадам қўйиб, ўз ҳаддингдан ташқари сўзларни айтсан, сенга бориб етмайдиган нарсани истаяпсан,

¹Фуломов С.Амир Темур ва Боязид муносабатлари ... – Б.77.

балони зўрлаб, ўзингга тортяпсан, тинчлик ва саломатликнинг қадрини билмаяпсан... Аҳли иллат, фитнаю бало эшигини ўз юзингга очма»¹.

Боязид бу мактубни «жанг учун бир баҳона» қабилида тушуниб, Усмонлилар томони ҳам жангга тайёр эканлигини билдирган².

Амир Темур Усмонлилар билан бўладиган жангда Миср султони хужуми эҳтимоли бўлган сўл томонни кучсизлаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Сурияга юриш қилиб, Ҳалаб, Дамашқни, сўнгра Бағдодни ҳам эгаллади³. Темурнинг бу юришидан фурсатни ғанимат билган Боязид Арзинжонни ва Камоҳ қалъасини босиб олади.

Темур ўзининг Боязидга ёзган тўртинчи мактубида унга дашном бериш билан бирга уни сулҳга таклиф этган ва Усмонлиларга таалтуқли ерларни, жумладан, Сивас, Малатия ва Абистонни Боязид тасарруфифда қолдиришни вайда беради, эвазига эса Арзинжон ҳокими Таҳуртан Баҳодир, Жиржис Баҳодир, Ялмон Баҳодир ва Ҳожи пошо каби саркардаларнинг фарзанд ва яқинларини озод этилиши ҳамда Камоҳ қалъасидан усмонли навкарларини олиб чиқиб кетиш талабини қўйган⁴.

Боязиднинг ножӯя хатти-ҳаракатига, ҳақоратларига қарамасдан Амир Темур мазкур дилсиёҳликни унутишга қарор қиласди ва ғанимга ҳар икки томоннинг маълум шартларни бажариш эвазига сулҳ таклиф этади.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Соҳибқирон Амир Темур ёзган бир хатида Боязидга дўқ-пўписа қилиб, «сиз бизнинг душманларимиз ва уларга ўхшашлар-

¹Низомиддин Шомий. Зафарнома.. – Б.284.

²Ўша жойда.

³Ғуломов С.Амир Темур ва Боязид муносабатлари ... – Б.78-80

⁴Ўша жойда.

нинг ҳолини ҳамда улар бошларига уруш ва зарбадан тушган калтакларни эшигансиз. Улар билан нима ишлар қилганимиз сизга аёндир. Баҳслашишу урушиш у ёқда турсин, ҳатто, биз билан сиз ўртамизда ади-бади гапларни ҳам кўпайтирманг», — деб огоҳлантирган.

Бунга жавобан Боязид Йилдирим ҳам Амир Темурга ўзининг бемисл куч-қудратини, ўз қўшинининг «жаннат талабида худо йўлида жонларию мол-дунёларини фидо қилганлигини, кофирларнинг қонларини дарёдай оқизганлигини таъкидлаб», гапнинг хуласаси шуки, бизнинг жами ишларимиз, аскар ҳолимизу ҳаракатимиз мункирларни тўдалаш, асиirlарни йиғиб олиш, ўлжаларни жам қилишдир. «Чунки биз тангри йўлида жиҳодчилармизки, қайсики улар маломатчининг маломатидан (сира)-сира қўрқмайдилар. Мен биламанки, бу сўзлар сени ҳеч тўхтатмасдан бизнинг мамлакатимизга томон отлантиради. Агар сен (биз томонга) келмасант, сенинг хотинларинг уч талоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсангу мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил уч талоқ бўлсин»¹, — деб ёзади.

Ўша давр удумларига мувофиқ аёл киши ор-номус тимсоли деб тушунилган. Унинг жавобини эшигтан «Амир Темур «Ибн Усмон мажнун ва аҳмоқ» деди. Темур унинг жавобидан хотинларнинг зикр қилган жойини ўқиб, хотима қилди. Чунки хотинларга тил тегизиш уларда катта айб бўлиб, фоят гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай бошқа бир ибора билан атайдилар, ҳамда бу нарсадан сақланинглар, деб одамларга доимо уқтирадилар»², — деб ёзади ибн Арабшоҳ.

¹Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. I жилд... — Б. 257-259.

²Ўша жойда. — Б. 259.

Бизнинг наздимиизда Боязид Йилдирим томонидан ёзилган бу мактуб шусиз ҳам кучайиб турган низоларнинг жанг билан якун топишидаги сабаблардан бири бўлган.

С. Фуломов «Темур душманларининг сулҳ ташаббусига муқобил унга қарши «иттифоқ»нинг тузилиши ва баъзи ҳудудлар устидаги тортишувлар «Анқара жангиға етаклаган сабаблар экани аниқ. Бундан ташқари Оврупа ва Византияning ўша даврдаги ҳолатидан мантиқан келиб чиқиладиган бўлса, мазкур минтақалар қироллари ва императорининг Темурни Усмонлиларга қарши жангга ташвиқ этганликлари эҳтимоли кучлидир¹, — деб ёзади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Европа давлатлари билан олиб борган дипломатик ёзишмалари ҳам муҳим тарихий манбадир. Бу мавзу бўйича шўро даврида И.И. Умняков биринчилардан бўлиб салмоқли тадқиқотлар олиб борди. Хусусан, у Парижда сақланаётган Амир Темур ва Фарбий Европа ҳукмдорларининг ўзаро ёзишмаларини таҳлил этиш асосида бир нечта илмий асарлар ёзиб бу мавзуни анча муфассал очиб берган².

¹Ўша асар... — Б.81.

²Умняков И.И.Международные отношения Средней Азии в начале XV века.Сношения Тимура с Византией и Францией /Труды УзГУ. Новая серия.— Самарканд: 1956.Вып.61.— С.179-200; Ўша муаллиф. Международные отношения Средней Азии в начале XV в, Тезисы докладов.— Самарканд: 1959.— С.55-58; Ўша муаллиф. Из истории международных отношений Средний Азии с Западной Европой в начале XV века: Международный конгресс востоковедов.— М 1960; Ўша муаллиф. Малоизвестный французский источник о Тимуре /История. 1960.— С.173-199; Ўша муаллиф. Внешнеполитические связи Самарканда с государствами Западной Европы /История Самарканда.— Ташкент, 1969.— С.173-195.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши бизга асл ёзишмаларни ўрганиш ва улар ҳақида янгича фикр-мулоҳазалар юритишга имкон берди.

Л. Керен ва А. Сайдов томонидан чоп этилган «Амир Темур ва Франция» китобининг «Амир Темурнинг дипломатик ёзишмалари» бўлимида Франция Миллий архивида сақланаётган ана шу хатларнинг баъзилари ўзбек тилидаги таржимаси билан берилған¹.

Амир Темур Боязиддан фарқли ўлароқ, Европа давлатлари билан дўстона дипломатик алоқаларини йўлга қўйди ва «мамлакат динсиз ерда туриш мумкин, аммо зулм бор ерда туролмайди» фалсафий тушунчасига таяниб, файридинларга нисбатан дўстона муносабатда бўлди ва уларни истиқболли ҳамкор сифатида қабул қилди. Ёзишмалардаги маълумотларга кўра, у Европа давлатлари билан тез-тез элчилар алмашиниб туришни, шунингдек, мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшувчи савдогарлар, яъни тадбиркорлар тоифасига катта имкониятлар яратишни кўзлаган. У мусулмон шарқидан ғарбга дўстона ниятда қўл узатган биринчи дастлабки давлат арбоби эди.

Амир Темур Европа ҳукмдорларига «Сиз савдогарларингизни биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни қизғин, барча иззатларни ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз Сиз томонларга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-икромлар кўрсатсалар. Майли, улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқсиз йўл юрсинлар.

¹Керен Л., Сайдов А.Амир Темурнинг дипломатик ёзишмалари /Амир Темур ва Франция. – Тошкент:1996.– Б.72-82.

Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар, деган нақлни инкор этиш бефойда¹, — каби хатларни юборган.

Мактуб мазмунидан англаш мумкинки, Соҳибқирон халқаро савдони ривожлантириш учун савдогарларга катта имкониятлар яратиш, уларнинг ҳуқуқларини кучайтиришга ва кафолатлашга кафил бўлган ва қиролларни бу савобли ишга унданаган. Соҳибқироннинг бу хатти-ҳаракатларини олимлар дипломатияда «кўл чўзиш сиёсати» деб атамоқдалар².

Амир Темурнинг Шарл VI га йўллаган яна бир мактуби «Темур Гурагоний сўзимиз» деб унинг ўзининг хос расмий усули билан бошланади — олам машъали, музaffer, буюк дўстимиз, оламга жуда зарур, катта урушлар ғолиби, олампаноҳ Франция ва кўп бошқа юртлар қиролига ўзимизнинг таъзим ва раҳматимизни йўллаймиз. Биз Сизнинг давлатингиз доимо гуллабяшнашини дўстона тилаб қоламиз³, — дея ўзининг самимий тиклакларини изҳор этади.

У Шарл VI шахсини ҳурматлаб «Сизнингномингиз узоқ юртларга кетганлиги ва бошқа қироллар орасида обрўйингиз баланд эканлигини, бутун Шарқ тақводорлари, огамиз Иоанн бизга сўзлаб берган эди», — дея уни улуғлайди. Мактубдаги бу сатрлар Соҳибқироннинг гўзал дипломатик усулидан далолат беради.

Амир Темур ушбу мактубда Европа қироллари ва ўзининг душмани Боязиднинг аҳдини бузгани туфайли унинг юртини забт этганлигини алоҳида таъкидлаб, бу хабарни роҳиб Иоанн томонидан ет-

¹Ўша жойда.

²Керен Л., Саидов А.Амир Темур ва Франция ... — Б.76-77.

³Ўша жойда.

казаётганини айтади. «Буюк шоҳлар ва дўстлар бирбирларини катта воқеалардан хабардор қилиб туриши одат тусига кирганлиги боис биз роҳиб Иоанни Сизга бизнинг давлат ва биздаги вазият, биз томонларда Сизнинг душманингизга қарши қилинган ишлар, Сизларга бўлган дўстона муносабатимиз йўлидаги самараларимиз ҳақида ҳикоя қилиб берсин учун Сиз улуғ зотлари томон йўлладик»¹, – деб ўз мақсадларини баён этади.

Амир Темур элчига катта ишонч билдириш учун уни ҳар икки давлатнинг элчиси деб ҳисоблайди ва «Мамлакатимиз ўртасида борди-келдини йўлга қўймоқ билан давлатларимизни зиёда қилишларини ва савдодан яхши фойда олишларини истаймиз. Дарҳақиқат, савдогарларингиз биз томонларда хавфсизлиги таъминланишини таъкидлаш жоиз» деб яна аввалги таклифини, савдогарларнинг тинчосойишталигини кафолатлашни ўз зиммасига олади. Амир Темур даврида биринчи марта ғарб ва шарқ савдо алоқалари масаласи расмий муаммо масала сифатида қўйилган.

Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншоҳнинг христиан шоҳ ва шаҳзодаларга йўллаган мактуби ҳам муҳим тарихий манбадир.

Санъаткорона хат ёзиш услубининг ўзи ҳам Соҳибқирон ва Темурийлар даврида дипломатия соҳаси санъат даражасига кўтарилиганини кўрсатади. Хат шундай бошланади: «Мироншоҳ Гурагоний, ушбу бизнинг сўзимиз, христиан эътиқодидаги ичидан саралаб олганларимиз, Кодири таолонинг назари тушганлар, христиан Француз шоҳлари ва шаҳзода-

¹Ўша жойда.

ларига саломлар йўллаймиз. Қалбимиз биродарлик ҳисларига тўлиб, Сизларга шуни маълум қиласизки, агар Сизлар хоҳиш билдириб, биз томонларга келсангизлар, истакларингизни бажо келтуурмиз»¹.

Мироншоҳ Мирзо ўз ҳамкорларини ўз юргига келишга чорлаб уларнинг истагини бажо келтириш, уларга яратилажак имкониятлар ва кафолатлари ҳақида сўз юритган.

Айниқса, унинг хатидаги бир эпизод темурийлар давлатчилик гоясини теранроқ тушуниб етишимизга ёрдам беради. Мироншоҳ Мирзо «Савдогарларга келсак, истардикки, Сизнинг савдогарларингиз бизнинг юртларда, бизнинг савдогарлар сизларнинг юртларингизда хавф-хатарсиз, ҳозиргидек юрсалар. Ниҳоят, агар эътиқодимизда фарқ бўлса ҳам, барibir барчамизнинг манфаатларимиз йўлида дўстликни авайлашимиз даркор»².

Мироншоҳ Мирзо эътиқодларидаги фарқ тараққиётга тўсиқ бўлмаслигини, фаровонлик тафовутлардан устун туришини яхши англаган.

Дипломатияда энг мақбул йўлларнинг танланиши давлат сиёсатининг мукаммал даражада олиб борилганлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган. У ташқи муносабатларда миллатидан қатъи назар инсонни қадрлаш, ҳамкорлик, тинчлик ва тараққиётни олға суради..

Темурийлар орасида Шоҳруҳ Мирзо ҳам қўшни давлатлар билан муваффақиятли дипломатик ёзишмалар олиб борган.

¹Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншоҳнинг христиан шоҳ ва шаҳзодаларга йўллаган мактуби / Амир Темур ва Франция... – Б.78

²Ўша жойда

Хитой императорига йўллаган мактубида у хоқонни кўп худоликни йўқотишга, савдо аҳлига имкон яратишга, фуқаролар фаровонлигини таъминлашга чақиради.

Бу ҳақда бир мактубда шундай дейилган: “Бу паст дунё ва салтанати бақосига ҳукумат ва сиёсатининг давомли бўлишига, ҳаққонияту тўғриликни қўллаб-қувватлаш ва хайру савоб умидида ер юзасидан кўп худолигу кофирлик заарларини йўқотиш билангина эришиш мумкинлиги туфайли у (хоқон Дой-Минг) тарафидан ва давлат арбобларидан кутилган умид ва орзу шуки, улар мазкур ишларда бизга ҳамкорлик кўрсатиб, шариатнинг маъмур қоидаларини мустаҳкамлашда бизга шериклик қиласалар ҳамда элчилар ва хабарчилар юбориб турсалар. Сайёҳ ва савдогарлар учун йўлларни очиқ тутсалар, токи дўстлик ва муҳаббат сабаблари таъкидланиб, бирлик ва яқдиллик воситалари қувват топса (бинобарин) мамлакатлар атрофларидағи ҳалқлар тоифалари роҳатга эришса, фуқароларнинг барча табақалари орасида тириклик воситалари тартибга тушса»¹.

Шоҳруҳ Мирзо бу мақсадларига ҳамкорлик воситасида эришишга, Амир Темур каби тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интилган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, Амир Темур давридаги дипломатик ёзишмалар миллий тарихимиздаги муҳим тарихий манба ва ишонарли расмий ҳужжатлар ҳисобланади.

Амир Темур томонидан олиб борилган ёзишма-мактублар Амир Темур ҳар қандай шароитда ҳам ҳалқаро

¹Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё... – Б. 123.

қоида ва шартларига амал қилғанниң иштеп далолат беради.

Улар Амир Темурнинг ўз душманларига катта имкон ва вақт бергани, мардлиги, кечиувчанлигига шоҳидлик беради. Амир Темур шарқ ва ғарб давлатларига йўллаган номаларида қўщничилик алоқаларини ўрнатиш, ташқи савдода тадбиркорларга эркинлик бериш, уларнинг ҳавфсизлигини кафолатлашни таклиф этган ва минтақада долзарб бўлиб турган бу муаммолар биринчи марта расмий йўл билан ҳал этиш йўлига ўтилган.

Мактублар Амир Темурнинг юксак сиёсий илми, стратегиясидан дарак беради. У Туркия, Миср, Олтин Ўрда каби йирик ўзиға қарши қаратилиган кучли ҳарбий иттифоқقا қарши вактни чўзиш йўли билан курашди ва уларни тор-мор этиш учун қулай фурсатни кутди. Хатлар мазмуни халқаро майдонда нозик сиёсий ўйинлар кетганлигини, Амир Темурнинг бу қалтис курашда ақл-фаросат билан иш тутғанини курсатади. Фанимлари Амир Темурга қарши шармандали ва калтабин сиёсат юритсалар, Амир Темур сабр-тоқат ва тинчлик йўли билан вазиятни юмшатишга уринган.

У султонларнинг ўзаро муносабатлари халқ тақдирини ҳал қилишини яхши билган ва шўнинг учун ҳам султон ҳар қандай шароитда ҳам келишишга интилиши шарт, деб тушунган.

Амир Темур жанг содир бўлгунга қадар олиб борилган ёзишмаларнинг аксариятида фанимiga сулҳ тақлиф этган, дипломатиянинг огоҳлантириш усулига таянган, бу тақлифлар рад этилғанда ҳам зиддиятларни уруш билан якунламасликка интилган, Миср билан олиб борилган қарийб йигирма йиллик муносабатлар ҳам фикримизга далилdir.

У ўз душманини ҳурмат қилган, ҳар доим берган ваъдаларининг устидан чиққан, фанимининг йўқлиги ва бошқа вазиятдан фойдаланиб номардларча унинг ерларига дахл қилмаган.

Соҳибқирон ўз давридаги бошқа мусулмон ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ гайридин қиролларга нисбатан дўстона муносабатда бўлганлиги ва уларни истиқболли ҳамкор сифатида қабул қилганлигини ҳам ўша даврда битилган мактублардан англаш мумкин.

Амир Темур эътиқодлардаги фарқ тараққиётга тўсиқ бўлмаслигини, икки тарафлама манфаатли алоқалар тафовутлардан устун туришини яхши англаған. У “дунё савдогарлар билан обод бўлажак” шиорига амал қилган. Бу жиҳат унинг мафкурасида бағрикенглик мавжуд эканлигини кўрсатади.

Амир Темур давлатининг халқаро миқёсда довруғ қозониб, барча жабҳаларда Уйғониш палласига ўтишида ҳам бизнингча миллий давлатчиликда тўғри юритилган дипломатик тадбирлар катта омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

АМИР ТЕМУР ВА ЙИЛДИРИМ БОЯЗИД ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Бизга маълумки, Амир Темур ҳокимият тепасига келган вақтда усмонийлардан Муроди аввал ҳукмдор эди. Усмонийлар Туркияning ягона ҳукмдорлари эмасди, балки талайгина вилоятлар (бейликлар) бирбиридан мустақил ҳолда яшарди. Ўша пайтда бугунги Туркия ҳудудларининг катта қисмида христианларнинг шаҳарлари мавжуд эди. Аммо бу бейликлар-

нинг ичида шиддат билан ривожланиб бораётгани усмонийлар давлати эди. Бу давлат Йилдирим Боязид даврида янада шон-шавкатга эришди, у отаси Мурод Усмонийнинг фаолиятини давом эттириди ва ҳатто Европа ҳудудларига таҳдид солиб турди.

У 1389 йил таҳтга ўтирган Йилдирим Боязид Сербия, Болгария, Македония, Фессалия, Венгрияга юришлар қилди ва уларнинг устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Салбчиларнинг қўшини устидан ғала-ба қозониб, ўзига Боснияни бўйсундирди, Византия устидан деярли ўз протекторатини ўрнатди.

Ушбу жаҳон подшоси Амир Темур билан дипломатия тарихи саҳифаларини очишган. Бу дипломатик алоқаларнинг бошланиши, уларнинг қай даражада кечганилиги ва воқеалар ривожини ўрганиш усмонийлар ва Амир Темур давлати тарихидаги баъзи чигал масалаларнинг ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотларимизда аввал айтилганидек, улар бирбиридан жуда олис масофада фаолият юритаётган бўлиб, Амир Темур ва Йилдирим Боязиднинг ўзаро душманлик муносабатида бўлишлари учун ҳеч бир сабаб таъсир кўрсатмаслиги лозим эди, аммо шундай бўлса-да, объектив ва субъектив сабаблар замирида XV асрнинг энг катта жангларидан бири Анқара жанги келиб чиққан.

Амир Темур, аввало, ўз мамлакатига чегарадош бўлган мамлакатлардан келадиган хавфларни барта-раф этиш учун қўшни давлатлар билан дипломатик алоқалар олиб борган, қўшилар ҳаддидан ошганларида уларнинг ҳудудларига юришлар қилган ва ўзининг мудофаа деворларини мустаҳкамлаб борган. Унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, айнан ўзи томо-

нидан уюштирилган қатор юришлар унинг режаларидан ташқаридан, вазият тақозосига кўра юз берганини, кўплаб ҳудудларга юриш қилишни олдиндан мўлжалламаганлиги, у ён-атрофдаги давлатлар раҳбарлари билан яхши қўшничилик ва дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадлари устувор бўлганлигини англаб етиш мумкин.

Амир Темур, аввало, адолатли, ўз даврининг иймонли ҳукмдори сифатида атрофда бўлаётган ноҳақликларга бефарқ қараб тура олмаган. Айниқса, у ислом анъанаёнининг қатъий давомчиси ва унинг қудратини қўтарувчи подшоҳлардан бўлиб, ҳаж ва карвон йўлларининг тинчлигини сақлашда, фуқароларнинг тинчлик-хотиржамлигини таъминлашда ҳам катта саъий ҳаракатлар қиласарди. Шу билан биргаликда у дини, тили, миллати ва ирқидан қатъи назар ҳаммага Аллоҳнинг бандалари сифатида қараган.

У бу борада Қорақуюнлилар сардори Қора Юсуф Туркман (791/1389–823/1420) билан бирга Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайс Жалойирга қарши курашни бошлаб юборди.

Темур Табризда ҳукмронликни кўлга киритган Қора Қўюнлу ҳукмдори Қора Юсуф Туркмандан бир неча бор итоат этишни талаб этган.

Унинг отаси Қора Муҳаммадни эса Темур илгаридан ҳаж ва савдо җарвонларига босқинчиликда айблаб келган ва ўзининг ашаддий душмани деб билган. Қора Юсуф Туркман Темурнинг итоат борасидаги талабини рад этган. Бунинг устига тўқнашувлардан бирида Авник қалъасига Темур томонидан ҳукмдор этиб тайинланган Отламиш Кучин исмли

шахсни 1388 йилда асир олиб Қоҳирага, мамлуклар султони ҳузурига юборган ва у шахс ҳибсга олинган эди¹.

Бу икки шахс айнан талончилик ва ўғирлик каби жиноятлар содир этадиган, аҳолининг тинчлигини бузадиган, ўз аҳолисига керагидан ортиқ солиқлар соладиган инсофсиз кишилар эди. Ибн Арабшоҳ Султон Аҳмад ҳақида, “Бағдод аҳли ундан нафратланиб, унинг дастидан Темурдан мадад сўраб арз қилганлар»². Бунга жавобан Амир Темур уларни жазолашни ўзининг муҳим вазифаси деб билган.

Бу икки шахс эса ўзларига қалқон сифатида Йилдирим Боязиддан фойдаланишган ва унда Амир Темурга нисбатан нафрат уйфота олишган эди. Бу икки шахс Йилдирим Боязидга йўллаган ўз мактубларида унинг ёрдамига муҳтоҷ эканликларини билдирган эди³.

Халқаро майдонга Амир Темурнинг кириб келиши кўпчилик подшоҳларга ёқмаганлиги ва уларнинг Амир Темурга қарши тиш-тирноғи билан курашганларини табиий ҳол деб ҳисоблайдиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам бундай хатти-ҳаракатлар халқаро майдонда содир бўлаётган, Амир Темурни сиёsat саҳнидан олиб тащлаш, уни янчиб ташлашга ҳаракатлар кучайиб бораётган эди.

Бу муносабатларнинг кескинлашишида Миср ҳукмдори Барқуқ, Амир Темурнинг ёрдами билан ҳокимиятни эгаллаган Олтин Ўрда хони Тұхтамишхон

¹Фулюмов С.Амир Темур ва Боязид муносабатлари// Шарқшунослик.– Тошкент: 1996.– № 7 – Б.75-76 ёки қаранг: Хасанов А.Из истории дипломатических отношений ...– С.130.

²Ибн Арабшоҳ.Амир Темур тарихи. I китоб ... – Б.137.

³Фулюмов С.Амир Темур ва Боязид муносабатлари... – Б.198

Шоҳистаҳон ЎЛЖАЕВА

ва бошқалар ҳам ўзаро ёзишмаларида Амир Темурга қарши курашда ўзаро бир-бирларига ёрдам беражакларини билдирган эдилар.

Воқеалар мазмунини таҳлил қилиб, ўша пайтда халқаро майдонда нозик сиёсий ўйинлар кечганлиги, Амир Темурни яккалаб янчиб ташлашга интилишлар бўлгани, Боязид ҳам бошқа ҳукмдорларнинг гиж-гижлаши билан шу ўйинга тортилганлигини англаб этиш мумкин. Бундай нозик сиёсий вазият пайтида бу ҳукмдорлар уларни ўз мамлакатидан чиқариб юборишлари, ўз ҳаракатларига арзимайдиган бузғунчи Аҳмад ибн Увайс ва Қора Юсуф Туркманни Амир Темурга тутиб беришлари, жазолашлари ёки бетарафлик мақомида туришлари керак эди. Аммо улар бундай йўл тутмадилар. Халқаро воқеалар чигаллашувида Миср султони Барқуқнинг роли ҳам катта эди. У ҳам Йилдирим Боязидни Амир Темурга қарши отлантириди.

Хатлардаги маълумотларга кўра, Султон Боязиднинг элчилари ҳам Темур билан жангда султон Барқуқقا иттифоқдош бўлишликка интилиши, шунингдек, Миср султони тасарруфига ўзининг қўшинидан икки юз минг кишини беришга тайёр эканлигини билдирилар. Ушбу таклифлари учун Султон Барқуқ уларга ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, бу фикрларга тегишли жавобини берди.

Улар бир-бирлари билан тез-тез элчилар алмашиб турдилар. Шунингдек, мамлуклар давлати ерлари билан чегарадош бўлган туркман амирликларининг бошлиқлари ҳам Султон Барқуқقا итоат этишларини билдириб хабар юбордилар¹.

¹Уватов У. Амир Темур ва мамлуклар // Шарқиунослик.–Тош

1399 йилда Миср султони Барқуқ вафот этиши муносабати билан «мудофаа иттифоқи» якун топди. Боязид Йилдирим Мисрдаги бекарор вазиятдан фойдаланиб Миср мулкига қарашли ерларни босиб олади (Малатия, Сивас ва б.) ва бу хатти-ҳаракатлардан Мисрнинг ўн бир ёшли янги ҳукмдори Фараж норози бўллади. Амир Темур 1399 йилнинг июл ойида Ҳиндистонни тарк этди ва Озарбайжон ҳудудига келиб, Табrizни қароргоҳ тутди.

Бу пайтда Йилдирим Боязид Амир Темурнинг вассали ҳисобланган Арзинжон ҳукмдори Таҳуртанга элчи йўллаб, ундан Амир Темурга эмас, ўзига бўйсунишни ва барча солиқларни тўлашини талаб этди. Таҳуртан эса бу талаб ҳақида Амир Темурга билдириди. Бу воқеа тахминан 1400 йилда содир бўлди.

Бунга жавобан Амир Темур ўз тилидан котиби орқали Йилдирим Боязидга панду ўгитлардан иборат бўлган бир мактуб ёздирди. Унда Амир Темур ўзининг куч-қудрати, унинг фармонига бўйсунган ерлар, Йилдирим Боязиднинг ўзига тегишли бўлмаган ерларга эгалик қилишга интилиши нотўғрилиги, унинг ҳаддидан ошаётганлиги, ишнинг оқибатини ўйлаши лозимлиги, ўз қадрини билиши кераклиги уқтирилган, жумладан, мактубда шундай дейилган эди: “Сен Фаранг лашкари билан газот ва жанг қилаётганингни эшишиб, то ҳанузгача сенинг диёрингга дахл қилмадик ва у мамлакатга бизнинг нусратли аскарларимиздан бирор зарар этишини хоҳламадик, чунки бу мусулмонларнинг тинчлик-фаровонлиги ва бединларнинг шикасту баҳтсизлигига сабаб бўлгай¹.

кент: 1996.– № 7.– Б.67.

¹Низомиддин Шомий.Зафарнома / Форс тилидан ўтирувчи Юнус-

У хатида ўзининг ашаддий душманлари ҳисобланган Қора Юсуф Туркман ва Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайс билан бўладиган урушда холис (бетараф) мавқеда бўлишилигига ишорат қилди.

Бу талаб, табиийки, шарқ дунёсидаги кўплаб қирол ва шоҳларни ваҳимага солган забардаст подшо Йилдирим Боязиднинг нафсониятига тегди.

У Амир Темур томонидан юборилган элчиларга жуда қўпол жавоб қилди ва “Кўп муддатдан бери унга қарши чиқиб жанг қилишни кўнглимга тушиб қўйганман, ҳозир эса бунга жазм қилдим ва у томонга юзланяпман, агар у келмаса мен Табриз ва Султония томонига бораман”¹, — деб жавоб берди.

Йилдирим Боязид Амир Темурнинг Шомдалиги-дан фойдаланиб, Қора Юсуф Туркман ва Аҳмад ибн Увайснинг гапига кириб Арзинжонни босиб олди. Таҳуртанни Қора Юсуфнинг кишилари асир олди. Унинг ўзи ва оиласини Бурсага юборди².

Шу тариқа Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасидаги дипломатик муносабатлар зиддиятли тус олиб борди ва кескин муносабатларни бошлаб берди.

Бу жавобдан газабланган Амир Темур Рум мамлакати томон юришни бошлади. Дастрасда у Сивосга етиб борди ва у ерни мусаххар қилди, сўнг Обилистон ва Малатияга юзланди. Амир Темур Обилистонни эгаллади, сўнг Малатияга элчи юборди, аммо унинг ҳокими Мустафонинг ўғли Йилдирим Боязид номидан Малатияда ҳокимлик қилар эди. У Амир

хон Ҳакимжонов.— Тошкент: Ўзбекистон, 1996.— Б.284

¹Низомиддин Шомий.Зафарнома.— Б.285.

²Шарафиддин Али Яздий.Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков.— Тошкент: Шарқ, 1997.—Б.249.

Темурнинг элчиларини қаматтириб қўйди. Шундан сўнг Амир Темур Беҳасти (Туркияниң ҳозирги Бесни шаҳри) ва Антоб (Туркияниң ҳозирги Гази Антеп шаҳри) қалъаларини эгаллаб олди¹. Шундай қилиб, Амир Темур усмонийлар давлатига юришни бошлаб юборди.

Амир Темур Беҳасти, Антобни эгаллаб, Дамашқ ноиби Судунга мактуб йўллаб, уни вазиятдан огоҳ этиб, Боязиднинг адабини бериш учун Сивасни эгаллагани, Мисрга томон юриш бошлаганининг сабаби эса Қоҳирада зинданда ётган ўз қариндоши Отламиши озод этиш ва бу мамлакат билан тўғри муносабат ўрнатиш ва ҳоказолар деб изоҳлади². Лекин Дамашқ ноиби Темурнинг бу тарздаги мактубига эътибор бермади ва унинг элчисини чормихга (салбга) тортишни буюрди³.

Амир Темур Усмонлилар билан бўладиган жангда Миср султони хужуми эҳтимоли бўлган сўл томонни кучсизлаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Сурияга юриш қилиб, Ҳалаб, Дамашқни, сўнгра Бағдодни ҳам эгаллади⁴. Темурнинг бу юришидан фурсатни ғанимат билган Боязид Арзинжон ва Камоҳ қалъасини босиб олади.

Вазиятлар кескинлашаётган даврда сулҳталаб обрўли кишилар Боязид Йилдиримни Амир Темур томонидан таклиф этилган сулҳга кўнишини маслаҳат берадилар. Улар “Шундай бир соҳиби давлатга қар-

¹Низомиддин Шомий. Зафарнома.— Б.290.

²Уватов У.Амир Темур ва мамлукийлар— Б.70 .

³Ўша жойда.

⁴Гуломов С.Амир Темур ва Боязид муносабатлари// Шарқшунослик.— Тошкент, 1996.— № 7 — Б.79-80.

ши мухолифат изҳор қилишнинг хосияти бўлмайди, маслаҳат сулҳу иттифоқликдадир” деб Боязид Йилдиримга самимий насиҳат қилдилар. Амир Темур Усмонийлар давлатига қилган иккинчи юришидан аввал Боязид Йилдирим ислом дини қозиларидан ва ўзининг амирларидан элчиларни тайинлаб, Амир Темур ҳузурига юборди. Амир Темур Боязиднинг элчилари билан Қорабоғда учрашди ва уларнинг тинчлик талабида келганидан хурсанд бўлиб уларга марҳаматлар кўрсатди.

Амир Темур элчиларга қўйидагиларни айтди: “Мен табиатан у томонга юзланиш ва мамлакатга лашкар суришни хоҳламайман. Амир Боязид доимо фарангларга қарши ғазот қилаётганлиги сабабли мен фарангликлар қувватланиб, аҳли исломнинг кучсизланишини истамайман. Аммо Қаро Юсуф қароқчи ва йўлкесардир, унинг фитнаю фасодидан мусулмон шаҳарларига етган зарап атрофдаги бегоналарнидан кўра ортиқдир”¹.

У элчилар орқали Йилдирим Боязидга ўзининг қуидаги шарт ва таклифларни билдириди:

- Қора Юсуфни ўлдириш, мамлакатдан ҳайдаб чиқариш ёки уни ўз ҳузурига юбориш;
- Камоҳ қальясини Амир Темур тасарруфига қолдириш²;
- сулҳга биноан Арзинжон ҳокими Таҳуртан баҳодир, Жиржис Баҳодир, Ялмон Баҳодир ва Ҳожи пошо каби саркардаларнинг фарзанд ва яқинларини озод этиши³.

¹Низомиддин Шомий..—Б.323.

²Низомиддин Шомий..—Б.323-324.

³Уватов У.Амир Темур ва мамлукйлар... – Б.70 .

- Усмонийларга тааллуқли ерларни, жумладан, Сивас, Малатия ва Абистонни Боязид тасарруфида қолдириш.

Амир Темур бу талаблар Йилдирим Боязид томонидан бажарилган тақдирда унга жиҳод юришларида ёрдам бериш таклифини билдири.

Боязиддан юборилган кейинги элчилар Амир Темурга Камоҳ қалъаси борасида ҳам ўз узрхоҳликларини айтдилар, унинг талаб ва таклифларига аниқ жавоб бермадилар. Амир Темур уларнинг олдида лашкарини кўрикдан ўтказади ва ўз фикрларини айтиб, унга нисбатан эътиrozларини билдири ва жумладан қўйидагиларни айтди: “Бориб Боязидга айтинглар, шунчалик бўлса-да, мен ҳануз унга нисбатан олижаноблик ва яхши муомала юзасидан иш тутаман, Таҳуртаннинг хонадонини биз томонга жўнатсин ва ўз ўғлини ҳам биз томонга юборсин, токи биз унга шундай инъом-эҳсонлар кўргазайликки, бундайини ўз меҳрибон отасидан ҳам кўрмаган бўлсин, уни фарзандликка қабул қилиб, Рум мамлакатини Йилдирим Боязидга топшираман”¹, — дея яхши таклифларни билдири.

Анқара жангига бўлиб ўтганидан кейин Амир Темур ўзининг енгилган, турк оламининг энг зафарли подшосини хузурига келтириб, уни иззат-хурматини ўз жойига қўйди ва ўртада бўлиб ўтган воқеаларни унтишга қарор қилди. Бу вақтда Йилдирим Боязиднинг ўғли Сулаймон тарафидан Амир Темур хузурига элчилар келди ва унинг ўз отасининг иззат-обрўсини жойига қўйгани учун миннатдорчилик билдири ва ўзининг Амир Темурга бўйсунишини изҳор қилди². Бунга жавобан Амир Темур тақдир саҳифаларида би-

¹Низомиддин Шомий... – Б. 329.

²Низомиддин Шомий... – Б. 342.

тилган ишлар зоҳир бўлди, мен ўтмишни унутаман деб айтди ва “агар у фарзанд келса отасидан ҳам азизроқ бўлади”¹, — деди.

Амир Темурнинг амирларидан Шайх Нуриддин Бурсадан келтирилган қўплаб ўлжалар қаторида Боязид Йилдиримнинг аҳли аёллари ва қизларини ҳам келтирди. Амир Темур уларни Йилдирим Боязид ҳузурига юборди. Боязиднинг ҳарами орасида насроний аёл — серб маликаси гўзал Оливера ҳам бор эди. У Амир Темурнинг талаби билан ислом динини қабул қилди².

Амир Темур Туркияning Тўнузлуг (ҳозирги Денизли) ва Олтинтош номли манзилларига кўчиб ўтган пайтида Йилдирим Боязид билан учрашди ва унга Рум мамлакатини инъом этди³. Бизнинг фикримизча, у ўртада бўлиб ўтган бу нохуш иш учун қаттиқ афсус ва азият чеккан. Ҳақиқатан ҳам бу уруш замонанинг энг катта кулфати эди.

Тез орада Истанбул, Мордин, Измир, Фуча ва бошқа қалъя ва шаҳарлар Амир Темур давлати тасарруфига кирди. Амир Темур Фучадалиги вақтида унга Боязид Йилдиримнинг ўғли Исо Чалабий номидан Қутбиддин исмли элчи келади. У Исобекнинг отасига кўрсатган мурувватлари учун миннатдорчилик билдиради ва унинг Амир Темурга бўйсуниши ҳақидаги хабарини етказди.

Амир Темур Булақ мавзеида бўлиб турган пайтида унга бўйсуниш ҳақида Амир Темур томонидан аввал огоҳлантирилганига кўра, Йилдирим Боязиднинг ўғли

¹Низомиддин Шомий... – Б. 342.

²Шарафиддин Али Яздий... – Б. 264.

³Шарафиддин Али Яздий... – Б. 264-265

Муса Чалабий номидан ҳурматли ва катта обрӯга эга бўлган Шайх Рамазон исмли элчи келиб, у орқали ўзининг Амир Темурга бўйсунишини етказди.

Амир Темур элчини сийлади ва “Ҳар неким воқеъ бўлиб эрди, бўлди. Биз барчадин кечтук. Эмди керакким, ҳеч андиша қилмай бот келгайсан, то ародин шармандалиф кетгай. Ва инояту шафқатимиздин баҳраманд бўлғайсен”, – деган мазмунда хат йўллади.

Бу воқеаларни кузатиб, Амир Темур ўртада содир бўлган бундай фалокатлар, дилхираликларни шармандалик деб атаганини, ҳар иккисининг урушни тўхтатиш учун имкон бор бўлгани ҳолда бу уруш содир бўлганлигини англаб этиш мумкин.

Амир Темурнинг мардлиги шундаки, у Боязидни енггач, усмонлиларни ҳокимият тепасидан бутунлай супуриб ташлаши, у ерда янги бир сулолага имкон яратиши мумкин эди. У геосиёsatда кучайтириш ўrniga tenglashтириш, йўқотиш ўrniga ичдан қулатиш йўлидан борди.

Жанг ва Боязид Йилдиirimning енгилиши билан якун топган муносабатлардан кейин ҳам Амир Темур усмонлиларга яна катта имкониятлар яратди. У Боязид Йилдиirimга катта ҳурмат кўрсатиб, ундан ўч олмади, Амир Темурнинг марҳамати туфайли усмонлилар сулоласи XX аср I чорагигача тарих саҳнасида турди.

ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган ва қарийб бир ярим минг йил бу йўлда сарбонлик қилган. Фақат икки давр: Турк хоқонлиги ва мӯғуллар даврида Буюк Ипак йўли шимолга кўчирилган. Буюк Ипак йўлининг энг сўнгги ривожланиш палласи Соҳибқирон Амир Темур даврига тўғри келади. Буюк Ипак йўли муҳим инновациялар, кашфиётлар ташувчиси вазифасини бажарган. Бу йўл халқлар ўртасидаги савдо-иктисодий, сиёсий, ташқи ва дипломатик, ижтимоий-маънавий ва маданий алоқаларда муҳим роль ўйнаган. Юртимиизда Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳарлар мислсиз даражада равнақ топганди. Аслида Буюк Ипак йўли – ҳаёт йўли, халқлар ўртасида ўрнатилган нажот кўприги эди. Унинг бутун Шарқ ва Farb дунёсида муҳим ўрни бор. Бу йўл 12000 чақиримгача чўзилганди ва Осиёни Европа билан боғлаганди.

Амир Темур ва темурийлар даврида Буюк Ипак йўли ўзининг юқори тараққиёт босқичига кўтарилган ва бу омил ташқи сиёсат ва дипломатияни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган.

Амир Темур салтанати ривожида Буюк Ипак йўлининг алоҳида ўрни бўлгани каби, ушбу алоқа воситасининг тараққиётида Амир Темур ва темурийлар олиб борган сиёсатнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Амир Темур Буюк Ипак йўлининг ҳимоячиси, қурувчиси ва карvonбошиси бўлган. Европа ва Шарқ

давлатларининг аксарияти билан Буюк Ипак йўлиниг Буюк тармоқлари орқали алоқалар ўрнатилган ва ривожлантирилган. Кейинроқ денгиз йўллари нинг очилиши бу йўлнинг аҳамиятини анча сусайтирган бўлса-да, барибир бу йўллар муҳим коммуникация тизимини бажарib қолаверган.

Тарихдан маълумки, цивилизациялар катта салтнат ҳудудларида, иқтисодий ва минтақавий барқарорлик ҳукм сурған, узоқни кўра оладиган, халқ фаровонлиги йўлида жидду жаҳд кўрсатган, илм-фан ҳомийси бўлган давлат раҳбарлари даврида яратилган. Барча соҳаларга бирдек эътибор, имтиомий адолат тамойили, тадбиркорликнинг ривожланишидан манфаатдорлик, умуман, Амир Темурнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ташқи сиёсати мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий, иқтисодий, хусусан, савдо алоқаларини ривожлантиришда катта роль ўйнаган. Бу йўл дипломатик алоқалар билан бирга иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун замин яратган. Буюк Ипак йўлида савдо-сотиқ алоқалари ва уларнинг ҳуқуқий асослари кучайтирилган, ўз даврининг энг илфор инфратузилмалари яратилган. Бу айни пайтда ташқи хавфларни бартараф этишдаги муҳим восита, ҳарбий юришлар олиб бориладиган полигон, дипломатик корпусларнинг миссияларига катта имтиёзлар берувчи расмий йўл бўлиши билан бирга ўз даврининг барча инновацион янгиликларини ташувчи, маданий алоқаларни кучайтирувчи интеграцион майдонга ҳам айланганди. Бу йўл турли минтақа давлатлари ва халқларининг орзу-умиди эди.

Амир Темур бежизга бу йўлни мӯғуллар куч билан

шимолга кўчирган тармоқларини яна қайта бу ерга кўчирмаганди. Буюк Ипак йўли ўз даврининг стратегик устуни, унга сарбонлик қилиш сиёсий пешқадамлик белгиси, ҳар томонлама дунёга чиқиш йўли, тараққиёт калити эди.

Амир Темур кўпгина шарқ ва фарб давлатлари раҳбарларига битган мактубларида ҳам, аввало, халқаро савдо-сотиқ ва тадбиркорларга катта имтиёзлар бериш лозимлиги ва давлат тараққиётига айнан хусусий тадбиркорлар катта таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтган. Бу алоқалар, албатта, Буюк Ипак йўли орқали амалга оширилар эди.

Хусусан, Европа қиролларига ҳам «Сиз савдогарларингизни биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни қизғин, барча иззатларини ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз Сиз томонларга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-икромлар кўрсатсалар. Майли, улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқсиз йўл юрсинлар.

Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар, деган нақлни инкор этиш бефойда»¹, – каби мазмундаги хатларни юборган.

Соҳибқироннинг бу хатти-ҳаракатларини олимлар дипломатияда «қўл чўзиш сиёсати» деб атамоқдалар². Ҳақиқатан ҳам у Европага дўстлик ва ҳамкорлик йўлида қўл чўзган биринчи мусулмон подшоҳидир. Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясидаги бағрикенглик, узоқни кўра олиш қобилияти унинг салтанати довругини етти иқлимга таратган.

¹Керен Л., Сайдов А. Амир Темурнинг дипломатик ёзишмалари / Амир Темур ва Франция – Тошкент: Адолат, 1996. – Б.72-82.

²Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция ... – Б.76-77.

Зеро, унинг кўп миллатли ва турли диний конфессиал салтанатида тинчлик-хотиржамликнинг ўрнатилишига сабаб бўлган омиллардандир.

Унинг халқаро муносабатлари тарихи илмий тадқиқотларда таҳлил этилиши лозим. 2015 йилнинг 1 ноябрь куни АҚШ Давлат котиби Жон Керри темурйлар даврининг шон-шавкати, унинг турли миллат ва элатларни бирлаштирган пойтахт Самарқанд шаҳрида бўлди ва унинг Амир Темур давридаги муҳим ўрнига алоҳида тўхталиб ўтди. Ўзбекистон сафаридан кейиноқ Қозоғистонга йўл олган Жон Керри Остонадаги Назарбоев-Университетда Самарқанднинг тарихда миллий марказ бўлгани ҳақида қўйидагиларни таъкидлади: “Бу турклар, араблар, мусулмонлар, яҳудийлар, юнонлар, арманилар, христианлар, католик ва несторианлар билан бирдай мулоқотда бўлинган шаҳардир. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Нью-Йоркда 70 йил муқаддам ташкил қилинган деб ҳисоблаймиз. Йўқ. Бу Самарқандда бир неча юз йил муқаддам содир бўлган¹.

Бу Соҳибқирон Амир Темур давридаги миллатларро муносабатларга берилган юксак баҳодир.

Том маънода Амир Темур даврида маданиятлар, динлар, миллатлар ўртасида мустаҳкам қўприк ўрнатилган.

Мироншоҳ Мирзонинг ҳам Европа қиролларига ёзган мактубларидан бирида қўйидагилар таъкидланган: «Савдогарларга келсак, истардикки, Сизнинг савдогарларингиз бизнинг юртларда, бизнинг савдо-

¹<http://kun.uz/news/2015/11/04/kerri-bmt-samarqandda-yaratilgan-edi>

²Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншоҳнинг христиан шоҳ ва шаҳзодаларга йўллаган мактуби / Амир Темур ва Франция ... – Б.78

гарлар сизларнинг юртларингизда хавф-хатарсиз, ҳозиргидек юрсалар. Нихоят, агар эътиқодимизда фарқ бўлса ҳам, барибир барчамизнинг манфаатларимиз йўлида дўстликни авайлашимиз даркор¹».

Амир Темур ва темурийларнинг миллатлараро тутвлик ва диний бағрикенглик сиёсати туфайли бу даврда савдо йўллари орқали интеграция жараёнлари кучайиб борган.

Темурий ҳукмдорлардан Шоҳруҳ Мирзонинг Хитой императорига йўллаган мактубидан ҳам карvon йўлларига нақадар катта эътибор берилганини англаш мумкин. У бу ҳақда: “Сайёҳ ва савдогарлар учун йўлларни очиқ тутсалар, токи дўстлик ва муҳаббат сабаблари таъкидланиб, бирлик ва яқдиллик воситалари қувват топса (бинобарин) мамлакатлар атрофларидағи халқлар тоифалари роҳатга эришса, фуқароларнинг барча табақалари орасида тириклик воситалари тартибга тушса»² – дея алоҳида таъкидлаган.

Юқоридагилардан кўринадики, Амир Темур ва Темурийлар Буюк Ипак йўлига давлат ва халқ фаровонлиги, хавфсизлигини таъминлаш асосларидан бири сифатида қараганлар.

Шунингдек, давлатнинг сиёсий, иқтисодий қудратини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, дипломатик ва маданий алоқаларни кучайтириш мақсадлари ушбу йўлга алоҳида эътибор беришни тақозо этган.

Соҳибқирон салтанатида 12000 чақирим узунликдаги Буюк Ипак йўли орқали кўплаб шарқ давлатлари

¹Бўриев О.Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё, – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.– Б.123.

билин ҳар томонлама алоқалар үрнатилди. Шунингдек, Буюк Ипак йўлиниң Ўрта ер денгизига чиқиши орқали Фарбий Европа давлатлари билан ҳам узвий савдо-иқтисодий ва дипломатик алоқалар үрнатилди. Буюк Ипак йўли ўша даврда том маънода халқаро кўприк вазифасини ўтаган. Ана шу муҳим йўлниң асосий тармоқлари Амир Темур давлатидан кесиб ўтарди.

Амир Темур тадбиркорларнинг фаолиятларини кафолатлаш мақсадида Буюк Ипак йўлиниң иш фаолиятини маълум бир қонун-қоидалар, унинг ҳимоясини кафолатловчи ҳуқуқий негизлар асосида шакллантирган.

Биринчи навбатда Буюк Ипак йўлиниң бекатлари – ёмлари таъмиранган ва баъзи ерларда янгилари бунёд этилган. Йўлларда карvonларнинг дам олишини таъминловчи карvonсаройлар қурилган. Бу карvonларни маҳаллий ҳокимликлар томонидан қўйилган ҳарбий қўриқчилар ҳимоя қилиб, бир манзилдан иккинчи манзилга етказиб қўйган ва ўз навбатида бошқа манзилдан келувчи кишиларни ўzlари ҳамроҳлигида белгиланган манзилгача олиб келиб қўйишган.

Буюк Ипак йўлида ўз дипломатик миссиясини бажарган Руи Гонсалес де Клавихо ўзига ва Миср элчиларга кўрсатилган эътибор ҳақида алоҳида эслатиб ўтган. Масалан, Миср элчилари 20 тача ҳарбий суворий қўриқчилигида Самарқандга йўл олганини у ўз кўзи билан кўрган ва ва ўз “Кундалиги”да ёзиб қолдирганди¹.

¹Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.–Б. 107.

Руи Гонсалес де Клавихонинг маълумотларига кўра, элчиларнинг от-увовлари ҳар куни янгисига алмаштириб турилган, бир кунлик масофанинг сўнггида баъзан 100 та, баъзан 200 та янги отлар йўловчилар учун тайёрлаб турилган¹.

Клавихо “Бундай отлар кимсасиз жойларда ҳам тайёрлаб қўйилган. Кимсасиз ерларда Амир Темур фармони билан маҳсус мусофирихоналар барпо этилган. Отларни боқиб парваришловчи маҳсус анчо (отбоқарлар) гуруҳи мавжуд бўлган”² – дея эслатиб ўтган.

Улардан бир-иккитаси ҳатто карвонлар билан иккинчи манзилгача ҳамроҳ сифатида борган ва ўша отлар билан бошқа йўловчиларни олиб орқага қайтиб келган³.

Клавихо йўлларга қўйилган маҳсус устунлар ҳақида ёзиб қолдирган. Устунлар карвон йўлларининг масофа ўлчови бўлиб, улар бир чақирим ерга ўрнатилган⁴.

Клавихо Амир Темур давлатида йўлларни тез босиб ўтиш усули жорий этилгани ҳақида хабар берган. Уч кунда етиш мумкин бўлган масофани улар бир кунда босиб ўтган. У подшоҳ тезлаштирилган алоқа воситаси орқали ўз ерлари ва сарҳадларининг ҳамма бурчакларидан бир неча кун ичида хабар олиб туради.

Бу омиллар ўша даврда ўзига хос инфомрация, коммуникация ва почта тизими мавжуд бўлганлигига далолатдир⁵.

¹Клавихо... – Б. 127.

²Ўша ерда.

³Ўша ерда.

⁴Клавихо... – Б. 128.

⁵Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. – Ташкент: Адолат, 1995. – С.65.

Маҳаллий ҳокимият ушбу карвонларнинг ҳарақатланишига жавобгар бўлган. Натижада карвонларнинг бир манзилдан иккинчи жойга бехатар етиб бориши таъминланган. Соҳибқирон карвон йўлларида кимда-ким зарап кўрса бундай ҳуқуқбузарликларга жавобгарликни шу ҳудудларнинг ҳоким ва бошқа маъмурларига юклади. Заарни амалдорлар ҳиссасидан ундириш қоидасининг жорий этилиши халқаро савдо йўлидаги ҳуқуқий кафолатлардан бири бўлиб қолган.

Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган шаҳарлар, аввало, Самарқанд Амир Темур даврида юқори даражада равнақ топган.

Самарқандга дунёning барча тарафларидан саводгарлар келиб кетган, бу ерда кўплаб дўкону бозорлар, ҳунармандлик устахоналари сон-саноқсиз бўлиб, маҳаллий маҳсулотлар четга ҳам сотилган.

Саводгарлар ҳам бу жараёнлар таъсиридан табақаланган ва тужжорлар гуруҳи уларнинг энг нуфузли қатлами бўлиб, улар асосан ташқи савдо билан шуғулланишган.

Испан қироли Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга элчилик миссияси ҳам ўша даврнинг оламшумул воқеаларидан бири эди.

Руи Гонсалес де Клавихо Буюк Ипак йўлининг энг йирик шаҳарларидан Табриз шаҳри ҳақида анча мұфассал маълумотлар бериб ўтган.

У “Шаҳарнинг энг ораста ва тор кўчаларида турили-туман нарсалар сотилади. Кўчаларда яхши қурил-ган дўконлар мавжуд. Кўча ва тор кўчалар оралиғида қасабаларга ўхшаган кўп эшикли бинолар бўлиб, бу бинолар ичида шинам дўконлар жойлаш-

ган. Бу кӯчаларда сандал, тафта шоҳи, ип газламалар, ипак ва марваридлар сотилади. Савдо растасида яна кӯплаб хар хил нарсалар бор. Табриз шовқин-суронли, гавжум савдо шаҳри¹” – дея бу шаҳарнинг савдо маркази бўлгани ҳақидаги бошқа қизиқарли маълумотларни келтириб ўтади.

Соҳибқирон Буюк Ипак йўлини мустаҳкамлаш орқали ўз давлати ва қўшни давлатларнинг мудофаа ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадларини амалга оширишга ҳам ҳаракат қилган. Амир Темур замонида давлатларнинг тулаш минтақаларида йирик божхоналар барпо қилинди. Булардан бири Кавказ тоф тизмаларининг Каспий денгизига тулашган ерида жойлашган Дарбанд божхонаси, иккинчиси ҳам шу ном билан аталиб, Самарқанд билан Балх ўртасида жойлашган Шаҳрисабздан икки кунлик масофада барпо этилган. Ана шу божхоналар марказий хазинага ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ ўтказар эди².

Клавихо Амир Темур салтанати чегарасида иккита Темур дарвоза кириш ва чиқиш эшиги бўлганлигини эслатиб ўтган:

“Кичик Ҳиндистондан (Афғонистондан) Самарқанд салтанатига кириладиган бошқа йўл бўлмаганилиги сабабли, мазкур тоф йўли Самарқанд салтанати учун муҳофазавий нуқта ҳисобланади. Мабодо Самарқанд аҳолиси Ҳиндистонга борадиган бўлса, улар учун ҳам шу йўлдан бошқа йўл йўқ эди. Темурбек тасарруфида бўлган Темур дарвоза унга катта фойда

¹Клавихо... – Б. 109-110.

²Зайнуддинов О.З. Ўзбекистонда божхона тизими ва унинг ўзбек давлатчилигига тутган ўрни (1991-2001): Тарих.фан.номз....дисс. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – Б. 14.

келтиради, чунки Кичик Ҳиндистондан (Афғонистондан) Самарқандга ва аксинча, ундан бошқа мамлакатларга йўл олган савдогарлар фақат шу Темур дарвозадан ўтадилар”¹...

Маълумотларга қараганда, бу даромадлар Австрия ёки Дания давлатларининг йиллик даромадларидан қолишмас эди. Айрим йиллари бу даромадлар ҳатто Амир Темур қўл остидаги барча мамлакатлардан келадиган ер солиғи миқдори билан тенглашарди².

Буюк Ипак йўли орқали Амир Темур нафақат мудофаа, тинчлик, барқарорлик, яхши қўшничилик ва савдо-иқтисод алоқаларини ривожлантирган, балки геосиёсий мақсадларини ҳам амалга оширган.

Ҳали денгиз йўллари очилмаган даврда ягона алоқа воситаси бўлмиш Буюк Ипак йўли халқаро майдонда катта аҳамият касб этган ва қайси давлат бу йўлда сарбонлик қилса, у катта иқтисодий ва сиёсий имкониятларга эга бўлган.

Тарихдан маълумки, Буюк Ипак йўлига сарбонлик қилиш учун катта курашлар кетган ва унинг бизнинг давлатимиздан ўтган катта тармоғи, ҳатто шимолга кўчирилган (Турк хоқонлиги, мўгуллар даври).

Соҳибқирон Амир Темур мўгуллар даврида Самарқанддан Сарой Беркага кўчирилган Буюк Ипак йўлининг энг муҳим тармоғини яна аввалги ҳолатига қайтарган, яъни карвонлар яна Самарқанд орқали юрадиган бўлган.

Амир Темур маъмурлари Буюк Ипак йўли ва бошқа йўлларга қўйилган мингта чопқунчи, мингта тужа ва мингтан от минган хабаргирлар, йўлларга ва работлар-

¹Клавихо... – Б. 145.

²Амир Темур жаҳон тарихида.– Тошкент: Шарқ, 2001.– Б. 90.

га тайинланган масъул кишилар орқали ҳам четдан кирган кишиларнинг мақсадларини аниқлаштирган.

Самарқанд салтанатидан бошқа юрга бораётган киши, ҳатто шу атрофда яшаса-да, қаердан ва қаерга бораётганлиги қайд этилган ёрлиқ кўрсатмаса, нариги соҳилга ўтказилмайди. Самарқанд салтанатига эса ҳеч қандай ҳужжатсиз bemalol ўтиш мумкин, — деб маълумот беради Клавихо¹. Ҳатто Самарқанддан маҳсус ёрлиққа эга бўлган кишиларгина бошқа шаҳарларга бора олиши мумкин бўлган².

Ушбу маълумотлар Амир Темур салтанатида ўзига хос виза тизимиға ўхшаш тизим ишлаб турганидан далолат беради. Унинг гувоҳлик беришича, салтанатга кирган кишилардан бундай ҳужжат талаб қилинмаган.

Соҳибқирон салтанатида маҳсус тайёргарликдан ўтган минглаб ҳарбийлар давлат чегараларини, умуман, салтанатни қўриқлаган. Шунингдек, мамлакат учун катта хавф туғилганда армияни сафарбар этиш қоидалари ҳам ишлаб чиқилган. Хавф-хатарларга бой ўрта асрларда мамлакат мудофаасини яхши тақомиллаштириш орқали Амир Темур давлатдаги тинчлик ва барқарорликни сақлашга эришганлигини англаш мумкин. Албатта бу вазифалар, аввало, Буюк Ипак йўлининг ҳимоясини мустаҳкамлаш билан ҳам bogliқ bўлган.

Амир Темур Буюк Ипак йўлига алоҳида эътибор бериш ва ундан самарали фойдаланиш орқали дипломатия ва ташқи сиёсатини мустаҳкамлади ва интеграция жараёнларида илк саҳифа очди.

Буюк Ипак йўли илму фан тараққиётида ҳам муҳим

¹Клавихо... — Б. 143.

²Клавихо... — Б. 142.

ўрин тутган. Турли мамлакатлардан келган ва турли томонларга юртимиздан кетган олимлар, сайёхлар, ҳатто савдогарлар ҳам бир вақтнинг ўзида илм-фан даракчилари бўлиб хизмат қилганлар. Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳарларнинг маданий жиҳатдан бошқа шаҳарларга нисбатан равнақ тоганлигининг сабабларидан бири ҳам шундадир.

Демак, Буюк Ипак йўлида савдо-сотиқнинг ривожланишида, аввало, ўз даврининг энг илфор ва профессионал даражада ташкил этилган дипломатия мактабининг ўрни ва роли катта бўлган. Ана шу амалиёт сабабли 27 давлатни ўз ичига олган салтанатни бошқариш ва ташқи давлатлар билан барча соҳаларни ривожлантириш йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, ташқи сиёсат ва дипломатия Амир Темурнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга жавоб берадиган ва бугунги кун учун ҳам аҳамиятли бўлган дипломатияси ва ташқи сиёсатини, унинг узоқ ва яқин давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиш, ташқи сиёсатда қандай масалаларни ва қай усусларда ҳал қилиш йўлларини ўрганишимиз лозим.

Ушбу китобда Амир Темур давлати ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, унинг ўзига хос хусусиятлари, ёзишма мактубларнинг давлатчиликни мустаҳкамлашга кўрсатган таъсири таҳлил этилган.

Бир томондан ҳали Чингизий мӯғулларнинг хавфи кучли эканлиги, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, Чигатой улусига эгалик қилиш, иккинчи томондан, Буюк Ипак йўли устидан назоратни қўлга олиш муаммоси Амир Темурдан тўғри ташқи сиёсат йўналишларини белгилашни талаб этган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг мӯғул зулмига зарба бериши унга янгича муаммоларни туғдирди. Вази-

ят Амир Темурдан Хоразм, Олтин Ўрда, Мўғулистон, Эрон, Ҳурросон каби ўз даврининг кучли давлатлари билан янгича, бир-биридан фарқланувчи ташқи сиёсат йўналишларини белгилашни тақозо қилган.

Амир Темур, аввало, Чигатой улусининг таркибий қисми бўлган Шарқий Хоразмни ўз давлати ҳудудига қўшиб олиш, шу орқали шимолий чегараларни мустаҳкамлаш, мазкур ҳудудда кучли мудофаа маконини яратиш, Олтин Ўрданинг Эрон ва Озарбайжонда ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслик, уни иккинчи даражали мамлакатга айлантириш, Даشتни Қипчоқнинг шимолий қисмига ўз таъсирини ўтказиш каби мақсад ва вазифаларни қўйган.

Унинг ташқи сиёсат йўналишида Миср, усмонлилар давлати катта ўрин тутган. Амир Темурнинг режаларига дунёда етакчи мавқега эга бўлган давлатларнинг раҳбарлари — Миср султони Барқуқ, усмонлилар султони Боязид Йилдирим халақит берадётган, бунинг устига улар Олтин Ўрда билан бирга Амир Темурни янчидан ташлашга интилган. Манфаатлар, ҳудудлар устидаги тортишувлар ҳам йирик давлатлар орасидаги зиддиятларнинг кескинлашишига катта таъсир кўрсатган.

Халқаро майдонда вазиятлар кескинлашаётган бир пайтда Амир Темур тўғри дипломатик тадбир ва усуслар орқали ўз олдида турган мураккаб тўсиқларни енгиб ўтди. Масалан, қарийб йигирма йиллик зиддиятларга қарамай Миср ва Амир Темур давлати ўртасида йирик жанглар содир бўлмаган.

Шунингдек, у Европа давлатлари билан ҳам дўстона, ҳамкорлик ва дипломатик алоқаларни ўрнатишга эришган. Бу эса салтанатнинг наинки шарқда, балки фарбда ҳам обрўси ошишига сабаб бўлган.

Ууман олганда, Амир Темурнинг ташқи сиёсатда қўллаган тадбирлари давлатнинг сиёсий, мудофаа ва иқтисодий қудратини кучайтиришга хизмат қилган.

Унинг дипломатиясида бугун қўтарилаётган ягона макон барпо этиш ва интеграцияни кучайтириш асосий фоялардан бири бўлган эди.

Амир Темурнинг қатъияти, тиришқоқлиги, мақсадга интилувчанлиги ва имкониятдан максимал фойдаланганлиги, тезкорлиги дипломатик ютуқларининг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Музокаралар орқали низоларни бартараф этиш Амир Темур дипломатиясининг муҳим ютуғи бўлиб, унинг стратегияси дипломатиясини кучайтиришга хизмат қилди. Соҳибқирон ўз даврининг бошқа ҳукмдорларидан фарқли равишда маслаҳат ва кенгашга асосланиб, дипломатик асосларни кучайтирган.

У низоли масалаларда вақтни чўзиб, дипломатия йўлини тутган ва рақибининг тўғри хуносага келишига имкон берган. Амир Темур кечиравчан дипломат бўлиб, пасткашликка қарши сахийлик, сабр-тоқат, кечиравчанлик ва бағрикенглик йўлини тутган. Ҳар қандай шаройтда ҳам унинг дипломатиясида ютқизиқсиз ва талофатсиз мақсадга эришиш бош фоя бўлган. Амир Темурнинг вазиятларга қараб дипломатиянинг насиҳат, огоҳлантириш, қўрқитиш ва овоза тарқатиш каби усулларидан фойдаланган. У рақибларининг заифликларидан усталик билан фойдаланган ва ғалабаларга дипломатияда қўллаган тўғри тадбирлари орқали эришган.

Амир Темур салтанатида элчи танлаш масаласига алоҳида эътибор берилди, уларга юрт рамзи сифатида қаралган. Шунга монанд саройдаги дипломатия

корпуси мукаммал тузилган бўлиб, у муентазам ра-вишда фаолият юритган. Дипломатик муносабатлар шахсан Амир Темур номидан олиб борилган.

Шуниси эътиборлики, халқаро учрашувлар, рас-мий маросимлар аниқ ва санъаткорона ишлаб чиқил-ган қоидалар асосида олиб борилған. Бу қоидалар-нинг юксак меъморий-бадиий ечим, этика, эстетика ютуқлари билан бойитилганилиги ҳам давлатнинг об-ру-эътибор қозонишида муҳим роль ўйнаган.

Турли давлатлар билан олиб борган ёзишмаларида Амир Темур яхши қўшничилик, ўзаро ёрдам, иқтисо-дий ҳамкорлик ғояларини тарғиб қилиш билан бирга, ўзининг амалга ошириши лозим бўлган геостратегик мақсад ва вазифаларини аниқ баён этган.

Ёзишмалар Амир Темур ўз давридаги бошқа мусулмон ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ ғайридин қиролларга нисбатан дўстона муносабатда бўлгани ва уларни истиқболли ҳамкор сифатида қабул қилганига шоҳидлик беради. Европа давлатлари билан алоқаларда тез-тез элчилар алмашиниб туриши ва улар орқали дўстликнинг мустаҳкамланиши ҳамда ҳар икки мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшувчи савдогарлар, тадбиркорлар тоифасига катта имкониятлар яратилиши томонлар ўртасида келгусида дўстлик алоқалари ривожланишига сабаб бўлган. Амир Темур тарихда илк маротаба мусулмон шарқидан насроний ғарбга дўстона ва ҳамкорлик йўлида қўл узатган, машриқу мағриб ўртасидаги ғовларни олиб ташлашга интилган жаҳонгир сифатида тарихга кирган.

Умуман олганда, унинг ташқи сиёсати ва диплома-тияси салтанатда миллий давлатчиликнинг тараққий этишига ижобий таъсир кўрсатган ва салтанатнинг обрўси ортган.



Константин Кудряшовнинг «Аргументы и факты» газетасида чоп этилган «Буюк оқсоқнинг тугалланмаган йўли» номли мақоласига
РАДДИЯ

Ушбу мақола «Аргументы и факты» газетасида асли касби журналист бўлган Константин Кудряшов томонидан чоп этилган.

Мақола «Темурланг Испанияни қўлга киритишга даъвогарлик қилган, турк султонини қафасда сақлади, аммо Рус ерларини босиб олмади, битта шаҳарни олиш билан чекланди ва ўз қўшинини ортга қайтарди» деган фикрлар билан бошланган. Шу пайт-гача Амир Темурга нисбатан жуда кўп туҳматлар, беадабликлар қилинган, лекин уларнинг бирортасида Амир Темурнинг Испанияга кўз тиккани ҳақида гапирилмаган. Чунки бу ақя бовар қилмайдиган дараҷадаги ёлғон сафсатадир. Амир Темур Европа қироллари билан дўстона муносабатларни ўрнатган, улар билан сиёсий, дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишида ташаббускорлик кўрсатган. Айниқса, Испания билан бўлган муносабатлар ўзгача ва илиқ бўлган. Соҳибқирон ўзининг истиқболли ҳамкорларига ҳурмат-иззат билан муносабатда бўлган. Кудряшов Амир Темурнинг Испания қиролини «ўғлим» деб атаганини нотўғри талқин этган. Шарқ одобида ўзидан ёш бўлган ҳукмдорларга ҳам ҳурмат билан «ўғлим» деб ёндашиш ҳолати ҳам мавжуд. Бу сўзни Амир Темур қулга нисбатан эмас, фахр билан ўзидан анча ёш, узоқни қўра олувчи Испан қиролига нисбатан айтган. Амир Темурни

Европа мусулмон шарқидан ғарбга дўстона ниятда қўл узатган биринчи давлат арбоби сифатида тан олади. Унинг бу хатти-ҳаракати ўша давр учун ақл бовар қилмас қаҳрамонлик эди. Диний қарашлар асосида яшаган ғарб ва шарқ кишиси учун бу тамоман янгилик эди. Амир Темур бу иши билан янги замонни бошлаб берган ўрта асрларнинг янги кишиси эди. Унинг бу хизматларини француз олими Люсьен Керен ва бошқалар “қўл чўзиш сиёсати” деб баҳоламоқдалар. Европада Амир Темурни севиб ўрганишади. Амир Темур Европа ҳукмдорларига «Сиз савдогарларингизни биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни қизғин, барча иззатларини ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз Сиз томонларга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-икромлар кўрсатсалар. Майли улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқсиз йўл юрсинлар. Дунёни савдогарлар фаровон қиласидилар, деган нақлни инкор этиш бефойда», — каби хатларни юборган.

Хильда Хукхэм, Люсьен Керен каби олимлар бу улуғ сиймонинг ҳаётини ўрганишга ўз умрларини бахшида қилганлар.

Амир Темурнинг одил сиёсати асрлар оша кўплаб давлат раҳбарларига андоза вазифасини ўтаган. Бу даврда миллатлараро муносабатлар тарихида янги саҳифалар очилади. Америка олими Р. Нельсон «Темур салтанатга фақат бир маданиятни мажбуран киритмасдан, аксинча турли маданиятларни қўшиб бугунгача яшаб келаётган Евроосиё гоясини шахсан ишлаб чиқкан биринчи шахс эди»¹ дея Амир Темур-

¹Nelson R. Timur is military strategist and geopolitican // A modern interpretation in World History. – T.:1996. – P.17-19.

нинг бошқа халқлар билан ўрнатган ўзаро муносабатлари кейинчалик глобаллашув ва интеграциянинг дастлабки саҳифасини очганлигини эътироф этади. Амир Темурнинг Шарқ ва Фарб халқлари тарихидаги ўрни катта. У минтақалар учун катта имкониятлар эшигини очди, ўрта аср кишилари онгига ягона макон тушунчаларининг пайдо бўлишига замин яратди. Кудряшовнинг бу қаби илфор фикрларни билмаслиги унинг бир-иккита интернет материаллари асосида фикр юритганидан, бу даврни ва шавкатли бобомиз Амир Темур шахсини чуқур билмаганидан далолат беради. Кудряшов Амир Темурга тұхмат ва асоссиз гаплар билан ёндашар экан, буюк рус олим А.Ю.Якубовскийнинг Амир Темур Европа халқларига икки марта катта хизмат күрсатганини – бириңчидан, Олтин Ўрдани енгиш билан Русга, иккінчидан, Йилдирим Боязидни енгиш билан Европа халқларига катта хизматлар қылганини эътироф этганини ҳатто билмайди ҳам. Маълумки, Олтин Ўрда енгилгандан кейин рус ерлари мўгуллар зулмидан озод бўлган. Ана шу даврдан рус князликлари мустақилликка эришган, айнан уларнинг мустақиллик тарихи Амир Темур сиймоси билан боғлиқдир. Амир Темурнинг хизмати туфайли рус князликларининг Москва атрофида бирлашиш жараёни бошланган. Амир Темур Йилдирим Боязидни енгиш билан эса туркларнинг Европага кириб бориш жараёнини 50 йилга тўхтатиб қўйган. Шу воқеа сабаб ўша даврдаёқ Амир Темурга халоскор сифатида Францияда олтиндан ҳайкал ўрнатилган. Амир Темурга нисбатан баҳо беришда совет давридан қолиб кетган баъзи қолоқ ва асоссиз фикрлар, афсуски,

баъзи муаллифларга ҳали ҳам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунга муаллифларнинг янгиликлардан ортда қолиб кетаётганини ҳам сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Амир Темур ўз даврининг таомили бўйича адолат ва ҳақиқатгўйлик билан иш юритган. Тарихда қон тўкмаган ҳукмдорни учратиш қийин. Масалан, Юлий Цезарь сиёсати, Атилла, араблар, мўғуллар истилолари, Наполеон Бонапарт, мустамлакачиларнинг Америка ҳиндуларига нисбатан қўллаган ишлари, подшо Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик фаолияти ва ниҳоят бугунги кундаги “демократия экспорти” ниқоби остида қора кучларнинг минтақаларда тартибсизликларни келтириб чиқаришга уринишлари, катта давлатларнинг “сиёсий ўйинлари” туфайли қурбонларнинг кундан-кунга қўпайишига олиб келмоқда. Бугунги кун ҳам урушлардан холи эмас ва холи бўлиши ҳам қийин масала. Мақолани ўқиш асносида муаллифнинг бу давр бўйича мутахассис эмаслиги, яъни бу даврни яхши билмаслиги яққол қўриниб туради. Тарихчи мутахассис қайси бир даврга баҳо берса, ўша давр контекстидан келиб чиқиб масалага баҳо беради, фикр юритади. Урушлар инсоният тарихининг ажралмас қисми, реал воеликка асослансанак, ўша замон нуқтаи назаридан талқин қилинганда нормал воқелик ҳисобланган. Ҳудудлар ўртасидаги курашлар, манфаатлар тўқнашуви, инсониятни аввалдан урушларга бошлаб келган. Ўша давр мисолида Амир Темур даврида ҳам худди бугунги каби турли бир-бирига қарама-қарши кучлар катта урушларнинг бошланишида муҳим роль ўйнаган. Кичик давлатлар катта давлатларнинг таъсири остида бўл-

ган, яъни бир-бирига қарама-қарши иттифоқлар юзага қелган. Амир Темур ана шу каби воқеалар занжирида ўз душманларинингadolatsiz хуружлари ва муносабатларидан азият чеккан ва уларга қарши кураш олиб борган. Кудряшов алоҳида таъкидлаганидек, Амир Темур ҳеч қачон жаҳонда ягона қирол бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, аммо вазиятлар ўз душманларининг жиноятлари учун жазо беришни талаб этган. Амир Темур агар жаҳон қироли бўлишни истаса, Йилдирим Боязиднинг фарзандларига усмонийлар ерларини қайтариб берармиди? Ахир, бу уруш Амир Темурнинг эмас, айнан душманларининг айби билан келиб чиқмаганиди? Амир Темурнинг марҳамати билан бу давлат XX асрнинг биринчи чорагига қадар ҳукм сурмадими? Мисрни босиб олишни истаса, мамлуклар султонини яна таҳтда қолдирамиди? Ҳарбий доктринага эга бўлган Амир Темур учун Рус ерларини эгаллаш муаммолиди? Ҳали ўзи мўғуллар зулми остида бўлган тарқоқ князликлар Амир Темурга қарши қандай ҳарбий куч-қудратга эга бўлган бўлиши мумкин эди? Бу ва бунга ўхшаш мақолаларда Амир Темурни ўта ваҳший, ҳеч кимни аямагани, инсонларнинг қонини бесабаб тўkkани ниҳоятда бўрттириб кўрсатилади. Уларда Амир Темурнинг саводсизлиги, ёшлигига қароқчилик билан шуғуллангани каби Амир Темур шахсига зид фикрлар ижобий фикрлар билан бирга илдиз отиб келмоқда. Бунга сабаб Ибн Арабшоҳ каби Амир Темурга нисбатан душманлик руҳида бўлган инсонларнинг асалари ҳисобланади. 1401 йилда Амир Темур Дамашқни забт этган вақтда Ибн Арабшоҳ 12 ёшда эди. У 1401 йилда асир сифатида Са-

марқандга келтирилган, бу ерда 1408 йилгача яшаган ва 19 ёшида ўз ватанига қайтташып, 1419 йилда Амир Темур даври тарихини ёзис қолдирған. Бу асар Амир Темурға нисбатан салбий ва душманлық муносабатида, манба ва далилларга кам асосланиб, ўзининг ички субъектив таассурот ва муносабатлари асносида ёзилған. Ибн Арабшоҳ Амир Темур вафот этган пайтда 16 ёшда бўлған ва у бу ёшда давлатда юз берган воқеаларни тўлиқ англаб етмасди. Руи Гонсалес де Клавихо, Шильтбергер каби муаллифлар ҳам Амир Темурнинг асл сарой ва юришлар тарихини, жангларга сабаб бўлған омилларни яхши билмаган, баъзи миш-мишларга таяниб йўл-йўлакай баъзи сўзларни ёзис қолдирғанлар. Амир Темурнинг юришлари, уларнинг объектив сабаблари Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларида батафсил баён этилган. Амир Темур даврида ҳам бугунги каби жангари кучлар мавжуд бўлиб, улар «авбошлар» деб аталған, карвон ва ҳаж йўлларида қароқчилик қилған, аҳолига зулм ўтказған. Амир Темур айнан уларга қарши курашлар олиб борган. У ўзига нисбатан нонкўрлик қилған, кечирилмас жиноятлар содир этган кишиларни аёвсиз жазолаган. Масалан, Исфаҳонда Амир Темур томонидан қўйилған 3000 аскар Исфаҳон авбошлари томонидан ўлдирилған. Шарафиддин Али Яздий «ул жоҳиллар беоқибат, подшоҳ амриға бўйун қўймай, уч минг мусулмон кишини ноҳақ ўлтурдилар. Ул жиҳатдан бу ҳолат аларға тегди ва мундоқ воқеъя Исфаҳонда ҳаргиз воқиъ бўлмоғон турур»¹ – деб Ис-

¹Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома.— Тошкент: Шарқ, 1997. —Б. 115.

фаҳон воқеасига шарҳ бериб ўтган. Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон эса Амир Темур ёрдамида тахтга келса-да, унга кўп марта нонкўрлик қилган, Амир Темурнинг ташқи юришлари вақтида Мовароуннаҳрга юришлар қилиб, талон-тарожлар уюштирган. Амир Темурнинг энг муҳим мақсадларидан бири ўз давлатининг шимолий чегаралари хавфсизлигини таъмин этмоқчи ва бу масалани Хоразм сўфийлари билан ҳал қилмоқчи эди. Сўфийлар эса Амир Темурга душманлик муносабатида бўлиб, у билан ҳатто музокаралар олиб боришни истамас, қулай фурсат келганида Темур давлатига тез-тез босқинлар уюштириб туар эди. Хоразм сўфийларининг калтабин хатти-ҳаракатларини ҳам Амир Темур беш марта гача кечирган, уларнинг қайта-қайта ваъдаларини бузишлиридан кейин Амир Темур уларни жазолаб, шимолий ҳудудда тартиб-интизом ўрнатган. Ҳиндистон юришини олайлик. Амир Темур даврида Ҳиндистон ўзаро нифоқлар ва биродаркушликлар оқибатида бошсиз ва жиловсиз ўлкага айланиб қолган эди. Улуғ амир қурултой чақириб ўз қарорини амирларга маълум қилди: «Деҳли таҳт ворисларининг ўзаро курашларидан фойдаланиб, биз Ҳиндистонга юриш бошлашга аҳд қилдик, токи бу ўлка биз Амир Темур Кўрагондан ўзга хоқонни тан олмагай»¹. Амир Темур «авбош»ларга қарши курашиб, салтанатда қонун устуворлиги ва адолат тантанасига эришган. Амир Темур давлатида шарқона демократик тартиботлар мавжуд бўлган. У давлатда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш учун 27 та қарам давлатлардан келган маҳаллий маъмурлар билан очиқдан-очиқ мулоқот-

¹Кэрэн Л.Амир Темур салтанати... – Б.84.

лар олиб борган. Қурултой ўша даврда муҳим кенгаш вазифасини бажарган. «Қурултойда Амир Темур ула-моларга қараб, ўтган асрлардаги уламолар султонларга яхшилик ваadolat бобида йўл кўрсатганлар, сизлар нега менга раҳнамолик қилмайсизлар ва мен бажаришим вожиб ва лозим бўлган нарсаларни менга айтмайсизлар?» деб мурожаат қилган¹. У «Менга таҳсин айтиш ва менинг мижозимга мувофиқ гапиришингиз менга хуш келмайди, вазифа шуки, сизлар ҳар тоифа, ҳар бир томондан келгансизлар, у томоннинг яхши ҳам ёмон аҳволу авзойини менга айтинглар ва ҳеч нимани мендан яширманглар. Мен бу сўзларни сизлар менга ишонч билдиринглар ёки ундан менинг мулкимга бирор фойда етсин, деб айтаёттганим йўқ, Ҳазрати парвардигор (унинг шаъни ортсин) бизга берган бу шавкат ва улуғлик бунга ўхшаш такаллувларга эҳтиёжманд эмас, назаримиз ҳазрат зулжалол (Аллоҳ) ризосини ҳосил қилишдирки, унинг бизга кўрсатган қарамлари эвазига неъматлари шукрини бир оз бўлса-да, адо этган бўлайлик»² – дея асосий вазифасиadolat ва халқ фаровонлиги, тинчлик-хотиржамлиги йўлида хизмат қилиш эканлигини кўп бора таъкидлаган. Амир Темур ўзига қадар ўтган подшоҳларнинг ичида энг камтари,adolat-парвар, бунёдкор ва билимдони бўлган. Унинг ҳаракатлари туфайли Мовароуннаҳр 150 йиллик инқизордан кейин, наинки аввалги ҳолатига келган, балки у янги асосларда ривожланиб, дунё марказига айланиб борган. Самарқанд ва давлатнинг барча сарҳадларида бунёдкорлик ишлари олиб борилган.

¹Низомиддин Шомий. Зафарнома... – Б.369-370.

²Низомиддин Шомий. Зафарнома... – Б.370.

Уларга тарихда мисоллар жуда кўп. Амир Темур Ҳайбар довонидан ўтаётганда қўшин бироз ҳордиқ чиқаради. Улуғ амир қалъа девори ташқарисида чиқиб турган бир булоқнинг лаззатли сувидан татиб кўргач, аҳолининг ишини осонлаштириш учун Нағз қалъасининг баланд ва қалин деворларини буздириб ташлайди ва ўз қўшини билан бирга икки чақирим наридаги булоқ сувини ўз ичига олган янги девор бунёд қилади. Тоғда янги карьер ҳам очилади. Бу қалъа девори бир ҳафтада қуриб битказилган, қўшин амирлари ҳам елкаларида тош ташиб хизмат қилишган¹. Амир Темур юришлари пайтида қўшинга кўплаб ариқлар, каналлар, иморатлар бунёд эттирган. Амир Темур даврида тадбиркорлик, савдо-иқтисод, ҳунармандчилик, маданият, илм-фан ва барча соҳалар юқори чўққига кўтарилган. Бу фанда иккинчи Ўйғониш даври номини олган. Темурийлардан олимлар, шоирлар, кўплаб машҳур ҳарбийлар етишиб чиққан. Бундай ҳолат бошқа сулолалар тарихида камдан-кам учрайди. Инглиз олимаси Хильда Хукхэм Амир Темур ўз юртида давлатчилик ва маданият анъаналарининг давомчиси бўлганлигини, X–XI асрларда табобат, математика, астрономия, география, фалсафа, тарих, араб ва форс тили, адабиёт бўйича беназир асарлар яратган буюк алломалар ватанидан етишиб чиққанлигини, мазкур алломаларнинг йирик асарлари бир неча юз йиллар давомида Европадаги Ўйғониш даврига катта таъсир кўрсатиб, унга пойдевор бўлиб хизмат қилганлигини² ҳаққо-

¹Кэрэн Л.Амир Темур салтанати – Б.92.

²Хукхэм Х.Властитель семи созвездий / Пер.с англ.Г.Хидоятова.
– Ташкент: Адолат, 1995.– С.17.

ний равища айтиб ўтган. Бу борада фарб олимларининг Амир Темур салтанати ҳақидаги анча холис тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар орасида Франция Европа темуршунослигининг йирик марказларидан бирига айланиб бораётганлигиги алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерда “Темурийлар даври тарихи, санъатини ўрганиш ва француз-ўзбек маданий алоқалари Уюшмаси”¹ фаолият юритмоқда. Бу уюшманинг ва Францияда чоп этилаётган “La Timuride” журналининг фаолиятига Л. Керен раҳбарлик қилмоқда. Ушбу журналда Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид қатор илмий ишлар мунтазам равища эълон қилиб борилмоқда². Жумладан, Люсен Керен³ кўплаб тадқиқотларида Амир Темурнинг тарихдаги буюк хизматлари, унинг давлатида адолат ва қонун устуворлик қилганлиги, «раҳбар бўлишдек туфма, аммо ақлга сифмайдиган табиий ва синоатли ҳислат соҳиби»⁴ бўлганини манбалардаги маълумотлар, тарихий фактлар орқали очиб бер-

¹Керен Л., Саидов А.Амир Темур ва Франция.— Тошкент: Адолат, 1996. — Б.15.

²Beaupertius — Bressand F.L'art des jardins ason apogee ou splendeur des jardins de Samarkand // LaTimuride.— Paris: 1990.— № 4.— Pp.7-8; Ўша муаллиф.Festivites timurides // LaTimuride.— Paris: 1996.— № 16.— Pp.2-3; Jardins Timurides // LaTimuride.— Paris: 1991.— № 5.— Pp.10; Szuppe M.Le Khorassan et l'Fsiacentrale aux XIV—XVIe siecles: aspects de l'unite culturelle et politique // LaTimuride.— Paris: 1995.— № 14.— Pp.8-15;

³Kehren L. Tamerlan, le Seigneur de fer, Neuchatel, 1978. — 260 p; Ўша муаллиф. Tamerlan. — Paris: Payot, 1980; Ўша муаллиф. Tamerlan et Byzance // La Timuride. — Paris: 1994. № 13. — Pp. 3-6; Керен Л. Амир Темур салтанати. Француз тилидан таржима ва изохлар муаллифи Б. Эрматов. — Тошкент: Маннавият, 1999. — 224 б. ва бошқалар.

⁴Керен Л.Амир Темур салтанати...— Б.169-170.

ган. Кудряшов эса интернетда мавжуд бўлган баъзи маълумотларга таяниб, Амир Темурни энг тубан инсон сифатида талқин этган. Аксинча, Амир Темур эпик қаҳрамон, ватани учун ўз жонини фидо қилган буюк давлат арбоби ва саркарда эди. Соҳибқирон халқ фаровонлиги ва адолат йўлида хизмат қилган. Амир Темур даврига келиб, Мовароуннаҳр тарихида биринчи марта пенсия таъминоти ва маошлар тизимлаштирилади. У «фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз шол-кўрларга нафақа белгиласинлар»¹, — каби амр-фармонлар мамлакатнинг барча ҳудудларида амалда бўлган. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий Соҳибқирон Амир Темурнинг бир фармойиши ҳақида шундай маълумот беради: «.... ҳар вилоятдаким, фақиру мискин ва дарвишу мустаҳиқ бўлса йиғиштуруб, йиллик озуқа ва тўн ва кунгалак танабон ва кафш ва этук ва фута ва дастор берсунлар ва қишлиқ ва ёзлиқ тўнлар берсунлар»². Амир Темур барча миллат ва халқларга нисбатан ҳурмат билан қараган. “Қайси мамлакатни забт этган бўлсан, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим; саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим; ўша вилоятларнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим... Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлинни тўсдим”³.

Кудряшовнинг «Темурланг 40 йил атрофида 1366

¹Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков.— Тошкент: Шарқ, 1997.— Б.187.

²Шарафиддин Али Яздий.Зафарнома...— Б.187.

³Темур тузуклари... — Б 115-116 б.

йилдан то 1404 йилгача Каспийдан Ҳинд океанига-ча, Хитойдан Мисргача бўлган ерларни босиб олиб, бегуноҳ бўлиб қолиши мумкин эмас» деган фикри-ни тушуниш қийин. Мақола Амир Темурга нисба-тан ўта ҳурматсизлик ва беписандлик билан ёзилган. Бошқа халқнинг миллий қадриятларини менсимас-лик, унга нисбатан паст назар билан қарашибунги шовинизмга теккан касалликдир. Амир Темур бо-бомиз ўта қийин ва мураккаб пайтларда, бошига не балолар келиб турганда ватанпарварлик намунасини кўрсатган ҳақиқий эл-юрт фарзанди эди. Тарихда бунга мисоллар кўп. Амир Темур Амир Ҳусайн билан бирга «Лой жангига»да босқинчи мӯғулларга қарши курашган. Амир Ҳусайннинг қўпол хатоси ту-файли бу жанг бой берилган. Жангдан кейин Амир Ҳусайн Амир Темурни чақириб келиш учун унинг олдига бир неча марта одам юборса ҳам Амир Темур унинг олдига келмади. Унинг фурури, иззат-нафси топталганди. У Ҳусайн одамларига дейди: “Қўшин етакчилари ва хос баҳодирлар жонбозлик кўрсатиб, қиличбозликка жидду жаҳд қилмоқдалар. Сен эса бунинг эвазига ҳеч бир асоссиз ранжитмоқдасан. Илтифот билан қўнгилларини олиш ўрнига, ҳар би-рига минг озор етказмоқдасанки, бугун сенинг ушбу қилифинг туфайли шунчалик обод бир мамлакат бегона душманга ем бўлиш арафасидадир. Хайри-хоҳлар сўзига эса сен қулоқ солмайсан”. Амир Темур бобомиз бегона душманларга Мовароуннаҳрнинг ем бўлишидан қаттиқ азият чекиб, унинг дафъи учун бел боғлаган, босқинчиларни таг-томири билан қу-ритган буюк ватан ўғлони эди.

Бу улуг аждодимиз бир умр бунёдкорлик ва адо-

лат йўлида жидду жаҳд кўрсатган, биз каби баҳтиёр, номдор фарзандларни ҳар доим жипсликка, адолатга даъват этган. Бу каби мақолаларни халқимизнинг маънавиятини ва руҳини синдиришга қаратилган мафкуравий уруш сифатида баҳолаш мумкин. Чунки бизни маънавиятимиздан айиришга, турли сафсаталар билан фикримизни чалғитишга аввалдан уринишлар кучли бўлган. Амир Темур сиймосида халқимизнинг тарихи, маънавий қудрати, ақл-идроқи, ватанпарварлиги, адолати, яратувчанлиги, тадбиркорлиги ва ишончи ва қудратини кўрамиз. Ҳақиқатан ҳам буюк Соҳибқирон маънавий қудратимиз рамзиdir.

РУИ ГОНСАЛЕС ДЕ КЛАВИХО «КУНДАЛИГИ»ДА ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ДИПЛОМАТИЯ ТАРИХИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

Руи Гонсалес де Клавихонинг “Кундалиги” XV аср бошларида дипломатия ва ташқи сиёsat тарихи бўйича бой маълумотларга эга. Унинг ўзи дипломатик миссияни бажарганлиги туфайли, ўзи ёзиб қолдирган асарида барча тафсилотларни, ўша даврдаги ташқи сиёsat ва дипломатия, дипломатия жараёнларини баён этиб ўтган.

Руи Гонсалес Де Клавихо Амир Темурнинг Испания ва бошқа Европа қиролларига юборган Муҳаммад ал-Кеший элчилигига жавобан юборилган. У 1403–1406 йилларда Самарқандга Амир Темур саройига элчилик миссияси билан сафар қилган.

Клавихо 1403 йил 21 майда элчиликка отланган. У ўз элчилик ва саёҳати давомида йўл-йўлакай кўрган-



эшитганлари ҳақида маҳсус бир кундалик тутиб, уни сафардан сўнг «Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар)» номли асар ҳолига келтирган¹.

Клавихо “Кундалиги” катта тарихий аҳамиятга эга. Унинг бу хотиралари кўпгина ерларни ўз кўзи билан кўргани, у ерларнинг кимга қарашли бўлгани, турли ерларда унинг қандай кутиб олингани, турли тоифа ва миллатларга мансуб халқлар билан шахсан учрашгани ҳақида тафсилотларни бериб ўтгани билан ишончлидир. Бу китоб ўша даврдаги алоқа йўллари, шаҳарлар, ижтимоий-иқтисодий тарихни ўрганишда ҳам катта ўрин тутади. У Самарқандга Амир Темур саройига қадар Европадан Самарқандга қадар чўзилган катта ҳудудлардан, жумладан, бугунги Туркияning Европа қисмидан ҳам ўтиб улар ҳақидаги кўрган-билганларини ўз «Кундалик»ларида келтириб ўтган.

Асарда Туркияning табиати, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тарихи, маданияти ва этнографиясига таллуқли қимматли маълумотлар бор.

Клавихо турк ерларига қадимги Троя ерларидан кириб келган.

1403 йилнинг 22 октябрь куни элчилик кемаси турклар қўл остидаги мулкларга яқинлашиб боради. Элчилик кемаси Тенио ороли билан турк ерлари оралиғида жами 15 кун турди. «Кундаликлар»дан маълум бўлишича, Дарданеллада турли давлатларга қарашли бўлган ерлар мавжуд бўлган. «Юноистон-

¹Руи Гонсалес де Клавихо. «Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар)». –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.

нинг қоқ қуруқ ерида Хетеа деб аталадиган бошқа бир қалъа кўринди. Арман қалъаси қаршисида қурилган бу қалъа денгиз бўйидаги тепаликда қад ростлаган эди. «Мазкур қалъалар, назаримда, Роман кўрфазига кириш йўлини қўриқлаш учун қурилганга ўхшайди. Нарироқда, Туркия ерида иккита катта минора кўринди. Унинг атрофида бир неча уйлар бор эди. Бу жой Дюбек деб аталади»¹.

Демак, бундан кўринадики, Дарданелла юонолар, арманлар ҳамда туркларнинг чегаралари белгиланган ҳудуд бўлган. Клавихо шу ерларни Троя ўрни эканлигини айтиб ўтган. У “Биби Марям бурнидан бошланиб, шу ергача бошланган 60 мил масофадаги ерлар Троя шаҳри ўрнидадир”² деб гувоҳлик беради.

Клавихо «Кундалиги»да «Юон ерларида жойлашган Галиполи Боязиднинг тирик қолган катта ўғли Мусулмон (Сулаймон) оғали (Чалабий)га қарашли экан. Кўп эшкакли ва бошқа кемалардан иборат турк флоти Галиполида туради. Бу ерда омборхона ва қарийб қирқтacha кўп эшкакли кема турибди. Қалъада катта гарнizon, анча-мунча одам, фамланган нарсалар бор. Галиполи – юонолар ерларидан турклар зabit этган биринчи жой»³ – дея шоҳидлик беради.

Унинг «Кундалиги»ни таҳлил қилиб, Галиполи турклар ерининг Европа қисмидан бошланган дастлабки ери эканлиги, бу шаҳар чегара ҳисоблангани учун турк қўшини томонидан муҳофаза этилиши, стратегик шаҳар бўлганлигини англаб этиш

¹Клавихо... – Б.44-45.

²Клавихо... – Б.44-45.

³Клавихо... – Б.45.

мумкин. Элчи турклар юнонлардан тортиб олган барча ерларни Галиполидан таянч пункт сифатида фойдаланиб қўлга киритганлиги ҳақида хуносалари-ни берган.

Клавихо бу шаҳар Боязиднинг катта ўғли Мусулмон Чалабийга қарашли эканлигини айтиб ўтган. Демак, Усмонийлар давлатининг Европа қисмига Мусулмон Чалабий ҳукмдорлик қилган. Амир Темур даврига оид манбаларда ҳам Амир Темур Боязид вафотидан кейин ҳокимиятни унинг ўғилларига қайтариб берганлиги, айнан Европа қисмига Мусулмон Чалабийни ҳукмдор этиб тайинлагани ҳақида маълумотлар бор.

1403 йилнинг 28 октябрь куни Византия императори Клавихо ва унинг йўлдошларини қабул қилган.

Византия императори томонидан элчилар яхши кутиб олинади ва уларга иззат-икром кўрсатилади.

Клавихо туркларга тегишли бўлган Понторакия шаҳридан ўтганлиги ҳақида гапириб ўтади¹. Бу шаҳар бугунги кундаги Бендерекли шаҳридир. Бу шаҳар Мисал Маталабий (Мусо Чалабий)га қарашли бўлган. Сайёҳ ва элчи турклар ўттиз йилча олдин бу шаҳарни Византия императоридан сотиб олганлиги ҳақида маълумот беради.

Клавихо бу шаҳарни катта бандаргоҳ, бой ва машхур шаҳар бўлгани ҳақида ёзиб ўтган. Улар Понторакиядан суза бориб, Рио деб аталувчи қалъага яқинлашадилар, аммо турклар уларни хавотирлик билан қарши оладилар. «Кемада юртимизга бирон зиён етказиш ниятидаги одамлар келдимикин» деб ўйлаб

¹Клавихо... – Б.77.

қирғоққа күпгина турклар йиғилган эдилар, — деб ёзади Клавихо. Бундан кўринадики, ушбу ҳудудлар ташқи душманлар хужуми хавф солиш эҳтимоли кучли бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланган. Ана шуларни инобатга олсак, ўша даврда албатта турклар бу ерларда ҳимоя тизимиға катта эътибор қаратган бўлишлари керак.

Элчилар ўзларига хавф-хатар туғдирмасликлари учун бу қалъада тўхтамайдилар. Улар Қора денгиз оша сузиб Партен (Эдирна) шаҳрига ва шу номли дарёга етиб келишади. Элчилар ичимлик суви фамлаб олиб тезлик билан бу шаҳарни тарк этадилар. Сабаби бу ерда Партен (Эдирна) дарёси бошланган жойда баланд қоя устига минора қурилган, у ердан кўп эшкакли ҳарбий кемаларнинг дарёга кириши ва тўхташига йўл қўймаслик учун қузатув олиб борилади¹.

Клавихо турк диёридаги генуяликларга қарашли Самастро (Сивос)дан чиқиб, Икки қалъа сўнг, Нинополу (Инаболу) деб аталувчи турк қалъасига етиб келишади.

Клавихо Киноли (Хиноли) деб ном олган бу қалъанинг Исфандиёр исмли бир мўътабар мусулмон зотга тегишли эканини айтиб ўтган².

Бундан билиш мумкинки, бугунги Туркия ҳудудининг баъзилари арманлар, бошқа қисми грекларга, бир қисми генуяликларга ва бошқаларга қарашли бўлган.

Демак, ўша даврда Ўрта Шарқда сиёсий аҳвол таранг бўлган, ҳар бир подшоҳ ва бекликларга қўшни

¹Клавихо... – Б.78.

²Клавихо... – Б.78.

давлатлардан хавфларнинг эҳтимоли кучли бўлган, айнан мана шу ҳудудларда сиёсий воқеалар тез ривожланган. Биз ўша даврдаги ташқи сиёсат ва дипломатия тарихини ўрганишимизда Клавихо келтирган маълумотлар катта аҳамият касб этади.

«Кундаликлар» орқали ҳам бемалол салжуқ туркларининг бир қанча бейликлари ўша даврда ҳам мавжуд бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бейликлар мустақил давлатлар бўлиб, ўз сиёсий мавқеига эга бўлган. Исфандиёр эса Жондорўғиллари бейлигининг вакили бўлиб, Хиноли унинг тасаруфига кирган ҳудудлардан ҳисобланган.

Клавихо Исфандиёрнинг Темурбекка бож тўлаши, Амир Темурнинг номи билан танга зарб этгани ҳақида ёзиб ўтган.

Бундан кўринадики, Анқара жангидан кейин Туркия тарихидаги 1402–1413 йилларни ўз ичига олган Фитрат даврида Жандорўғиллари ҳам бошқа баъзи бейликлар қаторида Амир Темурнинг вассали сифатида ҳукмдорлик қилган.

Элчилик кемалари 1404 йилнинг 31 март куни Синополи, яъни Синоп шаҳрига етиб келади.

Синоп шаҳри денгиз бўйидаги энг гўзал шаҳарлардан бўлиб, Амир Темур даврида яшаб ўтган ва унга душманлик руҳида ёзилган «Ажойиб ал-мақдур фит-тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номли асар муаллифи Ибн Арабшоҳ бу шаҳарни ошиқ-мошиқлар шаҳри деб атайди. Бу шаҳар денгиз бўғизида катта бўлиб, унга кириш йўли фоятда мушкулдир. Бу оролда бир тоф бўлиб, нозик ўтиш жойига туташган эди. Бу шаҳар Исфандиёрнинг таянган ва ишончли макони, ха-

зиналарини сақладыган жойи бўлганлигини айтиб ўтган¹.

Клавихо бу шаҳарни Исфандиёр тасарруфида бўлганлигини ёзиб, унинг ўзи шаҳарда йўқлиги, мазкур шаҳардан уч кунлик масофа узоқликда жойлашган Кастамеа (Кастаману) шаҳрида эканлигини айтиб ўтган. Клавихо «Кундалиги»дан Жондорўгиллари бейлигининг йирик шаҳарларидан бири Кастамеа бўлганлигини англаб етиш мумкин.

Бу шаҳар ҳақида ҳам Ибн Арабшоҳ қуйидаги таърифларни бериб ўтган: «Унинг шаҳарларидан Кастамания бўлиб, мулкининг тахти ва кемалари учун денгиз бандаргоҳи эди»².

Демак, Кастаману ва Синоп шаҳарлари Жондорўгиллари бейлигининг муҳим порт шаҳарларидан бўлиб, улар ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан ҳам катта мавқега эга бўлган шаҳарларидан бўлган.

Муаррих Низомиддин Шомий Йилдирим Боязиднинг қавму қабиласидан Исфандиёр номли бир киши Сийнобдан Амир Соҳибқироннинг олдига келиб, минг бош от тортиқ қилганлиги ҳақида айтиб ўтган³.

Бу маълумотлардан кўринадики, бизга Амир Темур ҳузурига унинг Туркия ва Шом ҳудудларида бўлган пайтида келган элчилар ҳақида маълумотлар тўлиқ эмас.

¹Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент: Меҳнат, 1992. I-китоб. – Б. 277-278.

²Ибн Арабшоҳ... – Б.278.

³Низомиддий Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 342.

Амир Темур Исфандиёр бейнинг бу хатти-ҳаракатларидан сўнг унга Кастаману, Чанкири, Калечик ва Тося каби Жондорӯғилларининг аввалги ерларини берди. Ўрта Шарқда кучайган ташқи ва ички муносабатлар жараёнида Амир Темурнинг ўрни ва роли катта бўлганини кўриш мумкин.

Ибн Арабшоҳ унинг Темур давлатига қўшилиш тарихини қуйидагича давом эттирган: «Темур Исфандиёр бейни севинч билан қарши олиб муомала қилди ва Ибни Усмонга кек қилиб, Исфандиёрни ўз мартабасида барқарор тутди. Кейин Исфандиёрга Қараман авлодларига ва ўзига итоат изъон тамфаси билан тамғаланган ўша теварак-атрофдаги амирларга Маҳмудхон ва улуғ амир Темур Кўрагон номи билан хутба ўқитиб, пул зарб қилишларини амр қилди. Улар Темур фармонларига амал қилиб, у ман қилган (иш)лардан ҳазар қилдилар. Шу билан улар гароту мусодарадан амин бўлдилар. Зикр қилинган Исфандиёр ғоят ёши улғайиб 843 йилда (1439–1440) вафот қилди. У Темур ҳузурига келган подшоҳларнинг охиргиларидан эди»¹.

Манбалардаги маълумотларни таққослаб, Жондорӯғиллари беклигининг Анқара жангидан кейин ҳам сиёсий нуфузи баланд бўлганлигини англаб этиш мумкин.

Элчилар Амир Темур ҳокимиятини тан олган Исфандиёр бей билан учрашишни истар эдилар. Чунки улар бу ҳудуд ҳукмдори Амир Темур давлатига қарам бўлганлари учун ҳам иззат-икром кўришлари, бемалол юришларини яхши билар эдилар. Клавихо ва

¹Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент: 1992.1-китоб.– 278 б.

унинг ҳамроҳлари ундан Самарқандга йўлни давом эттириш учун қайси йўл орқали, қандай йўсинда юриш хусусида маслаҳатлашиш учун Исфандиёрбей билан кўришишни истар эдилар.

Клавихо «Темурбекка бож тўлаб турганлиги учун Исфандиёрдан турк султонининг ўғли норози эди. Исфандиёр унга қарши курашмоқ учун Кастамеа шаҳрида қарийб қирқ минг аскар тўплаб шай бўлиб турган эди», — деб ўша даврнинг кескин сиёсий вазияти ҳақида ҳам ёзиб ўтган¹.

Клавихо Йилдирим Боязиднинг Исфандиёр бейнинг отасини ўлдиргани ва унинг ерларини тортиб олганлиги Усмонийлар ва Исфандиёрбейнинг ўртасидаги низоларга сабаб бўлган дея маълумот берган².

Демак, ўша даврда Жондорўғли Исфандиёр билан турк султони ўғли ўртасида кескин низолар мавжуд бўлган. Бунинг устига Анқара жангидан кейин Амир Темур томонидан ўз ерларига ҳукмрон этиб тайинланган Йилдирим Боязид ўғиллари ўртасида ягона ҳокимлик учун курашларнинг кучайиши ҳам бу кескинликни ошириб юборган.

Элчилар 1404 йилнинг 5 апрель куни пешин намози вақтида Симисо (ҳозирги Самсун) шаҳрига этиб келишади. Клавихонинг маълумотларига кўра, бу шаҳарда иккита қалъа бўлиб уларнинг бири генуяликларга, бири Мусулмон Чалабийга тегишли бўлган³. Ибн Арабшоҳ бу шаҳарни мусулмонларга тегишли дengиз қирғоғидаги қалъа бўл-

¹Клавихо... – Б.79.

²Клавихо... – Б.80.

³Клавихо... – Б.80.

ганлигини айтиб ўтади. Бунинг муқобилида эса насронийларга қарашли шунга ўхшаш бир қалъа бўлиб, улар иккаласи бир-биридан тош отиш ма-софасича ҳам эмасди. Бу иккала қалъа доимо бир-биридан ҳазарда турардилар. Булардан ташқари ҳам унинг водий ва тоғ чўққиларида қасабалари ва қишлоқлари бор эди¹.

Бундан англаш мумкинки, ўша даврда баъзи ша-ҳарларнинг бир қисми бошқа давлатларга, бошқа қисми туркларга қарашли ерлар ҳам бўлган. Элчилар йўл-йўлакай Хинио деб аталган портга етиб келадилар. Улар бандаргоҳнинг ёнида, баланд қоя устида юононлар истиқомат қиласиган кичик шаҳар кўрган. Шаҳар ёнидаги тоғ чўққисида шаҳарга қарашли қалъа бор. Унда уч юзта турк истиқомат қилар эди.

Мазкур шаҳар ва қалъа Меласено деган бир юонон мансабдорига қарашли бўлиб, Темурбекка бож тўлайди². Демак, Клавихонинг бу гапларидан генуяликлар, юононлар, византияликларнинг баъзилари ҳам Амир Темурга бож тўлаб турган деган холосага келиш мумкин.

Кундаликларда айтилишича, денгиз қирғоғида шундайгина бандаргоҳда бир неча темирчилик устахонаси ишлаб турибди. Улар денгиз тўлқини шу жойда қирғоққа сурib чиқарган майда қора қумни йифиб, темир ясайдилар.

Бундан англаш мумкинки, ўша даврларда денгиздан темир моддаларини олиб ҳунармандчилик билан шуғулланишган.

Элчилар кейинги дуч келган бандаргоҳ турклар-

¹Ибн Арабшоҳ...— Б.278.

²Клавихо...— Б.80.

га қарашли Леона эди. Бандаргоҳда кимсасиз қалъа мавжудлиги, уни тўрт йил бурун генуяликлар талағанлиги ҳақида «Кундалик»ларда келтириб ўтилган. Асарда келтирилган маълумотлардан турли давлатларга қарашли бўлган мулклар учун атроф давлатлардан ҳужумларнинг бўлиб турганлиги ҳақида билиш мумкин.

Элчилар денгиз бўйлаб юраркан, яна бир Санкто-Нисио номли турк бандаргоҳига келиб тўхтайдилар.

Клавихо Леона, Санкто-Нисио ва унинг атрофидаги ерлар Амир Темур давлатига қарашли сарҳадлар эканлиги, Арзамир деган йирик турк мансабдори у ерларни бошқариши ҳақида ёзиб ўтган. Элчининг маълумотларига кўра, Арзамирнинг ўн минг отликқа яқин аскари бўлиб, Амир Темурга бож тўлаган.

Оз фурсатда Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Гирифонда (ҳозирги Керазунда) деб аталган шаҳарга етиб келади.

Умуман олганда, Клавихонинг Амир Темур ҳузурига қилган элчилик саёҳати жуда узоқ, хавф-хатар ва мاشаққатлар билан тўла сафар бўлди. Таъкидлаб ўтганимиздек, Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Испаниянинг жануби-шарқий тарафида жойлашган Кадис шаҳридан елканли кемада Ўрта ер денгизи бўйлаб суздилар, сўнгра Истанбул, Трабзон, Арзирум, Табриз, Техрон, Машҳад, Марв ва Балх орқали қуруқликда йўл босдилар. Улар Термиз қархисида Амударёдан ўтиб, Кеш орқали 1404 йилнинг 31 августида Самарқанд қишлоқларидан ўтиб, пойтахтига келдилар ва Соҳибқироннинг шу атрофдаги чорбоғига келиб тушдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ўшанда Клавихо билан бирга Бобил (Миср) ва Тур-

кия султонининг элчилари ҳам Самарқандга келдилар¹.

Элчи ўша пайтда тахминан туркларга қарашли бўлган ерлардан ўтиб, ўз хотиралари, эшитган кўрганлари, ривоятларни ёзиб қолдирган.

Клавихо маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўша даврда Амир Темур Туркия тарихида муҳим роль ўйнаган, бейликлар ва Мовароуннаҳр тарихи уйғун ҳолда ривожланиш палласида бўлган.

Клавихо бейликлар, Усмонийлар, византияликлар, генуяликлар ва бошқаларга қарашли бўлган худудларнинг денгиз тарафидаги тарихий географияси ҳақида муҳим маълумотларни берган.

¹Аҳмедов Б. Клавихо ва унинг “Кундалиги”. <http://e-tarix.uz/vatan-tarixi/105-klaviho.html>

БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИК ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИ- РИШДА АМИР ТЕМУР МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясини ривожлантиришда Амир Темур меросининг аҳамияти катта. Бу меросни бугунги халқаро вазият ва муносабатлар ракурсида таҳлил этадиган бўлсак, ўша даврда ҳам сиёсий аҳвол кутилмаган томонга ўзгариб тургани, унинг ўзанининг тезкорлиги вазиятларга қараб баҳо бериш ва дипломатик чора-тадбирлар белгилаш зарурияти пайдо бўлганини кўрсатади.

Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва дипломатия тарихи ўнлаб, юзлаб жиддий тадқиқотларда ўрганилишга арзигулик мавзуларни қамраб олади. Биргина ташқи сиёсатда қўллаган хавфсизлик масалалари бизни ижодий фойдаланишга ундейди. Амир Темур марказлашган давлатни ташкил қилишда 27 давлатни бирлаштиргани, Тинч океанидан то Атлантика океанига қадар чўзилган улкан ҳудудларда таъсир кучига эга бўлгани, вазиятларни тўғри баҳолаши, назорат қила олиши ҳамда мураккаб вазиятлардан чиқиш учун турли стратегик усуллардан фойдалангани фикримизнинг ёрқин далилидир. Амир Темур хавфсизлик масалаларини ҳал қилишда дипломатия усулларидан усталик билан фойдаланди, назарий ва амалий асосларини мустаҳкамлади. Унинг дипломатияда қўллаган стратегия ва тактикалари вазиятларга қараб ечим топишида яққол кўринади. Урушлар даври бўлган ўрта асрларда ўзи таъкидлаганидек, “ўндан тўққиз қисм низоларни тадбирлар орқали” ҳал этган.

Мамлакатга кириб келган ҳар бир сайёҳ, савдогар, дарвеш ва бошқа кишиларнинг мақсадлари аниқлангани, уларнинг хатти-ҳаракатларининг назардан қочирилмагани хавфсизликни таъминлашда бизга катта сабоқдир. Амир Темурнинг хос кишилари қўшни давлатлардан туғилиши мумкин бўлган хавфлар ҳақида маълумотлар тўплаган. Амир Темурнинг давлат дипломатиясида хавфсизлик масалаларига, хусусан, разведка тизимиға ҳам алоҳида эътибор берганлигини кўришимиз мумкин. Амир Темур томонидан дарвеш, сайёҳ, савдогар ва дипломат қиёфасидаги қўплаб хос кишилар турли давлатларга юборилган. Улар борган мамлакатларда подшоҳлари томонида олиб борилаётган сиёsatни, одамларнинг кайфиятларини, энг машҳур кишилар ҳаётини, табиатини, дарёларини, қўчаларни, шаҳарларини, стратегик аҳамиятга молик бўлган жойларини ва бошқа майда тафсилотларни ҳам ўрганиб чиқишиган ҳамда ишонарли, аниқ маълумотларни тақдим этишган. Натижада, ўзи дипломатик муносабат ўрнатадиган ҳудуднинг пасту баландини, подшоҳининг феъл-атворини синчиклаб ўрганиб чиққан ва уларга монанд дипломатик муносабатлар саҳнасини ишлаб чиққан. Амир Темурнинг дипломатик назарияси амалиёт асосида шакллантирилганлиги сабабли ҳам бу даврни “миллий дипломатия тарихидаги туб бурилишлар даври” деб ҳисоблаш мумкин.

Амир Темур томонидан Европа ва Осиё давлатлари подшоҳлари, қиролларига ёзилган хатларида айнан мамалакатлараро хавфсизлик, иқтисодий тенг ҳамкорлик мақсадлари ошкор этилган. Амир Темур давлат тараққиётида хусусий тадбиркор ва савдогарларнинг муҳим ўрнини тушуниб етган. Биз бемалол

Амир Темур даврини ҳам бозор муносабатлари даври деб аташимиз мумкин. Унда мулкчиликнинг ўрта асрларга хос турли шакллари ва ҳар бир соҳадаги табақаланишлари юзага келган. Соҳибиқирон халқаро ҳамкорлик масаласини кўтарар экан, миңтақалараро тадбиркору, савдогарларнинг ўзаро мулоқотга киришиши, бозорнинг талаб ва таклифларий ўрганиши, шунга монанд эркин савдо ва пул айланмаси юритилишининг тарафдори бўлган. У мана шу масала да Шарқ ва Farb дунёсида ташабbus кўрсатган буюк дипломат ва давлат арбобидир. Бугунги кунда унинг бу сиёсатини Farbda “қўл чўзиш сиёсати” деб баҳоламоқдалар. Асрлар давомида христиан ва мусулмон дунёсининг ўзаро қарама-қаршилиги, бунинг замидида бўлиб ўтган муқаддас урушларни назарда тутсак, Амир Темурнинг Farbga эшик очиши ўша даврнинг оламшумул воқеаси эди. У бу хатти-ҳаракатлари билан бугунни ҳам кўра олган буюк дипломат эди.

Соҳибиқирон Амир Темур томонидан ҳамкор қиролларга ёзилган хатларида хориждан келган ва чет элларга кетаётган тадбиркор-савдогарларнинг соғлиги, ҳаёти, мол-мулкининг дахлсизлигини таъминлаш алоҳида таъкидланган, улардан бож солиғи олмаслик масаласини кўтарган. Амир Темур томонидан ҳамкорларига тинчлик-хотиржамлик, соғлиги, мол-мулкига кафолат берилиши ўша давр учун катта воқелик эди ва у бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Амир Темур меросини таҳлил этиш асносида “Бугунги кунда ҳам хориждан кириб келаётган ҳамкорларимизнинг сармояларини эмин-эркин ишлатишга шароитлар яратиб бериш, солиқларни камайтириш ва уларнинг ҳаёти ва мол-мулкини суфурта қилиш ти-

зими, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиши ва қўлла-ниши лозим”, – деган холосага кела бошладик. Ҳар бир ҳудуддан ўтган мол-товарлар учун ўша ернинг ҳокимлари жавобгар бўлган. Кимда ким қайси ҳу-дудда ўз молини йўқотса, ўша ернинг ҳокими 9 ба-равар миқдорда жарима тўлаш тизими ишлаб турган. Маълум масофаларга устунлар ўрнатилган ва ўша ерда ўткинчи-кеткинчиларнинг ҳордиқ чиқаришли-ри, от-туяларини дам олганларига алмаштиришлари учун карвонсаройлар қурдирган. Демак, бизда ҳам меҳмонхона бизнесига алоҳида эътибор қаратиш ло-зим бўлади. Шунингдек, уларнинг бизнесини ҳимоя қилишга алоҳида ички ишлар бўлинмалари ва суд-лар ташкил этилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир нуқтада бир манзилдан иккинчи манзилга ет-казиб қўядиган соқчилар гуруҳи ҳамроҳлик қилган. Амир Темур Европа ҳукмдорларига, – «Сиз савдо-гарларингизни биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни қизғин, барча иззатларни ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз Сиз томонларга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-икромлар кўр-сатсалар. Майли, улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тў-сиқсиз йўл юрсинлар. Дунёни савдогарлар фаровон қиласидилар, деган нақлни инкор этиш бефойда», – каби мазмундаги хатларни юборган. Амир Темур Фа-ранг қироли Шарль VI га йўллаган мактубида “Оlam машъали, музаффар, буюқ дўстимиз, оламга жуда за-рур, катта урушлар ғолиби, олампаноҳ Франция ва кўп бошқа юртлар қиролига ўзимизнинг таъзим ва раҳматимизни йўллаймиз. Биз Сизнинг давлатингиз доимо гуллаб-яшнашини дўстона тилаб қоламиз”¹, – дея дил изҳорларини келтириб ўтган.

¹Кэрэн Л., Сайдов А. Амир Темурнинг Франция қироли Шарль VI га мактуби / Амир Темур ва Франция. – Б. 76-77.

Бугунги кунда ҳам Амир Темур давридаги хатлардан мисоллар келтириб Европа давлат раҳбарларига, Европа иттифоқининг бош қароргоҳига мурожаатнома ва таклифлар тайёрлаб, Соҳибқироннинг ана шу орзу-тилакларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилишимиз керак.

Амир Темурнинг ташқи сиёсат ва дипломатиясидаги одиллик ўз давридаги кўпгина инсонларнинг эътирофига ва чуқур ҳурматига сазовор бўлган ва асрлар оша кўплаб давлат раҳбарларига андоза вазифасини ўтаган. Амир Темур дипломатияси пишиқ пухталиги билан профессионаллашади ва ташқи сиёсат тарихи ҳам одоб-ахлоққа ва юксак маънавиятга асосланади. Америка олими Р. Нельсон, — «Темур салтанатга фақат бир маданиятни мажбуран киритмасдан, аксинча, турли маданиятларни қўшиб бугунгача яшаб келаётган Евроосиё foясини шахсан ишлаб чиқсан биринчи шахс эди»¹ — дея Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва дипломатияси кейинчалик глобаллашув ва интеграцияни бошлаб берганини эътироф этади. Амир Темурнинг Шарқ ва Фарб халқлари тарихидаги ўрни катта. У минтақалар учун катта имкониятлар эшигини очди, ўрта аср кишиларини дунёга кенг қараш, бағрикенг бўлиш, душманлик қилишга асос йўқлигини исботлаб тарихда биринчи марта “ягона макон” тушунчаларини назарий жиҳатдан ва амалда исбот этган.

У ўзи яшаётган ва бошлаб берган янги даврнинг подшоҳи сифатида олдин ривожланишга тўсқинлик қилган ҳамма бидъат ва қарашлар занжирини синдириб ташлаган, биринчи марта Фарб ва Шарқ

¹Nelson R. Timur is military strategist and geopolitican // A modern interpretation in World History. – T.: 1996. – P.17-19

бир-бирини яқиндан таний бошлаган. У ўз даври имкониятларидан ўзиб кетган, юз йиллар олдинга қадам ташлай олган, бугунги кун каби имконият ва қарашларни назарда тутган келажак подшоҳи эди.

Амир Темур воқеаларни ўз измига сола олиш фазилатига эга бўлган харизматик шахсdir. У адолат, инсоф, ҳаққонийлик, рақибиға раҳм қилиш ва умуман инсонпарварликка асосланган ташқи сиёsat ва дипломатия мактабини яратган. Масалан: Миср элчиси билан узоқ муддатли таранг вазиятлар бўлгани ва рақибларининг қўпол хатоларига қарамасдан Амир Темур босиқлик билан уларни кечириб юборган ва натижада 20 дан ортиқ хат алмашишлар асосида алалоқибат Миср мамлуклари давлати Амир Темур ҳокимиятини тан олган.

Унинг саройи доимий равишда элчилар билан тўла бўлган. Юришлар пайтида эса у жойлашган ўрдудгоҳга турли мамлақатлардан доимий равишда элчиликлар келиб-кетиб турган.

Манбалардаги маълумотлардан Амир Темурнинг мураккаб шароитларда ҳам сабр-тоқат билан масаланинг тўғри ечимини топишга ҳаракат қилгани такаббур, ўзига қаттиқ ишонган ва бино қўйган душманлари билан юзага келган низо-келишмовчиликларни тўғри ҳал этиш учун йўл излаганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

У Тўхтамишхоннинг ишни пайсалга солиши, Йилдирим Боязиднинг шошқалоқлигидан ва бошқа рақибларнинг характеристидаги камчиликлардан ҳам усталик билан фойдаланган.

Амир Темур Йилдирим Боязидга жангга киришдан олдин Анадолу бекликларига хат ёзиб жангдан олдин уларни ўз томонига оғдириб олган.

Покистонлик олим Ф.А.Дурроний ҳам «Амир Темур Ўрта Осиёдан чиққан буюк саркардалардан бўлган. Унинг қатъиятлилиги, бир мақсадга инти-лувчанлиги ҳамда тиришқоқлиги кучли рақиблари устидан ғалаба қозонишга ёрдам берган. У турли вазиятларда рақибларидан устун келишининг биронта ҳам имкониятини қўлдан бермаган, керак бўлганда ҳеч иккиланмай музокара олиб борган, ўзи кучли дипломат бўлган, унинг стратегияси зудлик билан ҳаракат қилиш, рақибига зарба бериш», – деб унинг дипломатиясидаги хос хусусиятларга катта баҳо берган.

Б.С.Маннонов унинг дипломатиясига хос бўлган қўйидаги хусусиятни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган: У “сотқинларни беаёв жазолаган, қўрқоқлик ва иккиюзламачиликдан жирканган, бироқ душманларига ўз қилмишларини обдан ўйлаб кўришга ҳамда хуносалар чиқаришга имкон берган, агар улар ўз хатоларини тушуниб етиб, уларга Соҳибқиронга бўлган садоқатини ҳаётда исботлаш учун яна бир марта имкон беришини сўраб ялиниб-ёлборганда, уларни кечирган»¹.

Шунингдек, у рақибига гўзал усулда хат ёзиш билан бирга огоҳлантирувчи, таҳдид солувчи мактубларни ҳам йўллаган. Жосуслари орқали овоза тарқатган, ташвиқот усулларидан самарали фойдаланган. Академик А.Х.Саидов ҳам унинг дипломатиясидаги хос хусусиятларидан баъзиларини келтириб ўтган: «У шаҳарларни вайрон қилмасдан, иложи борича кам талофат бериб олишни афзал кўрган. Амир Темур ҳарбий ҳийла турларидан қуюқ ваъдадан ториб, савимий насиҳатгача бўлган шакллардан моҳирона

¹Маннонов Б.С.Амир Темур дипломатияси... – Б. 106.

фойдаланган. Масалан, 1401 йилнинг июнида узоқ давом этган Боязид қамали палласида Амир Темур қамалдагиларга, агар бефойда қаршилик кўрсатишни ўжарлик билан давом эттираверсангиз, навкарларим қаҳр-ғазабини жиловлаб тура олишга кафолат бермайман, деб таҳдид солган.

1381 йилнинг апрелида эса Ҳиротга ҳужум қилиш олдидан у икки минг бўлимини озод қилган ва шаҳарда кимки уйидан ташқарига чиқмаса, унинг ўзи ҳам бола-чақаси ҳам омон қолади, деб гап тарқатган. Пухта ўйланган бу ҳийла кутилган натижани беради. Бозор, маҳаллаларга сафарбарликка қанчалик ундамасинлар, аҳоли қўлига қурол олишдан ва қалъа деворлари устига чиқиб, шаҳарни ҳимоя қилишдан бош тортади¹.

Соҳибқирон Миср ҳукмдорига шундай хат йўллади: «Билгинким, биз худонинг лашкарларимиз, у бизни ғазабга келган пайтида яратган ва қаҳрга учраганларни жазолашни топширган... Биз билан бирга бўлмаганларнинг бошларига кулфат ва яна кулфат ёгилгай! Агар сиз қарши исён кўрсатсангиз ўзингиздан ўпкаланг... Муҳораба ўти ёқилмасдан олдин бизга жавоб ёзишга шошилинг... Биз сизга элчилар юбориб,adolat бўйича иш тутдик, уларни ҳам биринчи элчилар каби қатл эттирангиз, ўзингиздан хафа бўлинг!»

Амир Темурнинг дипломатияси маслаҳат ва машваратга асослангани тўғри қарорлар қабул қилиш имконини берган. У бирор юриш, мамлакат подшоҳлари билан муносабатлар ўрнатишда ўз даврининг энг машҳур, доно, билимли ва хос кишилари билан доимо маслаҳат ва машваратлар, қурултойлар

¹Керен Л., Сайдов А.Амир Темур ва Франция... – Б.48-49.

ўтказиб турган. Охирги қарорлар эса қўпинча сир тутилган ва фақат ҳукмдоргагина аён бўлган. Бугунги кунда дипломатия мактабини ривожлантиришда вазиятларга асосланган қарорлар қабул қилиш мала-каси ҳам катта ўрин тутади.

Унинг саройида элчиларни тайёрлаш учун тузилган маҳсус бўлинма доимий равишда ишлаб турган. Элчиликка тили ширин, вазиятларни баҳолай оладиган, таранг вазиятларни яхши томонга ўзгартира оладиган ақли ўткир, ўз даврининг энг обрўли кишиларини тайинлаган. Ҳатто Европага юборилган Муҳаммад Кеший бошчилигидаги элчиликка жавобан Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандга кириб келганда Амир Темур элчиси испанча кийиниб олгани ҳам уларга билдирилган ҳурмат ва иззатнинг нишонаси эди.

Унинг элчиларни қабул қилиш, уларнинг совфаларини қандай келтириш, кимларнинг атрофида ўтириши, баъзан темурий маликаларнинг катта тадбирларда иштирок этиши, овқатланиш одоби, мусиқаси ва бошқа дипломатик қабуллари ҳар бир икир-чикиригача ишлаб чиқилган. Зиёфатлар тўйларга уланиб кетган ва ўша даврда туркий, мўғулча, эроний ва бошқа мусиқалар янграб турган.

Унинг бой мероси бугунги кунда ҳам узоқ ва яқин мамлакатлар билан олиб борилаётган муносабатларда ҳам биз ворислари томонидан ривожлантирилмоқда.

Бу борада Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўрта Осиё минтақасидаги вазиятни юмшатиш, тинчтотув яшаш, давлатлараро ҳар томонлама манфаатли муносабатларни ўрнатишдаги катта ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳозир Ўзбекистон яқин ва

узоқ давлатлар билан қизғин дипломатик алоқаларни ривожлантироқда, қўшни республикалар билан чегаралар очилди, неча йиллар давомида жойидан жилмай турган улкан музлар эриб битмоқда ва ҳатто Шавкат Миромонович Афғонистонда йиллар давомида манфаатлари тўқнашиб келаётган йирик давлатлар билан муросаю мадора қилиб, ечилмай келаётган низолар ва нотинчликларнинг олдини олишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Амир Темур ташаббускорлиги бугунги тарих спиралида ўз ўрнига қайтмоқда. Биз маррани кенг олишимиз ва дипломатиядаги ана шу ташаббускорликни қўлга олиб, мамлакатимизни ривожлантириш асосларини яратишимиз лозим.

Соҳибқирон Амир Темур ўша даврдаги Шарқ ва Фарб тақдирига катта таъсир кўрсатган буюк дипломатdir. У ўз даврида Европага таҳдид солган даҳшатли ва минтақага талофат олиб келувчи улкан уруш ўчоқларининг олдини олган. Соҳибқирон бу хатти-ҳаракатлари билан Европа халқларига катта хизматлар қилган, уларнинг тинчлик-осойишталигини таъминлашга ўзининг катта ҳиссасини қўшганди.

Биз бугун ҳам Европалик ҳамкорларга хат йўлланганда ана шу даврдаги мактублардан илова сифатида келтириш ва мақсадларни аниқ-тиниқ баён этиш тарафдоримиз.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаймизки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий алоқаларини, туризмни ривожлантиришда мана шу меросдан самарали фойдаланишимиз лозим.

Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясидаги багрикенглик, узоқни кўра олиш қобилияти унинг салтанати довругини етти иқлимга таратган,

унинг кўп миллатли ва турли диний конфессиаларга асосланган салтанатида тинчлик-хотиржамликнинг ўрнатилишига сабаб бўлган омиллардандир. Агар Амир Темур фаол ташқи сиёсат ва қизғин дипломатик алоқалар олиб бормаганда ўша даврда ҳамма ҳудудларда уруш ўчиқлари очилган бўлиши ва салтанат барча соҳаларда ривожланишга эриша олмаган бўлиши мумкин эди. Амир Темур салтанати даврининг бугун иккинчи Ренессанс даври деб аташи бежизга эмас, унинг тамал тошида дипломатия ва фаол ташқи сиёсат асослари туради. 2015 йилнинг 1 ноябрь куни АҚШ Давлат котиби Жон Керри Темурийлар даврининг шон-шавкати, унинг турли миллат ва элатларни бирлаштирган пойтахт Самарқанд шаҳрида бўлди ва унинг Амир Темур давридаги муҳим ўрнига алоҳида тўхталиб ўтди. Ўзбекистон сафаридан кейиноқ Қозогистонга йўл олган Жон Керри Остонадаги Назарбоев – Университетда Самарқанднинг тарихда миллий марказ бўлгани ҳақида қўйидагиларни таъкидлади: “Бу турклар, араблар, мусулмонлар, яхудийлар, юононлар, арманилар, христианлар, католик ва несторианлар билан бирдай мулоқотда бўлинган шаҳардир. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Нью-Йоркда 70 йил муқаддам ташкил қилинган, деб ҳисоблаймиз. Йўқ. Бу Самарқандда бир неча юз йил муқаддам содир бўлган¹.

Умуман олганда, “Амир Темур салтанатининг ташқи сиёсати ва дипломатияси тарихи, унинг йўналишлари алоҳида мавзуларда чуқур ўрганилиши керак ва улар бугунги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва дипломатиясини бойитишда муҳим аҳамиятга эга” деб ҳисоблаймиз.

¹<http://kun.uz/news/2015/11/04/kerri-bmt-samarqandda-yaratilgan-edi>.

МАНБАЛАР

Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмай баҳрайн... Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли лугатлар А. Ўринбоевники. 2 жилдли. – Тошкент: Фан, 1969. – 463 б.

Бағирзода Мираббос. Амир Темурнинг Фарангистонга мактуби // Тошкент оқшоми. – 1991. – №1.

А.Навоий. Асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. Ж. XIV. – 270 б.

Амир Темурнинг Боязид Йилдиримга йўллаган мактуби // Халқ сўзи. – Тошкент, 1996 йил 10 феврал.

Амир Темурнинг Франция қироли Шарл VI га мактуби / Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – 74 б.

Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншоҳнинг христиан шоҳ ва шаҳзодаларга йўллаган мактуби / Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б. 78-79.

Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У. Уватов - Тошкент. Меҳнат, 1992. I китоб. – 328 б.;

Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У. Уватов. – Тошкент: Меҳнат, 1992. II китоб. – 192 б.

Керен Л., Саидов А. Амир Темурнинг дипломатик ёзишмалари / Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б.72-82.

Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан

ўтирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 527 б.

Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар) // Санъат. – Тошкент: 1990. №8. – Б. 22-23.

Темур тузуклари / Проф. Б. Аҳмедов таҳрири остида – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 200 б.

Темур тузуклари / Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Сўз боши ва изоҳлар, умумий таҳрир академик Б.Аҳмедовники. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – 344 б.

Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. (Мовароуннаҳр воқеалари 1360–1370) / Маъсул муҳаррир, сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев, О. Бўриев таржимаси. – Тошкент: Камалак, 1994. – 288 б.

Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 384 б.

Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Тошкент: Фан, 1991. – 55 б.

2.40. Муъизз ал-ансаб (Прославляющие генеологию) / История Казахстана в персидских источниках. – Алматы: Дайк-Пресс, 2006. – 672 с.

2.41. Рашид-ад-дин Фазлаллах Ҳамадани. Сборник летописей / Пер. с перс. А.К Арендса. Под ред. А.А.Ромаскевича, Е.Э.Бертельса, А.Ю.Якубовского. – М. – Л.: Наука, 1946. Т.III. - 340 с.

Руи Гонсалес Де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканد ко двору Тимура (1403–1406 г.) / Пер. со страисп., предисл. и comment. И. С. Мирковой. – М.: Наука, 1990. – 212 с.

Собрание восточных рукописей Института Востоковедения АН РУз. История / Составители: Д.Ю.Юсупова, Р.П.Джалилова. — Ташкент: Фан, 1998. — 535 с.

Фасих Аҳмад ибн Джалалиддин Мухаммад ал-Хавфи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод) / Пер. с перс., комментарии и указатели Д. Ю. Юсуповой. — Ташкент: Фан, 1980. — 346 с.

Шараф ад-Дин Али Йазди. Зафар-наме / Подг.к печати, предисл., примеч.и указатели А. Урунбаева. — Ташкент: Фан, 1972. — 1270 с.

Бир жилдли китоблар, монографиялар

Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. — 79 б.

Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. — Тошкент: Шарқ, 2000. — 368 б.

Ака Исмоил. Буюк Темур давлати / Туркчадан Т.Қаҳҳор таржимаси. — Тошкент: Чўлпон, 1996. — 152 б.

Амир Темур жаҳон тарихида / Иш раҳбари проф. С. Сайдқосимов. — Тошкент: Шарқ, 1996. — 293 б.

Амир Темур жаҳон тарихида. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. — Тошкент: Шарқ, 2001. — 304 б.

Аҳмедов Б.А. Хондамир. — Тошкент: Фан, 1965. — 54 б.

Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. — Тошкент: Ўқитувчи, 1994. — 430 б.

Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. — Тошкент: Ўзбекистон, 1997. — 186 б.

- Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – 96 б.
- Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 96 б.
- Кароматов Ҳ. Айрим атамалар ва тарихий истилоҳларнинг изоҳли луғати / Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.506-521.
- Керен Л, Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – 88 б.
- Керен Л. Амир Темур салтанати / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б. Эрматов. – Тошкент: Маънавият, 1999. - 224 б.
- Керен Л, Саидов А. Амир Темур ва Франция. - Тошкент: Адолат, 2017.
- Логофет Д. Н. Бухоро тоғлари ва текисликларида. Сомон йўли. – Тошкент: Камалак, 1992. – Б.72-73.
- Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли. – Тошкент: Фан, 1969. – 45 б.
- Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – 128 б.
- Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. – Тошкент: Фан, 1996. – 127 б.
- Хукхэм Хильда. Етти иқлим султони / Рус тилидан Ҳ. Тўрабеков ва Ш. Сокин таржимаси. – Тошкент: Адолат, 1999. – 320 б.
- Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – 353 б.
- Яҳшиликов Ж., Аҳадов Ш. Темурийлар маънавияти. (Илгариғи манбалар ва янги тадқиқотлар асосида). – Тошкент: Фан, 1999. – 163 б.

Ўринбоев А., Бўриев О. Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида. – Тошкент: Халқ мероси, 1996. – 165 б.

Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 208 б.

Греков Б. Д. Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение. – М-Л.: АН СССР, 1950. – 479 с.

Жан-Поль Ру. Тамерлан / Пер с. фр. Е.А.Соколова; Послесл. В.Л. Егорова. – М.: Молодая гвардия, 2004. – 259 с.

Хукхэм Хильда. Властитель семи созвездий. Перевод с английского Г.Хидоятова. – Ташкент: Адолат, 1995. – 320 с.

Юсупова Д. Ю. Жизнь и труды Хондамира. – Ташкент: Фан, 2006. – 328 с.

Кўп жилдли китоблар ва туркум нашрлар

Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV века. Сношения Тимура с Византией и Францией // Труды УзГУ. Новая серия. – Самарканд: 1956. Вып.61. – С.179-200.

Умняков И.И. Малоизвестный французский источник о Тимуре // Труды САМГУ. Новая серия. История. – Самарканд: 1960. Вып.6. – С. 173-199.

Хасанов А. Из истории дипломатических отношений Средней Азии С Египтом в конце XIV в начале XV вв. // Сборник науч. трудов. ТашГУ. Востоковедение. – Ташкент: 1981. № 5. – С.130.

Якубовский А.Ю. Государство Тимура // История Узбекской ССР. кн 1. – Ташкент: 1955. Т. I. – С. 313-334.

Монография ва монография авторефератлари

Зайнуддинов О.З. Ўзбекистонда божхона тизими ва унинг ўзбек давлатчилигига тутган ўрни (1991–2001). Тарих фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – 28 б.

Ўлжаева Ш.М. «ХХ асрнинг 50-60 йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги» (шўро адабиётлари мисолида): Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТИ, 1999. – 154 б.

Усмонов Б.А. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигига ёритилиши: Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 2004. – 165 б.

Хидиров С. Амир Темур давлатининг ташкил тоши ва давлат тузуми: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ИИВА, 2002. – 178 с.

Абиджонова Д. С. Маверауннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60-90-х годов ХХ в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент: Уз ФА ИИ, 2001. – 26 с.

Юсупова Д.Ю. Творческое наследие Хондамира как источник по истории культуры Центральной Азии XVI в.: Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН Уз, 2001. – 52 с.

Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

Бўриев О. Амир Темур даврида Мовароуннахр ва Мўғалистон муносабатлари // Шарқшунослик. – Тошкент: 1996. – №7. – Б. 37-44.

Исматуллоҳ X. Соҳибқирон ва хорижий дунё. Венеция архивларидаги Амир Темурга оид ҳужжатлар

// Иқтисод ва ҳисобот. – Тошкент: 1996. – № 9. – Б. 72-78.

Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари (Хитой манбалари бўйича) // Шарқшунослик. – Тошкент: 1996. – № 7. – Б.46-48.

Каримов Ф., Ҳабибуллаев А. Амир Темур ва темурийлар давлатининг дипломатик алоқалари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент: 1998. – №1. – Б. 34-37.

Маннонов Б. С. Амир Темур дипломатияси // Шарқшунослик. – Тошкент: 1996. – № 7. – Б.10-37.

Маннонов Б. Ўзбек дипломатияси тарихи муаммолари // Шарқшунослик. – Тошкент: 1993. – № 4. – Б. 128.

Муқимов З. Амир Темур нега хонлик мансабини олмаган? // Гулистон. – Тошкент: 1998. – № 3. – Б. 20-21.

Уватов У. Амир Темур ва мамлуклар // Шарқшунослик. – Тошкент: 1996. – № 7. – Б.60-72.

Фуломов С. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир муносабатларига доир // Шарқшунослик. – Тошкент: 1997. – № 8. – Б. 196-200.

Фуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари // Шарқшунослик. – Тошкент: 1996. – № 7. – Б.74-83.

Юсупова Д.Ю. Развитие образования в эпоху Амира Темура и темуридов //Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент: 1996. – №7-10. – С. 106-109.

Илмий ишлар тўпламларига ҳаволалар

Бўриев О. Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари географияси. // Темурийлар даври ёзма манбалида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 92-134.

Умняков И.И. Внешнеполитические связи Самарканда с государствами Западной Европы // История Самарканда. – Ташкент: 1969. – С. 173-195.

Юсупова Д.Ю. Вопросы градостроительства в трудах Хондамира // Позднефеодальный город Средней Азии. – Ташкент, 1990. – С. 157-162.

Конференция тезислари

Асқаров А. Амир Темур ва Хоразм // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 39-40.

Нельсон Р. Амир Темур улкан стратег ва улкан сиёсатдон сифатида // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 33-34.

Маннонов Б. С. Амир Темур дипломатияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 104-107.

Фарзалиев Ш.Ф. Темурнинг Усмонли султони Боязид билан ёзишмалари // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 90-92.

Фатҳи ал-Гувейли. Амир Темур дипломатияси // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.108-109.

Умняков И. И. Международные отношения Средней Азии в начале XV в. // Научная сессия профессорско - преподавательского состава УзГУ, апрель, 1959. Тезисы

докладов. — Самарканд: УзГУ, 1959. — С. 55-58.

Умняков И.И. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV века // Международный конгресс востоковедов. — М.: 1960. — С. 220-223.

Амир Темурнинг Боязид Йилдиримга йўллаган мактуби // «Халқ сўзи». — 1996 йил 10 февраль.

Бағирзода Мираббос. Амир Темурнинг Фарангистонга мактуби // «Тошкент оқшоми». — 1991 йил, № 1.

Соҳибқирон ва Миср султонлари // «Халқ сўзи». — 1996 йил 20 февраль.

МУНДАРИЖА

Амир Темур дипломатиясининг ўзига хос хусусиятлари	3
Амир Темур давлати ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари	26
Амир Темур салтанати дипломатик ёзишмаларининг давлатчиликдаги ўрни	57
Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасида дипломатик алоқаларнинг бошланиши ва ривожланиши	78
Ташқи сиёсат ва дипломатияни ривожлантиришда буюк ипак йўлиниңг аҳамияти	90
Константин Кудряшовнинг «Аргументы и факты» газе- тасида чоп этган «Буюк оқсоқнинг тугалланмаган йўли» номли мақоласига раддия.....	105
Руи Гонсалес де Клавихо «Кундалиги»да ташқи сиёсат ва дипломатия тариҳига оид маълумотлар	117
Бугунги Ўзбекистон дипломатик ва халқаро муносабатларини ривожлантиришда Амир Темур меросининг аҳамияти	129
Манбалар	140

Илмий-оммабон нашр

Шоҳистахон ЎЛЖАЕВА

АМИР ТЕМУР ДИПЛОМАТИЯСИ

Муҳаррир:	<i>А.Қоржовов</i>
Муҳаррир:	<i>О.Қанаев</i>
Дизайнер:	<i>Р.Ташматов</i>
Мусаҳҳих:	<i>М.Холиқова</i>
Саҳифаловчи:	<i>Г.Курбанбаева</i>

Нашриёт лицензияси: АI №270

Босишига 05.03.2018 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Virtec Times UZ” гарнитурасида оғсет усулда босилди.

Нашр босма табоги 9,75 Адади 2000 Буюртма № 18

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

Email: book@ijodpress.uz

www.IjodPress.uz



Ўлжаева Шохистахон Мамажоновна 1985-1990 йилларда ТошДУ (хозирги ЎзМУ) тарих факультетини битириб, шу факультетда иш бошлади. 1997 йилда Франциянинг Рени університетида малака ошириди, 1999 йилда “Амир Темур ва темурийлар даври тарихшунослиги” мавзууда номзодлик диссертациясини химоя қилди.

2008 йилда тарих ва ҳуқуқшунослик фани билан уйғунлукда “Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши” мавзуудаги докторлик диссертациясини химоя қилди ва тарих фанлари доктори илмий даражасини олди.

Олима 2004 йилдан бүён Тошкент кимё-технология институтининг “Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар” кафедрасининг мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

ISBN 978-9943-5233-2-6



9 789943 523326

